

84
7-49

ДЕТЕКТИВ




МУРОД ТИЛЛАЕВ

газетаси кутубхонаси

КАЛТИМ



ЎЙИ

- 
- * ажал дарёси
 - * безовта тун
 - * қирмизи олмалар
 - * қасос ўти
 - * уч туп атиргул
 - * соҳилдаги қотиллик
 - * қотил шифокор

650

84
Т49 И.Турецкое
Удмуртский язык

2013 и	42000
--------	-------

1/1 2004-2011

1/1 540

07/11-2008-2011

2/1 74.210

8/1 87.40

12.02-1124-210

24.03-1261-21

ДЕТЕКТИВ



газетаси кутубхонаси

Мурод ГИЛЛАЕВ

ҚАЛТИС УЙИ

Детектив қисса ва ҳикоялар

Тошкент
«Наврўз» нашриёти
2013

УЎК: 821.512.133-3

КБК: 84(5Ў)6

T-49

Тиллаев, Мурод

T-49 «Қалтис ўйин»: детектив қисса ва ҳикоялар/
М.Тиллаев. – Тошкент: «Наврўз», 2013. 160 б.
(«Детектив» газетаси кутубхонаси).

ISBN 978-9943-381-44-5

УЎК: 403.20.3

КБК: 84(5Ў)6

Ҳаёт ниҳоятда мураккаб. Кимдир бу дунёда жисноий йўл билан бойлик орттириб, айш-ширатда яшайдан ҳазар қилмайди. Ушбу мақсадига етиши учун ҳатто бировларнинг умрига зомин бўлишдан ҳам тап тортмайди. Яна кимдир аламзадаликдан, кўнглига озор етказганлардан ўч олиши учун жисноятга қўл уради. Аммо ким нима сабабдан жисноят кўчасига кирмасин, охири афсус қилади, қилмишига яраша жазосини олади. Демак, «Дунё бесўроқ эмас» деб беэҳсон айтишмас экан-да. Ушбу тўпلامни ўқиб чиққанингиздан кейин ана шундай хулосага келасиз деб ўйлаймиз.

Барча ҳуқуқлар амалдаги қонунларга асосан ҳимояланган. Китобдан кўчириб босиш муаллифнинг ёзма рухсати билан амалга оширилиши лозим.

ISBN 978-9943-381-44-5

650

Замшова А.А.

© Мурод Тиллаев

«Қалтис ўйин»

© «Наврўз» нашриёти, 2013

ҚАЛТИС УЙИН

...Бир куни эрталаб автомобиллар турадиган жойга «Мазда-626» русумли чиройли машина келиб тўхтади. Кулбачасидан чопиб чиққан қоровул шошиб дарвозани оча бошлади. Машинадан салобат билан Маликов тушди.

– Ишлар қалай? – сўради қоровулдан ўз хўжалигини синчиклаб кузатаркан.

– Жойида, – жавоб берди қоровул оёғи остида ўралашган итни нари сураркан.

– Янгисидан борми?

– Бор, шеф.

– Кўрсат.

Улар машиналар қатори бўйлаб юришди. Қоровул орқада лапанглаб борарди.

– Қайси бири? – сўради Маликов сабрсизлик билан.

– Ана... – дея қоровул йўл четидаги хорижда ишлаб чиқарилган машинани кўрсатди.

Маликов машинани кўздан кечириб бақолади, ҳа, айнан керакли нарса эди, деб қўйди ўзича.

У мана шу ярим расмий автотураржойнинг эгаси. Даромади яхши. Аммо қанча даромад келмасин, барибир камга ўхшарди. Топганига сира қониқмас, қайтага иштаҳаси баттарроқ карнай бўларди. Пул топиш учун у ҳеч бало-дан, ҳатто одам жонини олишдан ҳам тап тортмасди.

Мана, узоқдан машина эгаси кўринди. Маликов унинг ёнига борди ва беписанд қараб сўради:

– Қаёқдан олиб келдинг?

– Нима эди?

– Пстадир у жуда шубҳали кўриняпти, – деди Маликов сурбетларча. – Қидирувда бўлса керак. Милиция чақирини тўғри келади...

– Қинча? – деб сўради машина эгаси мақсадга кўчиб.

Миликов чамалаб қўйган нархини айтди, «ўғирлик» машинадан тезроқ қутулишни истаб турган нотаниш одам автотураржой раҳбарининг таклифига кўниб қўя қолди. Вақтни бой бермай ҳисоб-китоб қилишди.

Дамир Маликов аввал бир корхонада кўриқчилар бошлиғи бўлиб ишлаганди. Корхона раҳбари билан салкам дўст эдилар. Зиёфатларга, кўнгилочар жойларга бирга боришарди. Кейин тушган тушумни бўлишолмай ораларидан ола мушук ўтиб, жанжаллашиб қолишди. Раҳбар уни ишдан ҳайдаб юборди. Бу нарса Дамирнинг шу қадар нафсониятига тегдики...

Дамир ишсиз, аламдан ўзини ҳар ёққа уриб юрган кезларида Ботир Комилов деган йигит билан танишиб қолди. У янги ошнасига эски улфатидан шикоят қилди.

– Биласанми, Ботир, – деди у қадаҳга тўлдириб ароқ қуяркан, йиғлагудай бўлиб, – ишлаган пулимни ҳам бермай итдай ҳайдади.

– Бу туриб турган ифлослик! – деди Ботир ҳаяжон билан ва қўлидаги қадаҳни бир кўтаришда бўшатди.

– Мен ҳам шунақа деяпман-да, бу – ифлослик. Ишни бирга бошлаганмиз, жарақ-жарақ пуллар эса унда қолди.

– Сиз нима қилдингиз?

– Менми?.. Нима ҳам қила олардим? – Дамир беҳафсала қўл силтади. – Қўлимдан бирон иш келмаса...

– Уни йўқотиш керак.

– Йўқотиш қийин эмас, – Ботирнинг гапини илиб кетди Маликов. – Лекин биринчи бўлиб мендан кўришади-ку!

Собиқ раҳбарини гумдон қилиш фикри унинг калласига биринчи марта келаётгани йўқ эди. Янги таниши Ботир сирли оҳангда унга шипшиди:

– Нега энди ўзингиз? Одамлар топилади. Шундай да-
мирдан қил суғургандай амалга оширишадик... ҳеч қан-
дай изқувар уларнинг ортидан етолмайди...

– Унда топинг!

– Қийин жойи йўқ! – ишонтирди Ботир. – Фақат...

– Униси ҳақида ўйламанг! – Маликов дарров тушун-
ди. – Унинг уйи қаср, пул ҳам, тилла-пилла ҳам тиқилиб
ётибди. Одамларингиз олсин ўшаларни.

Бу гап Ботирга маъқул тушди. Қадаҳлар яна лиммо-
лим тўлдирилди.

– Бўлмаса энди ўзингизга далил-исбот ҳозирланг.

Ботир Комилов жиноятнинг жарли кўчасига киргани-
га анча бўлган, лекин ҳали каттароқ иш қилишга улгур-
маганди, холос. Қуроли бор, зарур одамларни топса бас
эди. Эртасига у бир ошнасини топиб яхшигина меҳмон
қилди. Ўтган кунларини эсладилар. Охири гапдан гап чи-
қиб, ошнаси Карим бошини қашлаганча зорланиб қолди:

– Барибир пулдан қийналяпман-да. Ўзинг кўриб туриб-
сан, нарх-навонинг орқасидан қувиб етиб бўлмапти.

– Э, ҳозир кимга осон?.. – уни қувватлади Ботир. – Шунинг
учун йўлини топиш керак. Пул осмондан ёғилмайди-ку, ахир!

– Йўлини топиш керак, лекин қандай? Билсанг, айт.

Ботирга худди шу гап керак эди.

– Масалан... хўш, одам ўлдира оласанми?

Карим шошиб оғзини очганча бир зум нафас ололмай
қолди. Аммо ошнасининг саволини ҳазил деб ўйлади, ше-
килли, ямланиб жавоб берди:

– Билмадим.

Ботир эса жавобни ризолик аломати деб билди.

– Ўйлаб кўр.

– Бўпти, ўйлаб кўраман.

Орадан бир неча кун ўтгач, Ботир унинг ёнига Дамир
Маликовни бошлаб борди.

– Хўш, дўст, тайёрмисан? Ишни бошлаймиз, – деди у
қўлларини бир-бирига ишқаб. – Битта одамни топиб гум-
дон қиласан, суратини берамиз.

Карим довдиради, чамаси, ўша кунги гап эсидан ҳам чиқиб кетган эди.

– Йўғ-е! Бунақа қилолмайман! – саросималанди у.

– Вей, нимадан воз кечаётганингни биласанми? – кўндиришга уринди Ботир. – Машинали бўласан.

– Йўқ, кўлимдан келмайди...

Хуллас, Дамир билан Ботир қанча уринишмасин, уни кўндира олишмади. Қайтага сирни билувчи одам кўпайгани қолди. Энди бошқа одам қидириш керак эди. Ботир ўйлай-ўйлай Рафиқ деган танишини эслади-ю, дарров уни излаб, эски-туски нарсалар сотиладиган бозордан топди ва бир чеккага тортиди.

– Рафиқ, иш бор.

– Мен доим тайёрман, – дея жилмайди Рафиқ.

– Битта фирма директорининг кавушини тўғрилаш керак...

– Шу ҳам ишми?

– Нариги дунёга...

– Ваҳ-ваҳ! Нимаси ёқмай қолди?

– Менга эмас, бошқа одамга... «Қуруғи»ни беради.

Рафиқ иккиланиб турди-ю, лекин рад ҳам қилмади. Учовлон машинага ўтирдилар. Улар анча вақтларини Дамир Маликовнинг автотураржойида ўтказишди. Чунки ишни амалга ошириш бўйича Дамирнинг ўз режаси бор эди.

Мана, кутилган вақт яқинлашди. Жиноятчилар йўлга чиқдилар. Соат тунги ўн бир ярим. Дамир машинани икки қаватли супермаркет қаршисида тўхтатди. Пастга тушиб, автомат телефондан кўнғироқ қилди:

– Алло, сенмисан, Олим?

– Ҳа. Ким бу?

– Дамирман.

– Э, салом. Тинчликми?

– Тинчлик. Пастга туш, гап бор.

Олимнинг чиққиси йўқ: ё ухлаб ётган, ёки энди ётмоқчи бўлиб турганди, чамаси.

– Ярим кечаси-ку?.. – деди оғринган оҳангда.

– Узоқ вақтингни олмайман. Ёрдаминг керак.

– Ҳа, майли...

Бир неча дақиқа ўтиб, йўлақдан Олимнинг қораси кўринди. Дамир қўлини кўтарди. У яқинлашиб Дамир билан сўрашди.

– Ҳа, тинчликми?

– Машинага ўтир, кетдик.

Машина узоқ юрмади, одам йўқ жойда тўхтадилар. Дамир Олимга ўгирилиб қатъий оҳангда деди:

– Яхшилаб эшит, Олим! Биз ҳозир Соиповникига кетяпмиз. Уйининг эшигини очишга ёрдамлашасан. Ишонган одамисан, сенга очади. Сенга тегмаймиз. Агар ўзингни у ёқ-бу ёққа ташласанг, билиб қўй, соғ қўймаймиз!

Олим миқ этолмай қолди. Ботир тўппончани ўқлаб, унинг оғзига овоз ўчиргич ўрнатди ва Рафиқнинг қўлига тутқазди.

– Мана, ҳаммаси тайёр, тепкини боссанг бўлди...

Олим ва икки жиноятчи кўп қаватли уйнинг бизнесмен яшайдиган йўлагига кирдилар. Рафиқ Олимнинг орқасида биқинига тўппонча тираб борарди. Керакли қаватга кўтарилиб, Соиповнинг квартираси қаршисида тўхтадилар. Олимни эшик кўнғироғини босишга мажбур қилишди. Кўп ўтмай ичкаридан хонадон эгасининг қадам товушлари эшитилди.

– Ким?

– Бу мен, Олимман.

– Олим? Нима гап, тинчликми?

Савол беихтиёр берилганди, шу заҳоти қулф шириқлаб эшик очилди. Нима ҳам қилсин, келган одам яқини эди-да. Аммо Олим уни огоҳлантира олмасди, чунки биқинига тўппонча тиралганди.

Эшик очилиши билан қотиллар Соиповга ташландилар. Рафиқ буюртмачилар ўргатганидек, бизнесменнинг кўкрагини мўлжалга олиб ўқ узди. Жароҳат оғир эди, бироқ Соипов бўш келмади: Рафиқнинг қўлидаги тўппончага ёпишиб, уни тортиб олишга уринди.

– Олим, ёрдамлаш! – қичқирди у.

Олим ёрдам беролмасди – Ботир уни маҳкам ушлаб турарди.

– Нафиса!.. – қичқирди Соипов. Чамаси у умр йўлдошини хавфдан огоҳлантирмоқчи бўлди.

Хотини арзимаган нарсага жанжаллашиб, икки соатча бурун аразлаб уйдан қаёққадир чиқиб кетганди. Ана шу нарса аёлни ўлимдан асраб қолди. Рафиқ яна икки марта ўқ узди. Улардан бири жабрланувчининг бошига, иккинчиси сонига тегди. Жиноятчилар қонига беланган Соиповни хонада қолдириб, қочиб қолдилар. Хонадонни тинтишга қўрқишди, чунки ортиқча шовқин кўтарилган эди.

Дамир шундан кейин шериги Ботирни олиб узоқдаги қариндошлариникига жўнади. Рафиқ қолди, чунки у аҳволни кузатиб туриши керак эди. Биринчи навбатда Соиповнинг аҳволидан бохабар бўлиши лозим. Жиноятчиларнинг бахтига, Соипов ҳушига келмасдан вафот этди – қотилларнинг кимлигини айтолмади. Жиноят вақтинча очилмай, қидирув ишлари тўхтади.

Шу тариқа шаклланган жиноий тўда эса қора ишларини давом эттирди.

* * *

Орадан вақт ўтиб, Маликов ва Комилов уюшган гуруҳи жиноятчилар оламида анча машҳурликка эришди. Энди уларга турли буюртмалар туша бошлади. Мана, ўша буюртмаларнинг бири билан боғлиқ воқеа.

Фозил билан Акмал деган икки йигит ўртага пул қўйиб, ўз савдо ишларини ташкил қилмоқчи бўладилар. Лекин орага пул аралашгач... Акмал шериги Фозилнинг иккови-га қарашли фирма биносини сотиб юборганини билиб, юраги нақ портлаб кетаёзди. Акмал ундан ўч олмоқчи бўлди.

Қизиқ, кечагина шерик, ҳамкасб, дўстлар орасида сал ўтмай шунақа муносабат пайдо бўлиши қонуниятмикин? Улар иш бошлашдан аввал бир-бирларига қаттиқ ишонар эдилар-ку, ахир! Ўртада пул пайдо бўлиши билан та-мом, ҳар қайсиниси кўпроқ юлишни истаб қолади: ёрдам қўлини чўзиш ўрнига... дўстининг оёғидан чалишга ҳам тайёр туришади.

Хуллас, Акмал тезда кўмакка шай одамларни топди. Тўртовлон муҳокамага жўнадилар. Зинадан кўтарилиб, Акмал кўрсатган эшик қўнғироғини босишди.

– Ким?

– Мен, Акмалман. Эшикни оч!

– Очмайман! – деди Фозил.

– Бир ўзим эмасман, Фозил! Яхшиси, оч, бўлмаса эшикни синдирамиз.

Бир оз сукутдан сўнг Фозил эшикни очди. Чақирилмаган меҳмонлар ичкарига ёпирилиб кирдилар.

– Хўш, Фозилбой, бинони сотиб юборибдилар-да. Пулни бўлишмайдиларми?

– Пулим йўқ, – дея тўнғиллади Фозил шумшайиб.

– Унда дарё бўйига борамиз, шамоллаб келасан.

Фозил бунақанги компания билан дарё бўйига боришни истамади, албатта.

– Пул топиб келаман, топаман!

– Э, йўқ, яна лақиллатмоқчимисан? Шунчалик лақма деб ўйлаяпсанми мени?!

– Гаровга бирон нарсамни берсам бўладими?

– Нима берасан?

– Машинамни. Сенда туради, пул топганимда қайтарасан.

Фозил шубҳа туғилмаслиги учун машинанинг ҳужжатларини ҳам топширди. Талончилар тинчланиб, машинани олиб кетдилар. Аммо Фозил уловини осонгина бериб қўймоқчи эмасди, у ҳам ҳаракатини бошлади. У одатда машинасини Дамир Маликовнинг автомобиллар турадиган жойига қўярди. Фозил Дамирга мурожаат қилди ва:

– Машинани қайтиб олишга ёрдамлашинглар, кейин сизлар билан ҳисоб-китоб қиламан, – дея ишонтирди уни.

Дамир Фозилни яхши танигани учун бу таклифни ўйлаб ўтармай қабул қилди.

– Тўғрилаймиз!.. – деди у қатъий.

Белгиланган кунни автотураржойда уюшган гуруҳ аъзолари йиғилишди. Машиналар қаторлашиб йўлга чиқди. Акмалнинг эшиги тагига дастлаб Фозилнинг ўзи келди.

– Ким?

– Фозилман. Эшикни оч. Биз билан борасан.

Акмал собиқ шериги пул олиб келмаганини дарров сезд, шекилли, эшикни очишдан бош тортди:

– Ўзингдан кўр, – огоҳлангирди Фозил маъноли оҳангда.

«Оғир артиллерия» ишга тушди. Маликов уюшган гуруҳга кейинроқ қўшилган икки барзанги билан юқорига кўтарилди. Фозил эшикка қараб яна бир марта қичқирди:

– Яхшиси чиқ!

– Йўқ!

Барзангилар буюртмачини нари итариб, унинг ўрнини эгаллашди.

– Очмайсанми?

Эшик ортида кўпчилик турганини пайқаган Акмал кўрқиб кетди ва баттарроқ рад қилди. Куч ишлатишга тўғри келди. Эшик икки-уч зарбадаёқ кўпорилди. Учовлари бостириб кирдилар. Ранги оқарган Акмал деворга қисилганча қалтираб турарди. Уни мушт билан сийлаб, пастга олиб тушдилар. Пастда эса уни бошқа зўравонлар кутиб олишди.

– Гап бундай, – деди Ботир қатъий оҳангда. – Ҳозир Фозилнинг машинаси қаердалигини айтасан ёки...

Акмал шоша-пиша бидирлади:

– Қаердалигини билмайман! Болалар олиб кетишди...

– Аҳ-ҳа, унда ўша болалар қаерда, ҳозир бизга кўрсатасан!

– Билмайман, ўлай агар!

– Унда сени олиб кетиб, соҳил бўйидаги бирон-бир дарахтга осамиз. Кейин ўлигингни сувга ташлаймиз. Балиқлар бир маза қилишсин...

Акмалнинг уюшган гуруҳ аъзолари таклифига бўйсунушидан ўзга чораси қолмади. Уни машинага ўтқизиб олиб кетишди. Машиналар ярим соатча кўча айланиб, шаҳар четига чиқди. Ниҳоят, Фозил билан Акмал низосига қозилик қилган «болалар»ни кўришди. Улар дарахтзор орасига қурилган, ҳозир гавжум бўлган чойхонадан

сал берида сигарет тутатганларича тўпланиб турардилар.

– Ана улар! – хитоб қилди Фозил қўлини чўзиб.

– Тўхта! – буюрди Дамир ҳайдовчига.

Икки барзанги ҳеч нарсадан беҳабар гурунглашиб турган «болалар» томон юрди.

– Болалар, сизларга гап бор, – деди узоқдан Самандар исмли барзанги.

Улар нима гаплигини дарров тушунишди, лекин қўрққанлари йўқ, чунки «уй»ларида эдилар-да, демак, маҳаллий зўравонлардан. Дўқ-пўписа, қўл силтаб «гаплашиш» бошланди. «Мезбон»лар келгиндиларнинг кучини етарли баҳолай олмагандилар. Энди жанжал чиқай деганда машиналардан дувиллаб барзангидек йигитлар тушишди. Кимдир қичқирди:

– Бошла!

Маҳаллийлар кўз очиб-юмгунча тум-тарақай бўлдилар.

– Тўхта! – дея бақирди Ботир ёнидан тўппончасини суғуриб.

«Болалар» қочиш тезлигини оширишди. «Меҳмон»лар уларни қувлаб ўтиришмади. Бунинг ўрнига Самандар Акмалнинг ёқасидан сиқиб ушлади ва бир неча марта аямай башарасига мушт туширди.

– Машина қани?

Акмал беихтиёр чойхона томон қаради. Дарахт тагида Фозилнинг машинаси турарди.

Шундай қилиб, шу куни тўдага Акмал ҳам қўшилди.

* * *

Бироқ ҳаёт йўли ҳеч қачон бирдай бўлмайди – у баъзан текис, баъзан ўйдим-чуқур, оқ ва қора бўлақлардан иборат. Дамир ва Ботир тузган уюшган гуруҳнинг йўли ҳам шундай эди. Омадсизлик ҳамда ноилож қолган ҳоллар ҳам юз бериб турарди, албатта...

* * *

Машина олди-сотдиси билан шуғулланувчи Қаюмов деган одам шаҳарга бир неча автомобиль харид қилиш учун келганди. У суриштириб юриб Латиф исмли кишига рўпара бўлди.

– Бир партия машина олишнинг иложи борми? – сўради у.

Одатда бундай бизнес билан шуғулланувчи кишилар ҳушёр бўлиши керак эди. Аммо Қаюмов мазкур ҳолатда бўшлиқ қилди.

– Иложи бор, – жавоб берди Латиф ўйчан қиёфада иягини аста силаб. – Нечта керак?

– Қанча топиб бера оласиз?

– Суриштириб айтаман.

Қаюмов бўлажак савдо учун оз эмас, кўп эмас – 500 миллион сўм санаб берди. «Сотувчи» эса ваъдани қуюқ қилди. Шундан кейин Қаюмов берган пулини бошқа кўрмади.

Вақт ўтиб борар, Латиф на машиналарни етказар, на пулни эгасига қайтарарди. Қаюмов типирчилаб қолди, югурди-югурди ва охири ички ишлар идорасига мурожат қилди. Латиф қўлга олинди... Хўш, кейин-чи? Товламачи қамоқхонада ўтирар, лекин пулни ким қайтариши номаълум эди. Мана шу аҳвол машинафурушни жиний гуруҳдаги иккинчи одам – Ботир Комиловнинг олдига бошлаб келди. Вазифа ўта мураккаб эди – товламачи қамоқда, пулни қаердан қидиришни ҳеч ким билмасди. Шунга қарамай, Ботир иккиланиб ўтирмади.

– Ёрдам берсак эллик фоизини бизга берасиз.

Машинафуруш бу таклифга ўша заҳоти кўнди. Эллик фоиз катта пул, лекин йўқдан кўра яхшироқ эди. Битим тузилди. Ботир уни машинага ўтқазиб автотураржойга олиб борди.

– Болалар, иш чиқиб қолди.

Шерикларнинг қулоғи динг бўлди. Иш чиқса, пул ҳам келади-да... Дамир масканга оёғини қўлига олиб етиб келди. Масала ҳал қилинди. Операция муваффақиятли якун-

ланса, каттагина даромад келтириши мумкин эди. «Ёрдамлашиш»га қарор қилинди.

Гуруҳ аъзолари анча вақт қидирувлардан сўнг машиналарни Икром Валиев сотиши мумкинлигини аниқладилар. Дастлаб ишни келишув йўли билан ҳал қилмоқчи бўлишди. Валиев билан учрашишди.

– Мен ҳеч кимдан пул олганим йўқ! – ишонтирди Валиев. – Олди-сотди билан Латиф шуғулланади.

– Барибир, пуллар қани? – қистади Ботир.

– Мен қаёқдан биламан? Пиширган ошини ўзи есин! Қамоқдан чиқиб оламан, деб яшириб ташлагандир-да.

– Латиф сизнинг одамингиз-ку?

– Нима бўпти? Менда ишлайдигандан кўпи борми! Пулни Латиф олган, мен эмас! Нега менга ёпишасизлар?

Дамир билан Ботир унинг гапига ишонмоқчи ҳам эдилар. Лекин Латиф ҳам пул ўзидалигини тан олмабди. «Пул хўжайинда» дебди.

Ака-ука Валиевлар жиноят оламида анча-мунча обрўга эга эдилар. Аммо Дамир билан Ботир пулни қўлдан чиқаришни истамасдилар. Улар Валиевдан пулни қайта-қайта талаб қилишди. Қамоқхонада Латиф билан учрашган ишончли одамлар эса «Пул Валиевда экан» дейишдан нарига ўтмасдилар. Охири Валиев ўлимга «ҳукм» қилинди. Аммо уни ижро этиш осон эмасди. Жиноятчилар бунга анча вақт тайёргарлик кўришди. Учта машинада алмашилиб, Валиев қачон, қаерга боради, кимлар билан учрашади, текшириб юришди. Қўлга кирмаётган пулни топишдан ҳали умидлари узилмаган эди. Ниҳоят, саккизинчи октябрь кун «ҳукмни ижро этиш»га қарор қилишди. «Пул йўқолди, энди лоақал шаҳарда ким хўжайинлигини, уларга қарши турганлар жазосини олиши муқаррарлигини кўрсатиб қўйишимиз керак!» деб ўйлашди уюшган жиноят гуруҳ аъзолари.

Жиноятчилар кутганларидай Валиев кечқурун уйга бир ўзи қайтмади. Улар галалашиб йўлакка кирдилар. Биринчи қаватдаги хонадонда чироқ ёнди.

Тўданинг икки аъзоси дарахтлар соясига қўйилган машина ичида Валиевнинг уйини кузатиб ўтирарди. Уларнинг ёнига Ботир келди.

– Хўш, нималар бўляпти ўзи?! – деб сўради у.

– «Тўнғиз» келди. Ёнида бир гала одам бор.

– Тушунарли. Кузатишда давом этинглар.

Ботир қаҳвахонада кутиб ўтирган Дамирнинг олдига жўнади ва унга хабар берди:

– «Тўнғиз» келди.

– Ёлғизми?

– Йўқ, ёнида камида ўнтача одами бор.

Дамир ҳуштак чалиб юборди:

– Ваҳ, лаънати! – у ўйланиб қолди. Операцияни бошқа пайтга кўчириш тўғри келмайди – ҳамма нарса тахт, одамлар кутяпти. – Шартта ҳозир бошлаб юборсакмикан, а?

Ботир бош чайқади.

– Нимага? Ҳаммаси ётиб қолармиди, ўтириб-ўтириб кетади-да!

– Э, бўпти, билганингни қил. Кутаман.

Соат тунги бир яримдан ошди. Валиевнинг ошналари тарқалдилар. Бир оздан сўнг хонадон чироғи ўчди. Самандар қўлига ёнилғи тўлдирилган шишани олиб, ўрнидан турди:

– Хўп, мен кетдим!

У оёқ учида Валиевнинг хонадони деразаси тагига борди. Атрофни кузатиб чиққач, шиша учига боғланган пиликни ёқди ва уни куч билан хона ичкарасига отди. Кейин жон ҳолатда чопиб келиб, ўзини машинага урди.

– Сурдик! – хитоб қилди ҳансираб.

Машина сакрагудай бўлиб жойидан жилди. Шу пайтда Валиевнинг деразасидан ёрқин аланга кўринди.

Маълумки, баъзан одамнинг омади келади. Бу гал Валиевни ажал четлаб ўтди. Албатта, энди у бу уйда яшаб бўлмаслигини тушунди.

Баҳорга бўриб Дамир билан Ботир ўртасидаги муносабат анча ўзгарди, зиддиятли совуқчилик авжига минди. Бир

қозонда икки қўқорнинг боши қайнамайди, деганларидай, Дамир Ботирнинг ўз тўдасини тузиб, мустақил иш юритмоқчи эканини пайқагандай бўлди. Чунки Ботир Дамирга билдирмай бир неча марта «операция» ўтказишга уринди.

Икковларига қарашли «Автосервис», тўғрироғи, машина ювиш цехи бор эди. У ерда механик бўлиб ишловчи Ўринбой бир мижоз билан арзимас нарсага жанжаллашиб қолди. Мижоз ўша кун и учрашган танишларига Ўринбойнинг устидан шикоят қилди.

– Нима? – дея бўкирди яхшигина ичиб олган Нўъмон исмли таниши. – Сени сўқдимми? Қани, ўша лайчанинг телефон рақамини бер! – У Ўринбойга қўнғироқ қилди. – Ҳов, ювғич, сен кимга думингни кўтаряпсан?.. Стол ясаиб қўй, ҳозир бориб, оғайниларим билан қандай гаплашиш кераклигини сенга кўрсатиб қўяман!

Ўринбойнинг ёнига у бутун компанияси билан бирга борди. Хонага кириб ўтиришди.

– Қани, мен билан уриштириб ич! – талаб қилди Нўъмон.

– Ичмайман! – деди Ўринбой. – Мен ўзимнинг ишхонамдан, ўзим хоҳлаган одам билан ичаман, хоҳлаганим билан гаплашаман!

– Қани, юр, гаплашамиз! – ўдағайлади Нўъмон. Улар ташқарига чиқишди. – Сен шу «Автосервис»да ишлайсанми?

– Ҳа.

– Кимга тегишли?

– Дамирга.

– Энди меники бўлади! – деди Нўъмон тумшугини кўтариб. – Ана ўшанда менинг ноғорамга ўйнайсан.

– Кўрамиз.

– Вей, нимани кўрасан! Танишларим билан қандай муомала қилишни ўргатиб қўяман!

– Бўпти бошқа галинг йўқми? Энди жўна! – Ўринбой бурилиб кетмоқчи эди, Нўъмон уни қаттиқ итариб юборди.

Ўринбойнинг боши деворга гурсиллаб урилди ва у ёнбошлаб ўтириб қолди. Нўъмон уни то одамлар келиб ажратиб олгунча роса тепкилади.

– Милицияга арз қилишни ўйлама, баттар бўлади! – дўқ урди Нўмон хонадан чиқиб кетиш олди. – Бутун оилангни тоққа олиб чиқамиз, ўйнаб келади... Тайёрлаб қўядиган ярим миллион сўминг мингталиқ бўлсин! Ҳар ойлик солиқ шу, ҳозирча...

Нўмоннинг кутилмаган «ташрифидан» хабар топган Ботир қичқириб юборди:

– Ҳазил бўлса кераг-е! – Лекин Ўринбойнинг юзининг нақ ярмини эгаллаган жароҳатлар ҳазил эмаслигини исботлаб турарди. Ўринбой эса хўжайинлари аслида қанақа ишлар билан шуғулланишини яхши билмас эди.

Ботир икки шотирини чақириб, буйруқ берди:

– Нўмон деган бойвачча қақида маълумот йиғинлар. Устимизга бостириб келяптими, нима бало? Мен унинг қаерда яшаши, қандай машинада юриши, қаерларда бўлишини билишим керак!

Орадан бир неча кун ўтиб, улар машина ювиш цехида тўпландилар. Нўмон билан астойдил шуғулланиш керак эди. Нимага шуғулланишмасин, ахир еб турган нонларига оғиз соляпти-ку!

Мана, катта йўлда унинг «Опель» русумли машинаси кўринди. У катта тезликда келар эди.

– Қаранглар, Нўмоннинг машинаси! – хитоб қилди Самандар исмли шотир.

– Машиналарга! – буюрди Ботир. – Қувиб етамиз! Ҳозир кимга қўл кўтарганини билиб қўяди!

Бирин-кетин эшиклар ёпилди, моторлар гуриллади. Иккита машина «Опель»нинг орқасидан қувиб кетди. Нўмон мастликда қилган иши бундай тус олишини кутмаганди. Шунинг учун унга осонгина етиб олдилар. Тўда аъзолари Нўмоннинг машинасини йўл четига қисиб, тўхташга мажбур қилишди. Улар манмансираб кетган «бизнесмен»ни қуршаб олишди.

– Шуми? – сўради ҳар эҳтимолга қарши Ботир уни кузатган шерикларидан.

– Шу, – дейишди бир овозда шотирлар.

– Нега бизнинг болаларни хафа қиялсан? – сўради Ботир «бизнесмен»дан. – Яхши эмас. Энди биз билан юришингга тўғри келади.

Ботирнинг буйруғи билан «бизнесмен»нинг машинасига Жўра ўтирди. Нўъмонни эса машина ювиш цехи остидаги ертўлага туширишди.

– Ўринни чақиринглар! – буюрди Ботир. Кўп ўйламай машина устаси ертўлага тушди. Ботир унга яқинроқ келиб, титроқ овозда сўради: – Қани, гапир-чи, мана бу иқирт сендан нима талаб қилди?

– Солиқ тўлашимиз керак экан, кейин цехни ҳам ўзига ўтказаркан, – жавоб берди Ўринбой.

Ботир қотиб кулди ва истехзо билан Нўъмондан сўради:

– Хўш, шербачча, нега цехни ўзингга ўтказмаяпсан? Ёки кўнглинг тусамай қолдими? Ҳмм, демак, сен итваччага ҳали солиқ тўлашимиз керак экан-да!!!

Нўъмон қандай даҳшатли тузоққа тушганини сезди ва шумшайиб минғирлади:

– Мен айбдорман, кечиринглар... Бор нарсамни олинглар, – у шалвираб шоцца-пиша бўйнидаги занжир, қўлидаги тилла узукларни еча бошлади. – Мана, ҳаммасини олинглар.

Шотирлар айбдорнинг нарсаларига худди қузғунлардай ташланишди. Сўнг «асир»нинг чўнтақларини ағдар-тўнтар қилишди. Ботир эса Нўъмоннинг ортига бир мушт уриб, ерга йиқитди, кейин унга қарата тўппончадан икки марта ўқ узди. «Адолат» тикланди. Энди изни йўқотиш керак эди. Икки киши қонга беланган мурдани қоронғи омборга қараб судради. Ичкарида маълум бўлишича, шунча жароҳат олгани билан Нўъмон ҳали тирик эди. Қотиллар эса уни тирик қолдиришни истамасдилар. Ботир тўппончасини олиб, унга қарата яна ўқ узди ва қуролни Рафиққа тутқазди.

– Энди сен!

Рафиқ сира иккиланмай мурдани ағдарди.

Ўқ жойлади. Кейин тўппончани Самаркандга узди.

– Ўлиб бўлди-ку – деди Самандар.

INVENTAR № 650

Закшота А.Р.М.

Закшота А.Р.М. АГРОСЕРВИС
 КОЛЛЕКЦИОНЕР
 RESURS MARKAZI
 № 32196/11

– Ҳамма отиши керак, – деди Рафиқ.

Мурда илма-тешик бўлгач, қон изларини ювишга тушдилар – бу ерда ювиш учун сув ҳам, мослама ҳам етарли эди. Шундан сўнг мурда елим халтага солиниб, машина юкхонасига жойланди. Нўъмоннинг мурдасини ўзининг «Опель» машинасига жойлаб, шаҳарнинг чеккасидаги овлоқ жойга олиб боришди ва мурдани салонга тик ўтқазиб ёқиб юборишди.

Кўз кўриб қулоқ эшитмаган бу воқеа Дамирнинг иштирокисиз амалга оширилди. Воқеа тафсилотини кейинроқ эшитган Дамирнинг ичини нимадир тирнагандай бўлди.

* * *

Орадан кўп ўтмай, Ботир яна бир номаълум ишга қўл урди. Тўраев Шокир деган устомон бизнесмен учта фирма билан шартнома тузди. Бирининг дўпписини бошқасига кийдириб, катта миқдорда даромад кўрди. Аммо уларнинг ҳаммасидан қарз бўлиб қолди. Қарзни қўлинг билан берасан-у оёғинг билан оласан, дейишади-ку! Қарз берганлар қистовга олишни қўймас, Шокир эса қайтаришни ўйлаганда пулга қўшилиб жони ҳам чиқиб кетаётганга ўхшарди. Бунча пули ҳам йўқ эди. Чунки пул қанча кўп бўлса, шунча тез кетади-ку. У пулни қайтармасликнинг бирор йўлини топиши керак. Ўйлай-ўйлай эсига эски таниши Ботир тушиб қолди. Учрашмаганларига анча бўлган, лекин орқаваротдан унинг кимлигини эшитган эди. Шокир унинг хонадонини ахтариб топиб борди ва кучоқлашиб кўришаркан, йиғлагудай бўлиб хитоб қилди:

– Менга ёрдам бер, дўстим! Аҳволим чатоқ!

– Нима бўлди? Ўтир, тушунтириброқ гапир! – Ботир уни дастурхонга таклиф қилиб, қўлига коньяк тутди.

Шокир қадаҳни бўшатиб, лабини артаркан, деди:

– Менга ҳужум бўляпти. Учтасидан бир «лимон» кўкирдан қарзман. Беришга ҳеч нарсам йўқ. – У талончилар қандай ишлашини билгани учун қарзини атайлаб камайтириб айтди.

– Уларни «тинчитиш» керак, тамом! – Ботир лабини буриб қўл силтади.

Шокир учун бу йўл жуда маъқул эди, бироқ у бўшашиб минғирлади:

– Бошқа иложи йўқми?.. Балки улар билан яхшилаб гаплашиб қўйиш етарли бўлар?

– Э, бозор қилиб ўтирадимми! – Ботир хохлаб кулди. – «Тинчитиш» керак, тамом. Осони шу. Аммо катта пул туради.

– Қанча?

– Қарзингнинг ярми. Ярим «лимон».

– Келишдик.

Бизнесмен бу таклифга жон деб кўнди. Демак, қарзларининг учдан бирини беради.

– Хўш, энди гап бундай, – ишга ўтди Ботир, – тезда ўша «шер»ларингнинг бутун авра-астарини ёзиб берасан.

– Қанақа авра-астар?

– Исми, фамилияси-да, галварс, иш жойи, қанақа машинада юради, қаерда яшайди. Менинг йигитларим қийналмасин.

Шокир ҳайрон бўлди.

– Ўзинг шуғулланмайсанми?

– Албатта, йўқ.

Шокир бу сирни бошқа биров билиб қолишидан қўрқиб кетди.

– Унда ким?

– Қўрқма, ишончли одам, мендан қарздор. Ҳаммасини сип-силлиқ ҳал қилади. Сен, асосийси, маълумотларни тайёрла, қолганини ўз зиммамга оламан. Худди ҳамирдан қил суғургандек бўлади...

Орадан бир неча кун ўтиб қарз бериб, ташвиш сотиб олганлар тўғрисидаги маълумотлар ёзилган қоғоз Шокирдан Ботирга ўтди.

– Масала ҳал, деб ҳисоблайвер, – ишонтирди Ботир.

Иккови ҳам бунга ишонишни истарди, аммо ўша куниёқ иш бошқа йўналишга бурилиб кетди.

Ҳар қандай уюшган жиноий гуруҳ қонунларидаги каби бу тўдада ҳам Ботир Комилов мустақил равишда муҳим қарорлар қабул қилишга ҳақсиз эди. Чап «иш»-лардан тушган даромадга эгалик қилиш-ку, унга мутлақо мумкин эмас. Ботир эса қатъий, ўз билганича иш қила бошлаганди. Бундай ажралиш, бўлинишлар жиноятчилар орасида одатий ҳол. Бировга бўйсуниб Ботирга асло ёқмай қолганди. Устига устак, шундай катта пулни кимгадир қўшқўллаб бериб юбориш осон эмасди. У пайтдан фойдаланиб, тўдани узил-кесил ўзига бўйсундиришга қарор қилди. Бошланишига Рафиқни ёнига тортади. У машина олаётганда уч миллион сўм қарз берган. У шу пайтгача қандай қайтаришни билмай юрибди..

Бешинчи май куни, кеч соат олтиларда Ботир Рафиқнинг уйига борди ва сўрашишга ҳам улгурмай, таңтанавор равишда эълон қилди:

– Иш бор!

Рафиқ иш қарзини узишга имкон беришини фаҳмлади ва қулоғини динг қилди.

– Доим тайёр! – у ҳазиллашиб кафтини чаккасига кўтарди.

– Тезда учтасини «тинчитиш» керак.

Бу кутилмаган иш эди, Рафиқ довдиради:

– Уч кишини! Ахир... жуда..

– Чўчима, – деди Ботир гап арзимаган нарса устида бораётгандек. – Манзиллари, машина рақамлари – ҳамма керакли. маълумотлари бор. Қўшимча қурол бераман. Агар бажарсанг, қарздан қутулдинг.

Рафиқ ҳамон иккиланаётганини кўриб, у қўшимча қилди:

– Ўттиз «лимон» ҳам... Ҳм, ҳар бирига ўттиздан.

Кўз ўнгида ғойибдан келадиган жарақ-жарақ пуллар пайдо бўлган Рафиқ ортиқ чидай олмади, таклифга кўнди. Ботир ич-ичидан қувонганича унга маълумотлар ёзилган қоғоз ва тўппончани тутқазди. Юз-юздан ичишгач, Ботир мамнун қиёфада уйига қайтиб кетди. Бироқ у эрта

қувонган эди. Чунки Рафиқ ўша заҳоти Дамирнинг ёнига югурди.

Дамир қутуриб кетди. Бу ҳақиқий қўзғолон эди. «Йўқ, ифлосларча қилинган хиёнат! – ўйлади у. – Нон берганнинг қорнига теп! Вой, лаънати-ей!»

Дамир хиёнатчидан бошқа барча тўда аъзоларини яширин хонадонига йиғди ва аҳволни тушунтирди.

– Хуллас, у ҳаммамизни сотиши мумкин, – дея гапини яқунлади Дамир.

– «Тинчителиш» керак, – деди ўтирганлардан бири.

Дамир дипломатларча индамади. Рафиқ эса ҳаяжонда эди:

– Мен Ботирдан қўрқаман! – хитоб қилди у. – Ундан қарздорман. Агар буюртмасини бажармасам, мени йўқ қилади!

Гапга Акмал аралашди:

– Балки, уни ўртага олиб, бир силтаб кўрармиз?!

Даврада ғала-ғовур кўтарилди:

– Бас, егади! Бир куни у ҳаммамизни домига тортиб кетади! Қонхўр бўлиб қолди. Йўқотиш керак уни!!!

Охир-оқибат жиноий гуруҳ аъзолари Ботирни «тинчителиш»га келишиб олдилар. Ҳатто бутун оила аъзоларини қириб ташлашга қарор қилинди – улар ҳам бирор нарсани билиши мумкин! Тўдабоши жиноят режасини пухта пишира бошлади.

Тўданинг маълум одамлари эртасига кун бўйи Ботирни изма-из кузатиб юришди. Бугун у уйида ётишига ишонганларидан кейин ишни чўзмай, шу тундаёқ режани амалга оширишни маъқул кўришди. Бўлмаса, эртага кеч бўлиши мумкин. Чунки ўлдиришга буюртма берганлар обрўли одамлар эди. Агар Ботир бошқа қотил ёлласа, қотилликдан кейин бутун хуқуқ тартибот идоралари ходимлари оёққа туради. Қотил қўлга тушса, тамом! Бундан ташқари, ўлиши керак бўлган одамлардан қилган яхшиликлари учун каттагина пул ундиришга улгурар, балки...

Ярим тун. Ботирнинг хонадони. Эшик тагида турган Дамир асабийлашиб лабини ялади. Уларнинг ишида хиёнатни кечириб бўлмайди. Рафиқ хўмрайиб олган, қатъиятли эди: ниҳоят, ҳаммасидан қутулади, бўйнидаги қарз уни ниҳоятда эзиб ташлаганди. Қотиллар бир зум қотиб қолдилар, кейин бир-бирларига маъноли қараб олдилар:

– Тайёрмисизлар? – сўради Дамир тўппонча дастасини маҳкам ушлаб. – Бошлаймизми?

Бироқ ҳеч кимдан садо чиқмади. Нима ҳам дейиш мумкин? Тайёр бўлиб келишган-ку!

– Бошладик! – деди буйруқ оҳангида Дамир. – Қани, эшикни бузинглар!

Комил худди умрбод эшик қўпориш билан шуғулланиб келгандек эшикни елкаси билан моҳирона урди. Бошқалар қуроолларини шайлаб қотиб турардилар. Эшик кетмакет берилган зарбаларга чидаш беролмади, қирсиллаб очилиб кетди. Қулфи полга тарақлаб тушди. Ботир ўзига ишонганидан квартирасига темир эшик ҳам қўйдирмаган эди. Ёпирилиб кирган жиноятчилар аввал шартлашилганидек, хона-хоналарга тарқалдилар. Хоналарнинг ҳаммасида одамлар бўлиб, овозсиз қурооллар ишга тушди...

Шовқиндан одамлар уйғониб кетди, уйқусираб ҳеч нарсани тушунмай, гарангсираб турганларга қарата босқинчилар тўппончадан ўқ узишди. Уларнинг баданларига тешиб чиқиб кетадиган учли ва тана ичкарасида қоладиган тўмтоқ ўқлар қадалди.

Бундай ўқ бўронидан ҳеч ким тирик қолмаслиги аниқ эди. Қотиллар бунга қатъий ишонардилар. Улар тез орада қонга беланган, патронлар сочилган, ёнган порох ҳидига тўла хонадонни тарк этишди...

Лекин дунёнинг ишларини қарангки, бутун оила аъзолари ўлганди-ю, қирғиннинг сабабчиси – Ботир тирик қолган эди. У одамнинг ўлиши қанчалик осонлигини яхши биларди – тажрибаси етарли эди. Ўзини ўта эҳтиёткор тутарди. Балки кимдир бостириб келишини кутиб ётгандир. Хуллас, шовқинни эшитгач, дарҳол ўзини эҳтиёт

қилиш чорасини ўйлади. Ҳали гап нимадалигини тушуниб етмасдан полга ётиб, каравот тагига кириб кетди. Ўша ерда нима воқеа юз бераётганини кўриб, эшитиб ётди. Қуроллар тинмай пақилларди. У ўрин яқинига келган туфлини кўрди, таниди. Мана шундагина ким ва нима учун ўлдирмоқчи эканликларини тушунди. Ботир ноилож муштларини қисди. Ўч олади! Оҳ, шундай ўч оладики!!!

Коридордан қотилларнинг қадам товушлари эшитилди. Таниш овоз сўради:

– Бўлдимми?

– Ҳаммасини тинчитдик, шекилли.

– Сурдик!

Ботир тепадан устига қон томаётганини сизди. Бу хотинининг қони эди! У секин сурилиб каравот тагидан чиқди...

Яширин квартирага қайтиб келган жиноятчилар тонггача ўтириб, ичиб чиқдилар. Бундай воқеадан кейин уйқу келармиди?.. Хаёл суриб ўтирган Дамир қотилликда қатнашмаган Самандарга деди:

– Сен ҳозир бориб аҳволни бил. Жуда эҳтиёт бўл. Келиб нима гаплигини айтасан. Йўловчи машинада бор. Мана, пул. Уч!

Самандар чиқиб кетди. Дамир қандай катта жиноятга қўл уриб қўйганини тушуниб, энди кўрқа бошлади. Бу жиноятни очмаслик ҳуқуқ тартибни сақлаш органлари учун кечирилмас ҳол. Улар уни очиб учун бор кучларини ишга соладилар.

«Қочиш керак! – ўйлади Дамир. – Қаёққа? Ҳм, бир оғайнисини бор олисда... Россия, ё Қозоғистонга жўнаворсаммикан?» Унинг назарида қаерга бормасин, барибир қўлга тушадигандек туюлди. Лекин қочиши шарт эди. Балки, қутулиб кетар.

«Ҳаммасига яна ўша ифлос Ботир айбдор, – ўйлади Дамир. – Ўлиги ҳам жонга тегяпти-я!.. »

Шу пайт «разведка»га кетган Самандар тезда изига қайтиб келди.

– Бунча тез?

Самандар ҳансираганча ҳовлиқиб хитоб қилди:
 – Ботир тирик-ку!
 — Нима?! – Ҳамма ўрнидан туриб кетди.
 – Ботир тирик! Ярадор ҳам бўлмаган!
 – Балки кўзингга кўрингандир? Кайфда!
 – Йўқ, ўлай агар!.. Милиция ходимлари билан бирга юрибди! Одамлар, машиналар тиқилиб ётибди.
 Дамир Рафиқни имлади. Қўшни хонага чиқишди.
 – Қочиб керак, иш расво! – шивирлади Дамир.
 – Қандай тирик қолди экан?
 – Ўқ ҳам ҳазар қилган. Энди ҳаммамизни сотади, бу аблаҳ!!!

Рафиқ чуқур «уф» тортди.
 – Аввал чақириб, бир сиқиб кўрайлик, дегандим-а.
 Дамир пешонасига шапатиледи.
 – Ифлоснинг тирик қолишини ким ўйлабди!.. Бўпти, ҳамма пулларни ол, ўзимизнинг жойда учрашамиз. Эҳтиёт бўл, ҳеч кимнинг кўзига кўринмасликка ҳаракат қил. Югур тез, вақт йўқ!

Рафиқ шошиб чиқиб кетди. Дамир тўда аъзоларининг ёнига кирди. Улар довдираб нима қилишни билмай ўтиришарди. Хона сигарет тутунига шунчалик тўлгандики, нафас олиб бўлмас эди.

– Ҳозир ҳамма қуролларни йўқ қилинглар! – буюрди Дамир. – Тунда «операция»га кийиб борилган кийимларни ҳам ёқиб ташланглар! Тез!

Ҳамма тўрт томонга тарқалди. Чиқмаган жондан умид, деганларидек, Дамир изларни йўқотмоқчи бўлиб, Рафиқ билан бозорчиларни ташийдиган автобусда олис қишлоққа жўнаб кетдилар.

Тўданинг бошқа аъзолари бирин-кетин қўлга олина бошланди. Дамир ва Рафиқни излаб топиш учун ички ишлар ходимлари бутун бошли тезкор тадбир ўтказишга тўғри келди. Охир-оқибат улар ҳам ушланди. Фақат шунча одамнинг бевақт оламдан ўтиб кетгани қолди...



АЖАЛ ДАРЁСИ

ДАРЁНИНГ КЎЗ ЁШЛАРИ

Кеч куз. Атрофни қартайган фаслнинг сўнгги илинжи – сарғайган япроқлар қоплаган. Улуғвор бир сокинлик, жимлик ҳукмрон.

Тошкент вилоятининг қўшни республикага туташ ҳудуди орқали ўзани Қоржонтов тоғ тизмасидан бошланувчи Келес дарёси оқиб ўтади.

Кучли оқим туфайли дарёнинг ўзани ва қирғоқлари ўзгариб туради. Поёнсиз чақалакзорлар, дарахт ва буталар қоплаган жарликлар кўп бу ерда. Сувдан бироз юқорироқда яшил боғлар, яккам-дуккам ясси томли уйлар кўзга ташланади. Дарёнинг ҳар икки қирғоғидаги қамишзорлар хазон фасли адоғида сарғайиб, қуриб бормоқда. Изғиринда қамишлар гўё жон талвасасида чайқалиб, фарёд чекаётгандай. Агар одамзод табиатнинг тилини тушунганида эди, қамишлар дилини тинглаган ва бу билан балки кўп хавф-хатарларнинг олди олинган бўлармиди...

Қирғоққа яқинлашганингиз сайин галати нолалар аниқ-тиниқ қулоғингизга чалинаверади. Аслида бу фарёд қирғоқдан эшитиляптими? Ё, тавба! Беихтиёр дарё билан савол-жавобни бошлайсан:

– Ҳайқираётган сенмисан, дарё? Ноланг худди инсон қичқириги ўхшайди-я!

– Ҳа, менман.

– Нега бунча безовтасан?

– Бағримни мусибат тилмоқда, кўрганинг сув эмас, қонку!

– Наҳот, биз сени йиғлатдик, бағринг қонга, кўзинг тўла ёшга тўлган бўлса?!

– Нимасини айтай, мусибат ҳамиша мусибат-да! У ҳақда сўйлаш оғир.

– Сўйла, дарёжон, сўйла. Бугун мен сени тингламоқ-чиман...

– Додимни эшитгани сабринг етармикан?

– Етади. Сенга матонатим, қаноатим бахшида бўлсин!

... Шу куни махсус тезкор гуруҳ таркибида муҳим топшириқ билан елиб-югуриб юрган подполковник Шокарим Усмонов то тонгга қадар дарё бўйида қолиб кетди. Бироқ Усмонов дарё билан бўлиб ўтган суҳбатдан хабар топдими-йўқми – бу бизга қоронғу. Шокарим қирғоққа урилаётган сув томчиларига узоқ тикилиб қолди. Уларни шу топда гўё дарёнинг кўз ёшларига ўхшатиб юборди. «Тавба, дарё ҳам йиғларканда-а?»

ЧИЯБЎРИЛАР УЯСИ

Дарёнинг чап қирғоғини туртиб чиққан чўзинчоқ тепалик ярим оролга ўхшаб кетади. Атрофи юлғун, қамишлар билан қопланган. Баҳор, куз ойларида тўқайзорда кўз билан бирон нарсани илғаши қийин. Сарғайиб, одам бўйи бўлиб ётган қалин қамиш ва юлғунлар ортида Қорамтир бир нуқта кўринади. «Бу нима бўлдийкин?». Эрта тонгдан оқ яна қидирув ишларини бошлаб юборган подполковник Усмонов ҳомуза тортди. Камзулига ўраниб, тун бўйи соҳилда ухлаб қолибди. Кеча осуда ўтди, лекин шу яқин-атрофда қандайдир мудҳиш воқеалар рўй бераётганини ичидан ҳис этарди. Наҳотки, ёвузликлар давом этаверса?

... Усмонов шу хаёллар билан ялангликка чиқди. Бироз юргач кўзлаган манзилига етиб келди. Ҳалиги, узоқдан қоп-қора нуқта бўлиб кўринган жой вагон-уй экан. Худди қора сақич-мумга ўхшайди-я! Ким уни бунақа хунук рангга бўяган экан? Бу нима ўзи, балиқчилар қароргоҳими? Унда нега қирғоқдан чеккада, панада жойлашган? Худди атайлаб шу хилват ерга ўрнатилгандай...

Подполковник вагон-уй атрофини икки-уч марта айланиб, уни диққат билан кўздан кечирди. Эшикни бирикки тақиллатиб кўрди – тақа-тақ берк. Қизиқ... Қора рангдаги деразани ҳам тақиллатди – бирон киши садо

бермади. Ичкарига мўралади – ҳеч нимани кўролмади. Худди жумбоқнинг ўзи-я?

Хайратга тушган подполковник атрофга яна бир сидра синчиклаб разм солди. У кўрмаган, кўролмаган нарсалар ҳам бор эди бу ерда.

Мана, улардан бири – оролнинг чап томонида сарғайиб, чириб кетган юлғунлар, буталар билан қопланган. Унинг орти кўз илғамас хилватгоҳ. Бу жой атайлаб танлангани аниқ...

Майли, ортиқча эҳтирос, тафсилотларга берилмайлик. Бу ер – уя. Аниқроғи, чиябўрилар уяси. Улар ўн чоғли. Ўзлари инсон қиёфасида бўлсалар-да, феъл-атворлари чиябўрига хос. Қалин тўқайда бекиниб ётадилар-да, кўнгиллари тусаган пайтда овга чиқадиладар. Мақсадлари – тайёр ўлжага эга бўлиш.

...Подполковник Усмоновнинг хаёлидан шунга ўхшаш турли ўйлар кечди. Қизиқ. Тўқайзор... вагон-уй. Унда кимлар яшайди? Одам яшайдими ўзи? Хўш, қайси пайтда? Бунни аниқлаш керак!

Усмонов оролчадан узоқлаша бошларкан бу ҳақда «катта ерга тезда хабар бериш керак!...» деган ўй ўтди унинг хаёлидан.

СОҲИЛДАГИ СИРЛИ ВОҚЕА

Дарвоқе, бугун қайси кун ўзи? Ҳа-я, ноябрь ойининг тўртинчи санаси: чоршанба.

Хусанжон ва Қаҳрамон азалдан қадрдон. Лекин бу тушунча рамзий маънога эгадек кўринади. Сабаби, Хусанжон еттинчи синфда ўқийди. Қаҳрамон ундан уч ёш катта. Насиб этса, бу йил мактабни битиради.

Икки дўстни ўзаро боғлаб турган бир ришта бор. Бу – қизиқишлар дунёси. Хусанжон ҳакам – судья бўлмоқчи. Ўзига тўқроқ оилада сал эркатоё бўлиб ўсган Қаҳрамон эса ўзининг айтишича, «прокурор»ликка ихлос қўйган.

...Бугун эрта саҳардан икковлон келишилганидек дарё ёқасида учрашишди. Мақсад – балиқ ови. Жуда қизи-

қарли, ажойиб машғулот-да ўзиям. Ёнма-ён ўтириб, сувга қармоқ ташлашади. Қармоққа битта-яримта балиқ илингунча хаёлан дунёни кезиб чиқасан, киши. Ҳар икковларига ҳам шуниси маъқул.

Бир-бирларига унсиз тикилганча ўтирадилар. Қоида-си шунақа ўзи. Мабодо беихтиёр акса уриб юборсангиз ҳам балиқларни чўчитиб юборишингиз мумкин.

Ҳусанжон ёз ойлари мана шу дарёда чўмилишни жуда-жуда ёқтиради. Яхши кўрмай бўладими, ахир?. Дарёнинг қишлоқ томонга кирган ирмоғи секин оқади. Суви шишадай тиниқ, тагидаги майда тошлар, чиғаноқлар шундай кўриниб туради.

Дарёнинг сув тиззадан келадиган жойлари худди зумрадга ўхшайди, нариги қирғоқ сув толлари соясида қорайиб кўринади, тагида эса йўсинлар гўё мунгли қўшиқни тинглаётгандай «бошларини» бир хилда тебратиб турадилар. Буни қарангки, аксига олгандай қўнғироқ гуллар ҳам худди ўша ерда – сув остида ўсади. Қизлар улардан чиройли гулдасталар тайёрлаб, шодликдан худди оҳудек соҳил бўйлаб учиб юришади. Буни Ҳусанжон кўп кузатган. У ўтган ёзда дарёдаги ўша қўнғироқ гуллардан синфдош қизларига узиб бериш учун бир ўлимдан қолгани ҳамон ёдида. Ўшанда уни Қаҳрамон қутқариб қолганди. Ўша-ўша у Қаҳрамон билан ака-ука тутиниб, айрилмас дўст бўлиб қолишганди. Ҳозир бу воқеани эсласа, Ҳусанжоннинг бутун борлиғидан совуқ тер чиқиб кетади.

Кутилмаганда унинг хаёлини Қаҳрамоннинг овози бузди.

– Ҳусан...

– Ҳа...

– Ҳув анавuni кўряпсанми?

– Йўқ...

– Яхшироқ қара, ҳув анаву, ўртадаги нима?

– Ҳа, кўрдим... нимаиди?

– Нима экан у?

– Бирор бута оқиб келаётгандир-да!

– Йўқ, бутага ўхшамайди.

Оғайнилар дарё ўртасидаги ҳалиги қора нарсдан кўз узмай қирғоқ бўйлаб юриб кетишди. Сув тўлқини «бута»ни аста қирғоқ томонга сура бошлади... Ниҳоят, у икки оғайнига яқин келиб қолди.

– Қаҳрамон, – пичирлади «бута»га нигоҳи тушган Хусан. – Қаҳрамон ака!..

Хусан ўгирилиб қараса, дўсти чангалзорлар оралаб ҳалпиллаганча чопиб бораяпти.

– Тўхтаб, Қаҳрамон ака!.. – Бироқ Қаҳрамон дўстининг гапини эшитмагандек ортига қайрилмади, катта йўл томон шамолдек учиб бораверди. Хусан пешонасида ногаҳон пайдо бўлган терни дастрўмоли билан артиб, унинг ортидан югуриб кетди...

* * *

Икки оғайни қўрқа-писа яна дарё ёқасида пайдо бўлишганда кун анча ёйилганди.

Қаҳрамон қирғоқдан йигирма қадамча нарида қолди.

– Юринг, ака, – деди Хусан, унинг тўхтаб қолганини кўриб.

– Бор, ўзинг боравер...

Хусан юрак ютиб тўлқин қирғоққа чиқариб ташлаган «топилма»га яқинлашди. Ҳа, у ҳам, Қаҳрамон ҳам янглишишмаганди. Бутага ўхшаб кўринган нарса одам мурдаси эди. Лекин мурданинг афт-башарасини таниб бўлмасди.

... Қирғоқ ёқалаб ҳорғин одимлаб бораётган ўсмир – Хусанжон худди шу топда қариялардек оғир ўй-хаёлларга берилган эди.

Хўш, энди нима қилсин?.. Бир инсоннинг мурдаси шу тариқа балиғу қушларга ем бўладими? Йўқ, бунга йўл кўйиш керак эмас. Анави Қаҳрамон акаси ҳам жуфтгани ростлаб қолди. Яна прокурор бўлар эмиш. Юракдан ҳам берган экан... Энди нима қилади? Яхшиси милицияга хабар бериш керак...

«ХУДУДДА ҲАММАЁҚ ТИНЧ!»

Лейтенант Миразим Мирбаротов шу иборани жону дилдан яхши кўради. У туман ички ишлар бўлими навбатчилик қисмининг ходими. Иложи бўлса ҳар сафар навбатчилиги ҳақида бошлиққа худди шундай билдирги берса... Унинг ягона орзуси – шу. Тўғри, орзуга айб йўқ. Лекин ҳаёт отлиқ ҳакам бизнинг ҳар қандай режа-мақсадларимизни пучга чиқариши мумкин. У ҳар қадамда тақдиримиз, келажагимизга ўзгартишлар киритади, «таҳрир» қилади. Инсон ҳам ана шу ўзгаришларга иложи борича мослашиб бориши, бунда иймон ва инсоф чегарасидан чиқмаслиги зарур.

«Худудда ҳаммаёқ тинч!..» Айтганимиздек, бу лейтенант Миразим Мирбаротовнинг севимли ибораси. Ундан қачон «Ишлар қалай?» деб сўрасангиз, «Эгар!» деб жавоб беради. Бу – унинг тили билан айтганда, ўртача, дегани. Негаки, эгар тулпорнинг ўртасида бўлади-да. Тўғри, у айрим ҳамкасбларига ўхшаб, «кун ўтди»га ишламайди. Лекин бошқалардан ажралиб турадиган жиҳатлари ҳам йўқ. Бошлиқ топшириқ берса, «Хўп, бажонидил бажарамиз!» деб югуриб кетади. Лекин, югургани... дарвозахонагача. Топшириқ бажарилса бажарилади, бўлмаса – йўқ. Ортиқча жон куйдирмайди. Ҳамиша қўли кўксиди: «Узр, ўртоқ бошлиқ! Қўлимдан келганини қилдим, сира иложи бўлмапти. Нима қилай ахир!» Зарур бўлса, ҳўнг-ҳўнг йиғлашни ҳам, комедия фильмларидаги бош қаҳрамонларга ўхшаб ҳуштак чалиб илжайиб юришни ҳам қойиллатади. Хуллас, ўта ийёр ва мўлтони. Ундан ҳозирча ҳеч ким озор топган эмас. Бировга фойдаси ҳам тегмаган. Ҳали-бери нафақага чиқишни ҳам ўйламайди. Бунинг сабаби бор: хотинининг номига расмийлаштирган деҳқон-фермер хўжалигини юриштишида ҳозирги иши унга анча қўл келяпти.

Тонг ёришиб, навбатчилик оёқлаб бормоқда. Навбатдаги ҳисоботни ёзаётган Мирбаратов бу сафар ҳам иштиёқ билан таниш жумлани қоғозга туширяпти.

«Худудда ҳаммаёқ...»

Телефоннинг кетма-кет жиринглаши унинг хаёлини бўлди.

– Эшитаман. Навбатчилик қисми, – деди Мирбаратов гўшакни олиб. Гўшакдан паст ва ингичка товуш келди:

– ... Амаки...

– Гапир, қулоғим сенда.

– Амаки...

– Гапир, тинчликми ўзи?

– Дарёнинг ёқасида одам ўлигини кўрдим.

– Қаерида?

– Тўқайзор яқинида... Айилиш тарафида...

– Ҳозир қаердасан?

– Тўқайтепа қишлоғининг бир четидаги бир хонадонда. Шу ерда телефон бор экан.

– Кимникида?

– Тоҳир тоға деганникида...

– Ўликни кўрган жойингни кўрсатиб бера оласанми?..

– Ҳа.

– Ҳозир тезкор гуруҳ етиб боради. Дарвоқе, исм-шарифингни айтиб юбор...

– Ҳусанжон Ҳасанов. Амир Темур номидаги 36-мактабнинг еттинчи синфида ўқийман.

Гўшакни жойига қўйган Мирбаратов дарров соатига қаради. Ўн дақиқа кам тўққиз. Бироздан сўнг наряд ал-машади.

Мирбаратов пешонасидаги терни артиб, шошиб радиотелефон гўшагини қўлига олди:

– Алло! Алло!..

Рациядан шовқин аралаш овоз эшитилди:

– Эшитаман!

– Ўртоқ бошлиқ. Дарё ёқасидан одам мурдаси топилибди...

Кўп ўтмай навбатчилик қисмининг ҳар томонлама жиҳозланган тезкор машинаси дарё томон елдек учиб кетди.

«...ТРЕВОГА!»

Ушбу ваҳимали буйруқни йигитлик бурчини ўтаб қайтган ҳар бир ўғлон кўп эшитган. У ўқув-ҳарбий машғулотлар пайтида ёки фавқулодда ҳолатлардагина янграйди. Милицияда ҳам шундай.

Олинган тезкор маълумотларга кўра, 199... йил 4 ноябрь куни Қозоғистон Республикасининг Сариёғоч туманидаги Келес дарёси соҳилида жойлашган «Садвинтрест» ҳудудида осие миллатига мансуб, 45 ёшлар чамасидаги, бўғиб ўлдириш аломатлари бўлган ва қўллари орқасига боғланган эркак кишининг мурдаси топилди...

... 5 ноябрь куни шу дарёнинг биринчи мурда топилган жойдан ярим чақирим наридан осие миллатига мансуб, ёши тахминан ўттиз-ўттиз бешлардаги, худди шу йўсинда ўлдирилган яна бир эркак кишининг жасади чиқди.

6 ноябрь куни яна шу дарёнинг юқори қисмидан, кечаги мурда топилган ердан йигирма беш метр юқоридан осие миллатига мансуб, 25-30 ёшлар чамасидаги, аввалгидай тан жароҳати етказилган беш нафар эркак кишининг мурдаси топилди. Улардан иккитасининг қўллари, учтасининг эса бўйни сунъий ипдан эшиб тайёрланган чилвир билан боғланиб, бўғиб ўлдирилгани шундоқ кўришиб туради.

7 ноябрь куни эса Келес дарёсининг юқори оқимида, Сариёғоч тўғонидан 100 метрлар нарида, Қозоғистон Республикаси ҳудудида осие миллатига мансуб, 30-35 ёшлар чамасидаги, худди юқоридаги мурдалар каби қийнаб ўлдирилган, сўнгра бошига қоп кийдириб, сувга чўктирилган эркак кишининг жасади топилди.

8 ноябрь куни Сариёғоч тўғони гўсилди. Дарё суви махсус мосламалар билан чиқариб ташланди. Тўғон яқинидан дастлаб иккита, қуйироқда жойлашган туманнинг сил касалликлари шифохонаси ҳудудидан оқиб ўтувчи қисмидан уч эркак ва бир аёлнинг мурдаси топилди. Қотиллик усуллари аввалгидек...

Вазият оғир эди. Қидирув ишларига раҳбарликни республика ички ишлар вазирлиги ўз ихтиёрига олди.

Тошкент вилояти ва Жанубий Қозоғистон вилояти прокуратуралари ҳамда ички ишлар бошқармалари томонидан қўшма қарорлар имзоланди. Ушбу муҳим халқаро ҳужжатлардан кўзда тутилган мақсад – кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ёвузликни содир этган жиноий гуруҳни топиш ва фош этишдан иборат эди.

Кейинги икки кунда дарёнинг турли қисмларидан ўн олти кишининг мурдаси чиқди! Мурдалар сони эса кун сайин ортиб борарди... Бу хунрезлик яна қанча давом этади? Ажал дарёсининг суви қачон бегуноҳ одамларнинг бевақт тўкилган қонидан соф бўлади?

Ҳар икки республика ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг энг сара, тажрибали мутахассислари иштирокида тузилган беш тезкор қидирув-тергов гуруҳи ваҳший тўданинг қилмишига чек қўйиши зарур эди...

ТАХМИНЛАР, ТАХМИНЛАР...

Республика Ички ишлар вазирлигида ҳар куни, зурут бўлса, ҳар соатда тезкор йиғилишлар ўтказилади. Бу галги тезкор йиғилиш ҳам жиддий, ишчан руҳда ўтди. Уни вазирнинг биринчи ўринбосари олиб борди.

– Вазиримиз бугун воқеа жойида бўлиб, аҳоли билан суҳбатлашиб қайтганларидан хабарингиз бор, албатта. Мудҳиш қотиллик жумбоғини ечиш учун барча хизмат вакиллари сафарбар этилган. Ушбу муҳим вазифа бугун ҳамманинг диққат марказида. Хўш, сўнгги тезкор маълумотлар нималардан далолат берапти? Қандай тахминлар бор?

Минбарга вазирлик Жиноят қидирув Бош бошқармаси бошлиғи Моҳир Дадажонов чиқди.

– Ўртоқ генерал, сўзимни тахминлардан бошласам, майлими? – деди у вазминлик билан. Рухсат қисқа бўлди:

– Маъқул.

– Тахминларимизнинг биринчиси. Бизнингча, марҳумлар мардикорлик қиладиган қурилиш бригадаларининг аъзолари бўлиши мумкин. Уларни ёллаб ишлатаётган шахслар хизмат ҳақини бермасдан ўлдириб юборишгани эҳтимолдан холи эмас.

– Бўлиши мумкин, мумкин, – деб луқма ташлади генерал.

Шокаримнинг ўнг ёнида ўтирган эксперт йигит сўзга чиқиб, Келес дарёсидан топилган жасадларнинг қачон, қандай ўлдирилгани ҳақида батафсил ахборот берди. Мурдалар жойланган қоп ва чойшаблар қайси ташкилотда ишлаб чиқарилаётган ёки тегишли эканлиги аниқланаётганини баён қилди.

– Бу қотилликларни битта жиноий гуруҳ содир этган, – деди Баҳром исмли терговчи ўзига сўз берилганидан фойдаланиб.

– Нега ундай деб ўйлайсиз?

– Сабаби, қурбонлар бир хил усулда ўлдирилиб, сувга ғарқ қилинган.

– Ҳозирча бундай тахминлар кўп. Лекин булар ҳали тахмин, холос. Афсуски, калаванинг учи топилганича йўқ.

– Тахмин деган сўз ҳали далил эмас, – деди генерал ўйчан овозда. – Далилсиз ҳеч кимни жиноятда айблаб бўлмайди. Буни яхши билишингиз керак.

– Худди шундай! – ўрнидан ирғиб турди эксперт.

– Александр Николаевич, – дея мурожаат қилди вазир ўринбосари эшик ёнида тик турган эксперт йигитга. – Бу борада сиз қандай фикрдасиз? Ҳозирга қадар қандай ишларни амалга оширдингиз? Шулар ҳақида ҳисоб беринг.

– Бу оғир жиноятни очиш учун бутун куч-имкониятларимизни ишга соляпмиз. Ҳодиса содир бўлган жойнинг географик хусусиятидан келиб чиқиб, тегишли мутахассисларни жалб этдик.

– Ўртоқ Петров! – майорнинг гапини чўрт кесди генерал. – Шу кеча-кундузда қандай амалий ишлар қилдингиз? Саволим тушунарлими?

– Воқеа жойини кўздан кечириб давомида кўз кўриб, қулоқ эшитмаган воқеаларнинг гувоҳи бўлдик. Гувоҳ-

лар, ўша атрофда яшовчи аҳоли билан суҳбатлашдик, жой чизмаси, фотоальбом тайёрлаяпмиз, изланыпмиз.

– Аниқроқ, – генерал асабийлашгани учун овози титраб чиқди. – Аниқроқ айтинг!..

– Мурда ва тана бўлақларини тадқиқ этишни бошлаб юбордик.

– Мурдалар танасида одам қўл-бармоқ изларининг папиляр нақшлари қолиши табиий ҳол, – деди генерал экспертнинг сўзини бўлиб, – биламан, сувда узоқ вақт қолиш туфайли бу нақшлар йўқолиб боради. Бироқ шунга қарамай илмий изланишни чуқур, атрофлича олиб боришингизни талаб этаман. Чунки бу изланиш хулосаси тергов ҳаракатларида жуда қўл келади. Гапим тушунарлими, ўртоқ майор?!

– Худди шундай, ўртоқ генерал!

– Хўш, яна ким гапирмоқчи? – генерал хонада ўтирганларга бирма-бир кўз югуртириб чиқди. – Бошқа гаплар йўқми?

– «Қоплонбек» давлат хўжалигининг Кунаев участкасида ишлаётган бир ижарачи ички ишлар ходимлари билан бўлган дастлабки суҳбатда ғалати воқеани ҳикоя қилиб берган, – деди Шокарим Усмонов рухсат сўраб.

– Хўш, хўш?..

– У 4 ноябрь куни кечга томон даладан уйга қайтаётиб, дарё соҳилига қандайдир машина келиб тўхтаганини кўрган. Машинадан тушган кимсалар дарёга алланиманидир улоқтириб, изларига қайтиб кетишган.

– Ўша гувоҳни топиб, суҳбатлашдингларми? – сўради сабри чидамай вазир ўринбосари.

– Ижарачи туман ички ишлар бўлимига таклиф қилиниб, суҳбатлашилди. Бироқ у аввалги кўргазмасидан тонди.

– Зудлик билан уни топиб, вазиятни тушунтиринг. Виждони бўлса, терговга албатга ёрдам беради. Бу қандай сўраб-суриштиришингизга, тажрибангизга боғлиқ. Тушунарлими?

– Худди шундай, ўртоқ генерал.

– Хўш, яна ким гапирмоқчи? – ўтирганларга савол назари билан қаради генерал. – Бошқа гаплар йўқми?

– Бор, – деди жиноят қидирув бошқармаси тезкор ходими, майор Аҳмедов, – рухсат этинг.

– Қани, гапир-чи!

– Ишончли манбалардан олинган маълумотларга кўра, ноябрь ойининг дастлабки кунларида «Қоплонбек» қўрғонида «Чимкент – Тошкент» трассасида рэкет билан шуғулланувчи сариёғочлик ва чимкентлик жиноий гуруҳлар ўртасида «разбор» бўлган.

Яна бошқа хабарга кўра, «Қоплонбек» ва «Чечерин» қўрғонлари чегарасида «Жақип» ёки «Жаки» лақабли жиноят дунёсининг «авторитети» яшайди. Яқинда у ўзи истиқомат қиладиган қўрғонда ҳашаматли иморат кўтарган. Айтишларича, биринчи ноябрга ўтар кечаси Жақип ўз хонадонида чимкентлик бошқа бир «авторитет» билан қаттиқ жанжаллашиб қолган. Низо чиққан маҳали «қаср»дан кетма-кет ўқ овозлари ҳам эшитилган...

– Сизнингча, ўша жанжал қонли яқунлангач, ҳалок бўлганларни Келес дарёсига ташлаб юборишган, шундайми?

– Худди шундай, ўртоқ генерал!

– Лекин экспертларнинг дастлабки хулосасига кўра, дарёга ташланган жабрдийдалар орасида ўқотар қурол билан ўлдирилганлари йўқ.

– Тушунарли ўртоқ генерал, – деди майор ва ўтиришга рухсат сўради.

Тезкор йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли йўл-йўриқ, кўрсатмалар ишлаб чиқилди. Бу эртанги кун амалга ошириладиган ишлар учун дастур эди. Зеро, мазкур кўрсатмалардан келиб чиқиб, аниқланган янги маълумот ва тафсилотларни умумлаштирган ҳолда тезкор қидирув тадбирларининг қўшимча режаси тузилиши алоҳида таъкидланганди.

ИЗЛАР АТРОФГА ЧОРЛАЙДИ

Шошилинч тезкор йиғилишнинг қарори аниқ ва қатъий эди. Албатта, уларнинг ҳаммасига батафсил тўхта-

либ ўтишнинг имкони йўқ. Лекин нуфузли ҳайъат аъзолари томонидан ички ишлар идоралари ходимлари олди-га қўйилган вазифалар ичида асосийлари қуйидагилар эди.

«... Юқоридаги тахминлардан келиб чиқиб, тубандаги тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш зарур:

Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳри ва барча вилоятларнинг шаҳар ва туман ички ишлар бўлимлари ходимлари сувдан топилган мурдаларнинг шахсини аниқланиш бўйича узлуксиз иш олиб борсинлар.

(Муддати – зудлик билан)

Мазкур жиноятнинг содир этилишига бевосита алоқадор бўлган шахсларни аниқлашга эътибор қаратилсин.

(Муддати – уч кун)

Келес дарёси соҳилларида мурдалар топилган жойларнинг харита-схемаси тузилсин. (Муддати – бир ҳафта)

Мазкур жиноятлар тафсилоти бўйича алоҳида фотоальбом ва фотожадвал тайёрлансин. (Муддати – бир ҳафта)

Тошкент вилояти ҳамда Тошкент тумани ИИБ ходимлари томонидан Келес дарёси соҳилидаги Сариеғоч туманининг «Қоплонбек», «Чичерин» қўрғонлари, К. Маркс давлат хўжалиги, Тошкент туманининг С. Раҳимов, А. Навоий, Ғ. Умаров жамоа хўжаликлари ҳудудларида содир этилган жиноятга алоқадор бўлган қўшимча маълумот ва буюмлар – ашёвий далилларни тўплаш учун қатъий кузатув ўтказилсин».

Кенгайтирилган йиғилишда ўнга яқин тахминлар тилга олиниб, тезкор қидирувнинг навбатдаги тадбирлари ишлаб чиқилди. Тадбирда асосий эътибор ёлланиб ишлаганларга қаратилди. Ким қаердан келиб, кимникида, нима иш билан машғул бўлганини аниқлаш қийин, бироқ тадбирда ишлаб чиқилган кўрсатмалар белгиланган муддатда бажарилиши шарт эди.

ҚҰЙ ОҒЗИДАН ЧҰП ОЛМАГАН

Иттифоқо, бир безоридан сўрашибди:

– Ака, сиз сираям қўй оғзидан чўп олмагансиз-а?

– Ҳа, ҳа... – депти у ўзини жуда ювош ва содда кўрсатиб. Сўнг шарақлатиб кулиб юборибди. – Ҳа, энди... қўйнинг карт думбаси турганда оғзидаги чўпни нима қиламан?

Ўткирбек Омонов ҳам ана шундай муғамбир ва очкўз тоифадаги одамлардан эди. Унинг жилмайиб боқишлари дилдаги пинҳоний мақсадини сездирмаслик воситаси эди, холос. Сиртидан одамларга меҳрибондай кўринса-да, иложи бўлса, уларни дарёга олиб бориб суғормай келади... У ёшлигидан эрка ўсди. Бора-бора эркалиги дил-озорликка айлана бошлади. Чумчуқ, мусича каби беозор қушларнинг уяларини бузиб завқланарди. Тутиб олган чумчуқнинг оёғидан боғлаб, варракка ўхшатиб учирини хуш кўрарди. Ҳатто бир куни мушукнинг думини керосинга ботириб, унга ўт қўйиб, ҳузурланиб томоша қилгани ҳамон кўпчиликнинг ёдида.

...У тўртинчи синфда ўқиётганда чекишни ўрганди. Ўшанда уни отаси тутиб олиб, роса дўппослагани сира эсидан чиқмайди. Бироқ чекишни ташламади, чунки отасининг ўзи чекарди. Ўткирбек шунча гап-сўзлардан кейин ҳам отасига тақлид қилишни қўймади. Аввалига отасининг тамаки қутисидан бир-икки дона сигарет ўғирлаб чекиб юрди. Отаси бунга қардан ҳам билсин? Сигаретини санаб юрмаган бўлса... Кейин тушлик учун ота-онасидан олган пулдан тежаб, ўзи сигарет сотиб оладиган бўлди. Яна қўлга тушди. Навбатдаги калтакдан сўнг «тавба» қилди, лекин чекишни ташламади.

Олтинчи синфга ўтганда биринчи марта оғзига вино олди. Бунга сезиб қолган ота-онаси Ўткирбекни бу йўлдан қайтариш учун барча имкониятларни ишга солиб кўришди. Аммо бу кўзланган натижани бермади. Негаки, отанинг ўзи кунда, кунора босиб ичарди. Ўзи шундай бўлгач, қандай қилиб ўғил унинг насиҳатларига қулоқ оссин?

Кеч соат 21 ларда Ўткирбек лифтда ўн икки ёшли Л.га пичоқ билан ҳужум қилди. Қизчани қўрқитиб, тўққизинчи қават томига олиб чиқди. Қизча ўлдирманг, дея ёлворди, ойсининг олдига қўйиб юборишини илтимос қилди, чўнтагидаги бор пулини таклиф этди. Ўткирбек қизчадан 250 сўм пулини олди, аммо қабиҳ ниятидан қайтмади. Қизча қаттиқ қаршилик кўрсатди. Ўткирбек унинг қаршилигини енгиш учун қизнинг бошини деворга, полга урди. Кейин Л.ни ечинтириб, ваҳшийларча зўрлади. Шундан сўнг ўз қилмишини яшириш мақсадида ҳаётини муҳим жойларига – кўкси, бели, бўйнига пичоқ уриб, ўлдирди.

Ўсмирдаги бу «кўнгилхушлик»лар ёши улғайганида ҳам давом этди. Бир неча марта ўғрилиқ қилди, бора-бора босқинчилик билан шуғулланди, синглисининг эрини, яъни куёвини пичоқлаб ўлдирди. Хуллас, олти марта қамалиб чиқди.

Мана, бугун унинг хонадонида базму жамшид авжида. Маросимга икки-уч кун тараддуд кўрилди. Ўткирбек эшикдан кириб келиши билан карнай-сурнай овози янгради. Бугун бу хонадонга Ўткирбекнинг қавм-қариндошлари, дўстлари ташриф буюришган. Ўткирбекка атаб чопон, дўппи, қайиқча олиб, уни табриклашни кутиб турганлар қанча. Биров зўр бериб ўтин ёрмоқда, бошқа биров сув ташимоқда. Ичкари-ташқари саришта, ҳамма нарса жой-жойида, ораста. Болаларнинг хурсандлигини айтмайсизми? Ҳар томонга югуришади. Баланд ишкомлар остига яп-янги стол-стуллар терилган. Дастурхон тўкин – ноз-неъматлар, яхна ичимликлардан тортиб турли-туман бўрсилдоқ нонлару думбали сомсаларгача бор. Тандирда олов гуриллайди, самовар лайлақдек какирлагани-какирлаган.

Тўкин дастурхон атрофида гурунглашиб ўтирган меҳмонларга ош тортилди. Пахта гулли зарҳал пиёлалар дамбадам узатилиб, йиғилганлар бир-бирига соғлик тилашди.

Ўткирбек ошдан аввал бир пиёла ароқ ичиб, бироз енгил тортгайдек бўлди. Ёнбошида ўтирган сипогина, бурни пучуқ йигит шишани олиб, Ўткирбек бўшатган пиё-

лага яна ароқ қуйиб берди. Ўткирбек яна ҳеч кимни кутиб ўтирмай қадаҳни бир кўтаришда бўшатди. Бу ҳол икки-уч марта такрорланди. Кўп ўтмай унинг юзлари лавлагидек қизариб, кўзлари беўхшов сузила бошлади. Ўткирбекнинг кайфи ошиб қолганди. У афтини буриштириб, бевақт қичқирган хўроздек бўйнини чўзганча паллағда овозда дийдиёсини бошлади:

– Вей, йигитнинг гули «ўтириб» чиқаркан. Ёки гапим нотўғрими, Зокир?

– Албатта-да, – деди Зокир Ўткирбекнинг гапларини қувватлаб. – Мабодо, у ёқларда қийналиб қолмадингизми, ака?

– Йўғ-е, нималар деяпсан? Турма санаторий эмас-у, шунга қарамай қиролдек яшадим.

– Унда санаторийдан қайтгандек бўлибсиз-да, ака? – луқма ташлади бошқа бир меҳмон.

– Топдинг, укам.

– Мабодо, тагин «санаторий»ни қўмсаб қолсангиз... «путёвка» биздан!

– Ҳе, нафасингни ел олсин! – дея Зокирни жеркиб ташлади «қирол»нинг акаси Ўлмас. Шунда дафъатан Зокирнинг нигоҳи Ўткирбекнинг совуқ йилтираб турган кўзларига тушди. Юраги «шув» этиб, тиззаларига титроқ кирди. Ўйламай гапиргани учун қўлини кўксига қўйиб, минг бора узр сўраган бўлди. Юмшоқ оромкурсида оёқларини чалиштириб ўтирган Ўткирбек дарғазаб бўлиб, пиёладаги ароқни Зокирнинг юзига сепиб юборди. Кейин ўрнидан даст туриб унинг ёқасидан олди:

– Сен тирранча тилингни тийиб юр! Бўлмаса нақд пунтингни айириб ташлайман!

Ҳамма ош ўрнига тош чайнагандек ғашланиб, жимиб қолди. Бу сукунатни Зокирнинг синиқ овози бузди:

– Бек ака, ёшлиқ қилдим, кечиринг мен аҳмоқни!

Ўткирбек яна бир нима демоқчи эди, акаси уни ўрнига ўтказиб қўйди:

– Қўйсанг-чи, ука, оғирроқ бўл! Зокир ёш, аҳмоқлик қилди!

Ўткирбек акаси тутқазган пиёладаги ароқни бир сипқоришда ичиб, пича енгил тортгандек бўлди. Бадани яна-ям қизиб, кайфияти кўтарилди.

– Ортиқ бундай яшаб бўлмайди! Мўмай даромад туншадиган ишларга қўл урадиган вақт келди. Бироқ қора меҳнатга тобим йўқ, – деди у.

– Унда вақтингни осмондан бойлик тушишини кутиш билан ўтказар экансан-да, – деди Ўлмас рўмолча билан пешонасидаги терни сидириб.

– Йўқ, ака, асло ундай эмас, – гапни чўрт кесди Ўткирбек, – «санаторий»да ўйлаб қўйган режам бор. Бироқ бу ҳақда кейинроқ батафсил гаплашамиз.

– Сиз кўпни кўргансиз, Бек ака. Сизни эшитсак, ақлимизга ақл қўшилади. Гапираверинг, Бек ака! – ялтоқланди Зокир.

– Кейин, дедимми, кейин...

Шу куни зиёфат тонгга қадар давом этди. Улфатларнинг шовқини билан ўтган наҳорликдан сўнг Ўткирбекнинг қўшниси Соҳиб амаки дастурхонга фотиҳа ўқиди. Ўткирбек истамайгина дуога қўл очар экан, «Умрида таҳорат олмаган, боши саждага тегмаган нопокнинг дуоси нима бўларди» деб ўзича тўнғиллаб қўйди.

Ҳа, Аллоҳ таоло бу ёруғ дунёни одамлар учун макон этиб яратди. Беадад шукурларки, Раҳмон ва шу билан бирга минг афсуски, шайтон ҳам бор. Шайтон иродаси бўш очкўзликка мойил одамни нафс васвасасига солади. Елкасига миниб олиб, уни то ҳалок этмагунча қўймайди.

МАШИНА ҲАМ ТОПИЛДИ...

Ўткирбек ўйлаб қўйган режасини ҳамтовоқларига ошкор қилиб, уларни зимдан кузатди.

– Бу ишларни амалга ошириш учун битта бўлсаям машина керак бўлади, – деди Содиқ қиморбоз. – Усиз ҳаракат қилиш қийин.

– Ғам ема, оғайни, бунинг йўли осон, – деди Ўткирбек қовоғини уюб. – Унга эришиш йўллари йўлаб қўйганман...

– Хўш, хўш?..

– Кейин билволасан. Ҳозирча акамнинг автокорхонасида ҳайдовчи бўлиб ишлаётган мана бу йигитнинг «тойчоғидан» фойдаланиб турамиз, – у чўнтагидан сурат олиб ўтирганларга кўрсатди. – Кейин бир гап бўлар...

Ўйлаган режасини амалга ошириш учун чиндан ҳам битта транспорт камлик қилиб қолди. Қандай бўлмасин яна битта автоулов топиш керак эди. Ўткирбек бу ҳақда кўп ўйлаб ўтирмади. Шуҳрат билан йўлга чиқди. Шуҳрат муқаддам босқинчилик жиноятини содир этгани учун қамалиб чиққан. Айни пайтда у Ўткирбекнинг акаси раҳбарлик қиладиган автокорхонада ҳайдовчи бўлиб ишларди.

Машина шитоб билан олға интилар, икки ёнбошидан муҳташам бинолар, ям-яшил боғлар липиллаб ўтарди. Мана, ўнг томонда Келеснинг ўша машҳур кўприги кўзга ташланди. Кафе-бар, сартарошхона, ойнаванд савдо дўконларининг сон-саноғи йўқ.

Ўткирбек ўтган беш йил ичида рўй берган ўзгаришлардан кўзини узолмай бораётиб бир пайт йўл бўйида чиройли кофта-юбка кийган аёл билан гап сотиб турган Шоҳидани кўриб қолди. Шоҳида унинг эски «таниши» эди.

– Тўхтат! – кескин буйруқ қилди машинанинг орқа ўриндиғида гердайиб ўтирган Ўткирбек.

– Тинчликми, Бек ака? – сўради дабдурустдан берилган буйруқдан эсанкираб қолган ҳайдовчи.

– Тинчлик, айтганимни қил!

Шуҳрат машинасини автобус бекатидан сал ўтказиб тўхтатди. Ўткирбек «Доган»нинг ён ойнасидан аёлнинг кетишини кутиб турди. Ҳаял ўтмай аёл Шоҳида билан кайрлашиб, келиб тўхтаган таксига ўтириб кетди. Ўткирбек машинадан тушаркан, Шуҳратга қараб тайинлади:

– Сен машинадан тушма!

Ҳайдовчи итоаткорона қўлини кўксига қўйди. Ўткирбек илдам қадамлар билан яп-янги «Жигули»га ўтираётган Шоҳиданинг ёнига борди.

– Машиналар муборак бўлсин, оппоққиз! Бу юришлар жуда бошқача... Худди узукка кўз қўйгандай сизга ярашибди-да! Буюрсин!

– Раҳмат, айтганингиз келсин, – деди Шоҳида астойдил хурсанд бўлиб. – Анави ёқдан қачон қайтдингиз, Бек ака?

– Анча бўлиб қолди, – дея ёлғон гапирди Ўткирбек. – Энди эски қадрдонлар, таниш-билишлар, дўстларни зиёрат қилиб юрибмиз-да. Ўзлари биз томонларга нега ўтмадилар? Ё биздан хафамилар?

– Келганингизни эшитмапман, узр, Бек ака.

– Юринг бўлмаса.

– Қаёққа?

– Борсангиз биласиз.

– Сиз йўл бошласангиз, мен қачон йўқ дебман?!..

Улар шу яқин орада ташкил қилинган «Жўрабек» деҳқон-фермер хўжалигига йўл олдилар. Фермер хўжалиги туман марказидан анча олисда, Келес дарёсининг қуйи қисмида жойлашганди. Бу ерда яшашга мўлжалланган вагон-уй бор эди. Жуда мустақкам, пухта қилиб ишланган бу вагон-уй гўё абадий қилиб қурилган ва худди ерга маҳкам ёпишиб қолгандай туюларди.

Шуҳрат вагон-уйга киришлари билан ўртадаги столга дастурхон ёзди. Кейин унга турли-туман егулик – мевачева қўйди. Буни кузатиб турган Шоҳида оҳиста деди:

– Кўп овора бўлманг, ака!

– Овораси борми! – деди Шуҳрат босиқлик билан. – Кутилмаган меҳмон – мезбоннинг иззати. Меҳмон чақирмаган, кутмаган бўлсанг ҳам у сени ҳурмат қилиб келибдими – демак, бу бизни иззат қилгани. Ахир шундай экан, би ҳам сизнинг иззатингизни жойига қўйишимиз керак-да.

Шуҳрат ёнидан пичоқ олиб, шакароп тайёрлашга тушди. У дум-думалоқ қизил пиёзни майда қилиб тўғради

сувда чайиб, устига помидор кесди. Шоҳида Шуҳратнинг харакатларини ҳавас билан кузатаётиб, беихтиёр кўзи қўлидаги пичоққа тушиб қолди.

– Антиқа пичоқ экан. Уни қаердан олгансиз?

– Бу ҳарбий сир! Аммо бу сирни сизга ошкор этаман,

– Шуҳрат муғамбирона кулди. – Биласизми нега?

Шоҳида елка қисди.

– Чунки сиз дунёдаги энг гўзал аёлсиз! Бу пичоқ бир дўстимники. Ундан бу пичоқни менга совға қилишини илтимос қилгандим, бермади. Уйга қайтаётиб пичоқни ҳам ўзим билан олиб кетдим...

– Уни ўғирлабсиз-да!

Шоҳида пичоқни қўлига олиб, уни астойдил кўздан кечирди.

– Уни эҳтиёт қилинг, яна ўғирлаб кетишмасин...

– Унда ўғрини қароқчи урар экан-да...

Ўртада «гурр» этиб кулги кўтарилди. Ўзи бошлаб келган аёл қўл остидаги йигит билан бемалол чақчақлашиб ўтиргани Ўткирбекка ёқмади. Лекин сир бой бермай бо-сиқлик билан:

– Қўй, ўша гапларни! Ке, Шоҳида, ёшлик йилларимизни эслашайлик! Эски қадрдонлар бир чақчақлашиб, битимиз тўкилгунча яйрайлик! – деди Ўткирбек дастурхонга қўйилган ичимликларни битта-битта очаркан.

– Ҳа, ёшлик йилларимизни эслайлик, – деди Шоҳида Ўткирбекка сузилиб қараб. Аёл шундай эркаланиб, на-чокат билан гапирардики, Ўткирбекнинг етмиш икки то-мири жимирлаб кетгандай бўлди.

– Бу машинани қачон олдинг? – деб сўради Ўткирбек ортиқча ҳирсга берилмасликка ҳаракат қилиб.

– Э, у ўзимники эмас.

– Кимники?

– Россиялик бир танишимники.

– Танишингники бўлсаям бўлаверади, – деди кулиб Шуҳрат Ўткирбекка кўзини қисиб, – яхши, янги машина экан.

– Қани, олдик бўлмаса, – деди Шуҳрат ароқ тўла қадаҳни кўтараркан. – Даврамизнинг гули бўлган дилрабо хоним учун ичамиз.

Бу гап Шоҳидага ёқиб тушди, шекилли, қадаҳни бир кўтаришда охиригача бўшатди-қўйди.

– Э, маладес! Тасанно, сизга! Энди бундан буёғига қадаҳни охиригача бўшатиш ўйинини ўйнаймиз.

Зум ўтмай вагон-уйда шўх мусиқа садолари янгради. Улфатларнинг кайфи ошиб борар эди. Даврадаги «сиз»-лашлар «сан»сирашга, рақс муқомлари турткилашга ўтди.

– Бутун баданим қизиб кетди, – деди Шоҳида оёғида зўрға тураркан. – Дарёга бир шўнғиб олсам, девдим...

– Шу ҳавода-я! – ажабланди Ўткирбек. – Чўмила қол, ўз хоҳишинг билан ўлмоқчи экансан, нима ҳам дердим. Хоҳиш билан ўлмоқ ҳам лаззат.

Шоҳида Бек акасининг кесатиғига тушунмай, унга савол назари билан тикилиб қаради. Ўткирбекнинг афти келтакесак тусига кириб, аламзада кўзлари олайиб кетганди. Шоҳиданинг вужудини титроқ босгандек бўлди.

... Бир маҳал икки ҳамтовоқ илгари келишиб олганларига кўра танг аҳволда қолган Шоҳидани дўппослай бошлашди.

– Бек ака! Шуҳрат ака! Нима қиляяпсизлар?! Ахир ўлдириб қўясизлар-ку! – дея ёлвора бошлади оғзи-бурни қонга тўлган Шоҳида.

Ўткирбек Шуҳратга қаради:

– Қани!

Шуҳрат аёлнинг бўйнига сиртмоқ ташлади.

– Вой-дод! Халойиқ. Ёрдам-м... қотиллар!

Шоҳиданинг сўнги сўзлари шу бўлди. Шуҳрат сиртмоқни яна бир марта қаттиқ тортганида унинг жони узилиб бўлган эди.

– Тамом-вассалом!!! – кулди Ўткирбек. – Қани, бунини йиғиштир энди.

– Шошилманг, Бек ака, бир иш бор.

– Яна қанақа иш?!

Шухрат ташқарига чиқиб кетди. Бир маҳал қўлида омбир билан қайтди.

– Ахир, оғзи тўла тилла тиш экан-да...

Ўтқирбек мийғида кулиб қўйди. Шухрат марҳуманинг тилла тишларини омбир билан суғуриб ола бошлади...

Улар марҳуманинг кийимларини ечиб, ёқиб юбордилар. Жасаднинг қўл-оёқларини чилвир билан боғлаб қопга тиқишди. Уни ўша кеча «Жигули»да Келес дарёсининг овлоқ жойига элтиб, сувга итқитиб юбордилар. Шу тариқа босқинчилар тўдаси яна бир машинали бўлди.

ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

Одатда одамлар орасида «Бир кам дунё» деган ибора юради. Лекин дунёнинг бирини кам қилган аслида одамзотнинг ўзи эмасмикин? Ҳа, бу ҳақда ўйлаб кўрса арзийди...

Қирқ ёшдан ошар-ошмай олти марта «ўтириб» чиққан, яна еттинчи марта ҳам ўз инон-ихтиёри, қилмиши билан ўша томонга йўл олаётган Ўтқирбекнинг кўп такрорлайдиган бир ибораси бор:

– Дунёда ким кўп – содда одамлар кўп, – дейди у ҳар гал ўзининг гумашталарига виқор билан. – Фақат шунақа гўр-лақмаларни таниб, топиш, чув тушириш керак, холос. Ана шунда ошиғингиз олчи бўлади!

Хўш, ўша содда, лақма одамларни қаердан топиш мумкин? Албатта, одамлар орасидан-да. Бунинг учун ўша одамлар кўпчилик бўлиши керак. Биттаси бўлмаса бошқаси қармоққа илиниши турган гап. Одамлар гавжум бўладиган жойлар эса кўча-кўй. Айниқса, бозорлар... Ёки гашим нотўғрими?

– Тўғри, тўғри, – Ўтқирбекнинг гапини маъқуллашди диврада қўлларини кўксиларига қўйиб турган ҳамтовоқлар: – Бек ака, сиз тузган режа ёмон бўлармиди?!

Одамнинг жонини олиш учун алоҳида вагон-уй – «штаб»га барча шароитни яратиб олган, тиш-тирноғига-

ча қуролланган уюшган тўда аъзолари ўша кундан эътиборан оч қашқирлардай бозорма-бозор кеза бошлашди.

Тошканди азимнинг энг катта бозорларидан бири — «Юнусобод». Бу ерда одамнинг жонидан бошқа ҳамма нарса топилади. Пештахтадаги зиравору дориворлардан таралаётган муаттар ҳидлар димофингизга урилиб, қалбингизга илиқлик бахш этади. Айниқса, мева-чева, сабзавот ва полиз маҳсулотлари жуда сероб. Бободехқонлар пешона тери билан етиштирган ноз-неъматларини пойтахтликлар дастурхонига тортиқ этиш учун олиб келишади.

Сабзавот растасида қўр тўкиб юрган Ўткирбек, Шуҳрат ва Шариф тўр қопларга яхшилаб жойланган пиёз хирмони олдида тўхтаб қолишди.

— Пиёз қанчадан бўлди, оғайни? — деб сўради Ўткирбек.

— Юз эллик сўмдан.

— Кўпроқ олсак-чи?

— Қанча оласиз ўзи?

— Қанча арзон бўлса, шунча кўп-да.

— Ўзи қанча пиёзинглар бор? — деб гапга қўшилди

Шуҳрат.

— Ҳай, ўн тоннадан ортиқ, — деди кулиб Амир. — Аммо сиз пиёзди зўрини билайкансиз. Қашқадайранинг пиёзи ўзи бошқача бўлади-да!

— Пиёзни зўриям, деҳқонни зўриям ўша ёқда, — деди муғамбирона кўз қисиб Шуҳрат. — Хўп, кўтарасига қанчадан бўлади?

— Кўтарасига бир юзу йигирма сўмдан сотяпмиз, — деди пиёзфурушнинг шериги Қаҳрамон. — Ишонмасангиз, ана ўғлим Шуҳратдан сўранг.

— Бўлмаса, гап бундай, оғайни. Бизга анча пиёз керак. Қишга гамлаб қўямиз, — деди Ўткирбек. — Майли, ўн тоннами-ўн икки тоннами — фарқи йўқ. Кўтарасига ҳаммасини оламиз. Гапнинг ўғил боласини айтинг, қанчадан берасиз?

— Ўзингиз-чи?

— Сотувчи сиз-ку, сиз айтинг.

— Майли, ҳаммасини олсангиз, юз сўмдан беринг.

- Бўлмаса бир гап айтайми?
 - Қани, эштайлик-чи.
 - Хафа бўлмайсиз-да.
 - Йўқ.
 - Ҳаммасини 70 сўмдан оламиз.
 - Йўқ. Бўлмайди, – деди Қаҳрамон. – Ўзи шундоғ ҳам икки-уч кунда сотилиб кетади.
 - Озгина қўшинг, акамулло, – деди Амир ҳовлиқиб. – Бу совуқда бозорда дилдираб ўтирамизми? Тезроқ борайлик уйимизга.
 - Хўп, ака, юз сўмдан бўлса бўла қолсин, – деди Ўткирбек.
 - Ҳай, майли. Қўлни беринг, ака, – деди Қаҳрамон қувониб. – Ҳаммасини оласиз-а?
 - Машинаси билан қанча чиқади?
 - Ўн икки тоннача бор-ов...
 - Ўн икки тонна пиёзни юз сўмдан ҳисоблайлик.
 - Роппа-роса бир миллион икки юз минг бўларкан, ака.
 - Майли, унда машинани ҳайданг бўлмаса, фермамизга туширамизу, пулини санаб олаверасиз, – деди Ўткирбек чўнтагидан бир даста пул чиқариб кўз-кўз қиларкан.
 - Ҳай, қўлни ташланг, ака.
 - Пулни ушланг, ака!
- Деҳқонлар ушбу ҳазилнинг таги зил эканини хаёлларига ҳам келтиришмаган эди.

ПУЛ, ПИЁЗ, «КАМАЗ»

«Олим» деҳқон-фермер хўжалиги шаҳар ташқарисида, анча овлоқ жойда бўлгани билан соддадил деҳқонлар ишлари тез битаётганидан хурсанд эдилар.

– Қани, меҳмонлар. Бир пиёла чойимиз бор, – деб илтифот кўрсатган бўлди Ўткирбек вагон-уй томонга ишора қилиб. – Марҳамат, камтарона кулбамизга!

– Йўқ, шошиб турибмиз, – деди негадир кўнгли ғашланган Қаҳрамон.

– Амир ака, юринг бўлмаса. Аввал пулни санаб олинг. Юкни кейин тушириб олармиз.

– Ҳа, майли, – Амир содда одамлардан эмасми, ҳеч нарсадан шубҳаланмай ичкарига кирди. Вагон эшиги беркилди. Энди у ердан қайтиб чиқиш йўқ.

Бу ерда енг шимариб турган Сафар Дилмуродов дарров Амирнинг оғзини ёпди. Ўткирбек билан Шухрат уни ерга босиб, қўл-оёқларини чилвир билан қаттиқ боғладилар.

Зум ўтмай гаражга олиб ўтилган Амир Фуломовнинг рангида ранг қолмаган эди.

– Иби, акала... Ман нима қилдим сизларга... Пулми, пиёзми, машинами – ана олинг...

Бу деҳқоннинг сўнгги сўзлари эди. У ингичка бўйнига Сафар ташлаган сиртмоқдан бўғилиб, типирчилай-типирчилай жон таслим қилди.

Бу қотилликни амалга ошириш учун кўп вақт кетмади. Лекин ташқарида узоқ вақт қолган ота-бола меҳмонлар безовталана бошладилар.

– Вагоннинг ойнасидан бирор нарса кўринмаяптими, ўғлим?

– Йўқ, – деди болакай.

– Амир аканг кириб кетганига ҳам анча бўлди, а?

– Ҳа, – деди болакай. – Зерикиб кетдим.

Аллақандай нохушликни сезган отанинг юраги сиқила бошлади.

– Унда юр, бу ердан кетамиз.

– Хўп, дада.

Улар биргалашиб, машинада келган йўлларида орқага қайта бошладилар. Вагон-уйдан чиққан Ўткирбек жон ҳолатда қичқириб юборди:

– Э, гаранглар! Қараларинг, ота-болалар қани?!

Уч шотир оёқларини қўлларига олиб, ҳар томонга югуриб кетишди. Ўткирбек билан Шухрат боя фермер хўжалигига машина кириб келган йўл томон отилдилар. Беш-ўн дақиқа югуришга тўғри келди. Узоқдан ота-боланинг қораси кўринди.

– Қахрамон ака, ҳўв, Қахрамон ака. Ҳа, йўл бўлсин, – деб сўради узоқдан Ўткирбек пешонасидаги терни рўмолчаси билан артиб.

– Кетяпмиз энди.

– Амир ака сўраяптилар сизларни.

– Пулни олиб чиқаверсин. Биз кутамиз.

– Шошилманг, энди...

Ота-болага етиб олган Ўткирбек билан Шуҳрат уларни қўярда-қўймай йўлдан қайтариб, вагон-уйга бошлади. Вагон эшиги яна беркилди.

Эшикдан кириши билан Ўткирбек Қахрамонни тепиб юборди.

– Айбим нима, ака?! – деб сўради Қахрамон ҳайрон бўлиб. – Нега ураяпсиз мени?

– Нега қочиб кетаяпсанлар?

– ...

– Аданг-ку, шунақа Қахрамон экан, сан ҳам унга ўхшагинг келдими? – Шуҳрат ўспириннинг қорнига тепди.

– Ўғлимга тегманглар!

Шуҳрат бу гал қулочкашлаб боланинг афтига туширди. Бола ўкирганча гандираклаб бориб боши билан темир эшикка урилди.

– Ўғлимга тегманглар, – Қахрамон Ўткирбекнинг қаршисида тиз чўкди. Кейин кўзига ёш олиб ёлворди. – Илтимос, мени нима қилсаларинг ҳам ўғлимга озор берманглар.

– Ўчир овозингни, нима хоҳласак шуни қиламиз, – деди кўзи қонга тўлган Ўткирбек.

Шу пайт эшик очилиб, Сафар Дилмуродов кириб келди.

– Қочоқлар топилдими?

– Меҳмондўстлигимиздан юз ўгирганларни ўлдиришлар!

Тўда жаллоди Сафар Дилмуродов енг шимариб, астойдил ишга тушди. Энди у икки нафар кимсани асфала-софилинга жўнатиши керак эди. Одам ўлдириш бу кимса учун чивинни эзфилаб ташлашдек гап.

– Мана бу қочоқлигинг учун болакай, – дея у ўспириннинг нозик бўйнига сиртмоқ ташлади.

– Дадажон! – Унинг фарёдли қичқириғи вагон-уйни тутди. Болакай бошқа ҳеч нарса деёлмади.

Қаҳрамон ўғлининг аҳволини кўриб, унсиз ўксиб-ўксиб, узоқ йиғлади. Унга қўшилиб, бағри қонга тўлган нурсиз вагон-уй, ташқарида эса, бу сир-синоатлардан бохабар бўлгандек шўрлик пахмоқ булутлар йиғлади.

– Мана бу қўрқоқлигинг учун, Қаҳрамон! – деди ва жаллод отанинг ҳам бўйнига ўлим сиртмоғини ташлади. Қаҳрамон ихраб йиқилди.

...Кўп ўтмай аъзойи бадани тилка-пора бўлган ота-боланинг жасади полда ёнма-ён ётарди.

Бир кунда уч ўлим. Хўш, ниманинг эвазига? Марҳумлардан икки миллион сўм пул, 12 тонна пиёз ва «КамАЗ» русумли машина қолди. Ўлжалар тўдабоши Ўткирбекнинг ихтиёрига ўтди. Газандалар мурдаларни қопларга жойлаб, Шуҳрат Бобоевнинг сариқ рангли «Доган» русумли машинасида Келес дарёси соҳилига олиб бориб, уларга тош боғлаб, сувга чўктириб юборишди...

«ЖИГУЛИ»НИ ЧЎЗ-У, ПУЛИ НАСИЯ»...

Қонхўр тўдага энди икки енгил автомобиль, «КамАЗ» русумли юк машинаси хизмат қиларди. Бироқ бу телба кўнгил нималарни тусамайди, дейсиз – Яна битта машина бўлса, ортиқчалик қилмасди..., – дерди икки гапининг бирида Ўткирбек.

Дунёда тирик жон борки, тирикчилик илинжида елиб-югуради. Абдумалик ҳам худди шундай – оиласини боқиб учун тирикчиликнинг мингта кўчасига кириб чиққан. У азалдан машина ишқибози. «Тойчоқ»ларини тез-тез алмаштириб туради. Аниқроғи, машина олди-сотдиси билан шуғулланди. Машина – қимматбаҳо мол. Унинг савдосидан келадиган даромад ҳам мўмайгина.

Кейинги пайтларда барча автомобиллар ичида айниқса «Жигули»ларнинг бозори чаққон бўлиб турибди. Шунинг учун ҳам Абдумалик анчадан буён бозорда «Жигули» олди-сотди қилиб келади.

Тошкентнинг Сирғали туманида кенггина машина бозори бор. Бу ерда турли русумдаги автомобилларни учратиш мумкин: «Москвич», «Жигули», «Волга», «Запорожец», пулингиз бўлса ҳатто «Ижарус» ёки «КамАЗ» сотиб оламан десангиз ҳам топилади.

Сутдек оппоқ «Жигули»сини ясатиб, безаб бозорга олиб чиққан Абдумаликнинг димоғи чоғ. Чунки бугун унинг атрофида кўплаб харидорлар гирдикапалак бўлишяпти. Сабаби, машинаси суқсурдай кўркам, чиройли. Бунинг устига, анча янги.

Лекин харидорларнинг ҳам харидори бўларкан. Кўпчилик машинани обдон синчиклаб текшириб чиқади. Сўраб-суриштириб, миниб кўради. Аммо нарх масаласига келганда ўйланиб қолади. Айтган баҳосининг ярмидан пича ошишяпти, холос. Бу ҳам ёмон эмас. Бироқ машинани қисман бўлса-да, таъмирлатиб, бўлатиб, безатиб бозорга олиб чиққанининг кираси эмас. Лекин нарх масаласида шашмаслик керак. Бу бозор бўлмаса, янагиси бор...

Абдумалик шу хаёллар билан турганида, уч оға-инилар «Жигули» атрофини ўраб, машинага астойдил харидор бўлиб қолишди.

– Випускаси нечанчи йил?

– 90-йил.

– Қанча юрган ўзи?

– 50 минг, холос.

– Ну, яхши. Янгигина экан, – деди улардан бири.

– Жуда янгияммас, эскияммас. Дуруст, – деди иккинчиси.

– Қанча девоссиз, оғайни? – сўради барзанги, суяги бузуқ йигит.

– Бир миллион, холос.

– Яхши, арзонакан, – истеҳзоли кулди бошига соябонли қалпоқ кийган учинчи йигит. – Бўлиши қанча? Гапнинг ўғил боласини айтаверинг.

– Бўлиши...сизлардан-да энди, – деди сиполик билан Абдумалик.

- Ҳўп, оғайни, қўлни беринг, – деди шу пайт осмондан тушми-ердан чиқдими – пайдо бўлиб қолган даллол йигит. – Ҳўш, машинани ким олмоқчи ўзи?
- Мен...
- Исмингиз, ака?
- Ўткирбек.
- Сизники-чи?
- Абдумалик...
- Ҳўп, бўлишини айтинг, Абдумалик ака?!
- Шу... бир миллион деяпмиз...
- Ками бордир, ахир?
- Ҳа, пича ками бор.
- Сиз қанча берасиз, Ўткирбек ака?
- Ман етти юз минг деб турибман.
- Абдумалик ака, нима дейсиз?
- Йўқ, бўлмайди.
- Нега бўлмас экан?
- Бу камлик қилади.
- Ўткирбек ака, камлик қиларкан. Озроқ қўшасизми?
- Йўқ, Энди ман ёмон баҳо айтмадим.
- Кўриниб турибди. Яхши одамдан ёмон гап чиқарми-ди? Ками бўлса, кўпайтирайлик. Ана, саккиз юз бўлсин, нима дедингиз, Ўткирбек ака!
- Йўқ, бўлмайди.
- Абдумалик ака, етти юз элликка берасизми?
- Йўқ, ака, яна қўшишсин.
- Ўткирбек ака, қўшамиз экан.
- Э, сиз жуда оширвордингиз-ку!
- Нима, пул етмаяптими? Ака, оғайниларингиз бериб туришади. Ўзиям анча шўх, бадавлат йигитлар кўринишади.
- Ҳўш, майли, – деди Ўткирбек Абдумаликка юзла-ниб. – Бу ёққа юринг, оғайни.
- Ие, ман-чи?! – ажабланди даллол йигит.
- Ҳозир сиз билан ҳам гаплашамиз.
- Ўткирбек билан Абдумалик ўн-ўн беш қадам олдинга юриб тўхташди.

– Бу даллол-паллолни қўяверинг, – деди **Ўткирбек** ўсмоқчилаб. – Машинангиз манга ёқиб қолди. **Қўлни** беринг, нақд тўққиз юз минг берганим бўлсин.

Бу гапдан Абдумаликнинг кўнгли анча ёришиб кетди.

– Бор барака! – деб юборди у беихтиёр.

– Ҳозир машинани уйга олиб борамиз. Пулни санаб олгач, тилхат ёзиб берасиз. Хужжатлаштиришни эртага қолдирамиз.

– Хўп, келишдик.

... Йўл бошловчининг машинаси шаҳардан анча четга чиқиб кетди. Икки томон кимсасиз дала. Овоқ жойлар. Бундан Абдумаликнинг кўнгли негадир ғаш торта бошлади. Абдумаликнинг юзидаги ўзгаришни пайқаган **Ўткирбек** гапни узоқдан бошлади:

– Менинг уйим ҳам, ишхонам ҳам бир жойда. Фермам бор.

– Деҳқончилик билан шуғулланасизларми?

– Борганда кўрасиз. Бизнинг «бизнес» билан саноқли одамлар шуғулланишади...

Орадан кўп ўтмай машина кимсасиз дала ўртасида қурилган вагон-уй рўпарасига келиб тўхтади.

– Мана, етиб келдик! Бу – бизнинг кошона, марҳамат! – деди **Ўткирбек** меҳмонни вагон-уйга бошлаб кираркан. – Қалай, ёқдимиз?

– Уй ҳам, ишхона ҳам денг? – ҳайрон бўлиб сўради Абдумалик.

– Ҳа, ҳозир ишимизни ҳам кўрасиз, – деди **Ўткирбек** муғамбирлик билан шерикларига кўз қирини ташлаб. – Хуллас, гап бундай, ошна... Ҳозир менга «Жигули»ни сотганинг ҳақида тилхат ёзиб берасан.

– Аввал пулни беринг.

– Аввал тилхат ёз. Пулни кейин оласан.

– Ахир...

– Ёзасанми?

– Йўқ, ман кетдим.

– Демак, ёзмайсан ҳам, кетмайсан ҳам.

Ўткирбекнинг ишорасини кутиб турган тўда жаллоди Сафар Дилмуродов қайралган пичоғини ишга солди...

... Уч оғайни ваҳшийлар Тошкент бозорларида изғиб юришарди. Қовун, тарвуз, хурмо, картошка каби маҳсулотлар, ҳатто бир машина сопол идишлар ҳам қонхўр тўда қўлига ўтди. Эгаларининг жасадлари эса дарё қаърига ташланди.

ШЛАГБАУМ ЁПИҚ

Терговчи бошлиқнинг хонасига кириши билан майор Иномов воқеа тафсилотини тушунтирмай дарров мақсадга ўтди:

– Тезда изма-из бориш керақ. Дарҳол йўлга тушинг. Жиноят қидирувидаги лейтенант Саидов сиз билан бирга боради.

– Хўп бўлади, – қисқа жавоб қайтарди капитан Жўрабоев.

– Тафсилотларини ўша жойда билиб оласиз, – давом этди бўлинма бошлиғи. – Ҳозирча шуни айтишим мумкин: «Бунёдкор» жамоа хўжалигидан «Волга» автомашинаси ўғирланибди. Давлат рақам белгиси ТШ 15-25.

Воқеа жойида автомашина шинаси изидан бошқа нарса топилмади. Далилий ашё ҳам йўқ. Терговчи эксперт билан атрофни ўрганиб юришганда, уларга жамоа хўжалиги раиси ва унинг бир нечта аъзоси рўпарў бўладилар.

– Машинани ҳар куни шу ерга қўйиб кетардик, ҳеч гап бўлмасди, – сўз бошлади «Бунёдкор» жамоа хўжалиги раҳбари дам ички ишлар ходимларига, дам жамоа хўжалиги аъзоларига юзланиб. – Нега бундай бўлди, ҳеч ақлим етмаяпти.

– Бирор кишидан гумонингиз борми? – сўради капитан Бақоев ўсмоқчилаб. – Яширмай айтаверинг.

– Кимдан гумон қилиш мумкин? Ҳаммамиз кўпдан бери бир-биримизни таниймиз. Ҳалол, меҳнаткаш кишилар... Машинани четдан келган киши ҳайдаб кетган бўлиши керак, – деди ишонч билан хўжалик раиси.

– Ҳа-а, ҳа, – дейишди йиғилганлар бир овозда.

– Дарвоқе, – деди бригада бошлиғи Носир Салимов. – Жамоа хўжалигимиз ҳудудида Тошкентдан келган монтажчилар бригадаси ишляпти. Уларнинг раҳбари Холиқов деган киши. Ана шу киши билан гаплашиб кўриш керак.

Ички ишлар ходимларининг монтажчилар бригадасига келиши ҳеч кимни ажаблантирмади. Тўғри, бригада аъзолари машина йўқолгани тўғрисида ҳали ҳеч нарса эшитишмаган экан, лекин бу ташрифни ўзларича тушунишди:

– Сизлар Сўфиевни қидириб келган бўлсаларинг керак? Нима қилишга ҳайронмиз. Йигитимиз шу бугун тунда ҳеч кимни огоҳлантирмай қаёққадир ғойиб бўлди.

Капитан Бақоевда биринчи шубҳа туғилди. Лекин уни дарров ошкор этмади. Чунки касби шуни тақозо этади.

– Сўфиев машина ҳайдашни биладими?

– Билмадим, у биз билан ишлай бошлаганига кўп бўлгани йўқ. Биз фақат унинг Тошкентда, Кафанов кўчаси, 30-уйда туришинигина биламиз. Бу ерда унинг ошналари ҳам йўқ. Сўпиев одамови киши эди.

Капитан Бақоевдаги шубҳа тобора ортиб борарди. Лекин гумонга асосланиб инсон тақдирини ҳал қилиб бўлмасди. Айни пайтда туғилган шубҳа ўрганиб чиқишга арзирди.

– Худди шундай, – ахборот берди капитан Бақоев вилоят ИИБ бошлиғи ўринбосарига. – Бу тафсилотлардан ташқари гумондорнинг шахси аниқланди. Қурилиш бошқармасида унга тегишли ҳужжатлар шахсий йиғма жилди очилган.

– Муқаддам судланганми? – қўққисдан сўради бошқарма бошлиғининг ўринбосари.

– Ҳа, бир неча марта судланган.

Ўринбосар телефон гўшагини кўтариб, буйруқ оҳангда деди:

– Дарҳол навбатчи билан боғланг!

* * *

Ҳаворанг «Волга» автомашинаси текис йўлда ўқдек учиб кетяпти. Худди шу пайтда юборилган телефонограмма эса ундан ўзиб, барча ички ишлар бўлимларига етиб борди. Унда, жумладан, шундай дейилган эди: «Шаҳар ва туман ИИБ бошлиқлари диққатига. Катта Ўзбек трактида тунги патрулик кучайтирилсин. Ўткинчи «Волга» русумли машиналар синчиклаб текширилсин. Катта Ўзбек тракти бўйида туманлар ҳудудида жойлашган йўл-патруль хизмати масканида навбатчилик кучайтирилсин»...

* * *

Дарё ёқасидаги йўл-патруль хизмат масканида иш қизғин. Ўтган-кетган транспорт воситалари кўрсатмага кўра синчковлик билан кўздан кечириляпти. Тонг ёришиб қолганда чироқларини ёқиб узоқда «Волга» автомашинаси кўринди.

– Вазифа равшанми? – яна бир марта сўради тезкор гуруҳ бошлиғи, майор Исоқов. Тасдиқ жавобини олгач, ўзи илдам қадамлар билан шлагбаум томон кетди. Катта йўл бўйида лейтенант Шакаров билан сержант Носиров қолишди. Шакаров машина томон юриб, қўлини кўтарди. Бу ҳайдовчи учун «Диққат, тўхта!» деган ишора эди. «Волга» тўхтамай шлагбаум томон ўтиб кетди.

Майор Исоқов шлагбаумни пастга тушириб, йўлни ёпиб қўйди.

– Хужжатларингизни кўрсатинг! – буюрди майор.

– Паспорти... уйда қолдирибман, – тутила-тутила гўлдиради ҳайдовчи ва ҳадиксираб орқа ўриндиқдаги йўловчига қараб қўйди.

Исоқов орқа ўриндиқда ширакайф йигит гўжанак бўлиб ётганини кўрди.

– Машина кимники?

– Меники... – ҳайдовчи бошқа саволни кутиб ўтирмай гўтиқушдай сайраб кетди. – Мана, машинада тоғамни Самарқандга – касалхонага олиб борган эдим. Энди

бўлса, Тошкентга, уйга қайтйпмиз...

«Фалати, – деб ўйлади. Исоқов. – Тошкентлик тоғасини Самарқандга шифохонага олиб борса... Худди ўрмонга ўтин олиб боришдек гап-ку!»

Ҳайдовчи лаби лабига тегмай ҳамон бидирларди:

– Йўл-йўлакай Сирғалига, мана буникига кирдим, – у боши билан орқа ўриндиқда ётган кишига ишора қилди. – Бу менинг ошнам. Исми Нодир.

Исоқов ҳайдовчининг сўзларидан қаноатланган кишидек бироз олдинга ўтди ва кўз қири билан машинанинг давлат белгисига қаради. Бу ўша телефонограммада қайд этилган машинанинг давлат рақами эди. Капитан хотиржам ҳаракат қилаётганлиги туфайли юз-кўзларида ҳеч қандай ўзгариш сезилмади. У аввалгидек босиқ, хотиржам оҳангда сўради:

– Майли, ҳечқиси йўқ. Ошнангизни таништирдигиз-у, ўзингиз тўғрингизда оғиз очмадингиз. Тунда катта тезликда келаётганингиз учун жарима тўлашингизга тўғри келади.

Ҳайдовчи инспекторнинг гапларидан кўнгли хотиржам бўлиб, ўзини таништирди:

– Сўфиев Абдураҳим бўламан.

Исоқов худда шу исмнинг айтилишини кутиб турган эди!

Дастлабки терговда бу жиноят тафсилотлари маълум бўлди. Сўфиев автомашинани «Бунёдкор» жамоа хўжалиги шийпонидан ўғирлаб кетганини тан олди. Кейинроқ, тергов давомида Сўфиевнинг Келес дарёсида содир бўлган жиноятларга алоқаси йўқлиги маълум бўлди.

КЎКТЕРАКДАГИ ҚОРА ИШЛАР

... Ўткирбек қараса, шунча қилғилиқни қилса ҳам биров унинг мушугини «пишт» демаяпти. Уларнинг гуноҳларини гўё дарё оқизиб кетаётгандек. Бундан руҳланган гуруҳ аъзолари ўз «бизнес» фаолияти доираларини кун сайин кенгайтира боришди. «Кўктерак» чойхонаси Тошкент туманининг хушманзара, хушҳаво гўшаларидан би-

рида жойлашган. Бу ерга дўстлар, қадрдонлар дийдорлашгани, дам олиб, ҳордиқ чиқаргани тўпланиб туришади.

Чойхонанинг тўр томонида – четроқда алоҳида дид билан жиҳозланган бўлма бор. Унинг ичма-ич уч хонасига ичкаридан ҳам, ташқаридан ҳам эшик ўрнатилган. Шу жой Ўткирбекнинг кунда-шунда ҳам ҳордиқ, ҳам «разбор» хонаси эди...

Бугун ҳам «Кўктерак»да зиёфат ҳуюқ. Ўткирбек тўкин дастурхон тепасида ялпайиб ётибди. Эшик тақиллаб, Шуҳрат кириб келди:

– Бек ака, бир киши сизни суриштириб келибди... Кираверсинми?

– Ким экан ўзи?

– Ҳалимжон деган бир танишим.

– Нима иши боракан?..

– Бир кишидан пул ундириб беришда ёрдам сўраб келибди.

– Кирсин.

Эшик очилиши билан остонада тепакал, ориқ, қаримсиқ киши пайдо бўлди.

– Ассалому алайкум, Бек ака! – деди меҳмон қадини эгиб.

– Келинг, оғайни, ўтиринг!

– Мани исмим – Ҳалимжон...

– Хўш, хизмат, Ҳалимжон?

– Бир акамиз борлар. Сайдулло деган.

– Хўш...

– Ўзлари тадбиркор-фермерлар... Шу кишининг бировда пули боракан. Ололмапти.

– Кимдан экан?

– Шайхонтоҳурлик Миробид ақадан. Сайдулло ака унга 30 тонна картошка сотган эканлар.

– Қачон?

– Бир ой аввал.

– Хўп, эртага кечқурун Сайдулло акангиз шу ерга етиб келсин. Боринг, Шуҳрат акангизни чақиринг! Кейин уни кутиб туринг.

– Хўп бўлади, хўжайин.

Бироздан сўнг эшик очилиб:

– Лаббай, Бек ака, – деб Шуҳрат кириб келди.

– Ҳозир анави Ҳалимжон билан борасан. Қарздорнинг, даъвогарнинг адресини оласан. Эртага кечқурун иккаласиниям шу ерга етказиб келасан...

– Хўп бўлади.

* * *

– Сайдулло, бу кишига нима даъвоингиз борлигини яна бир марта эслатинг.

– Бундай бўлганди, Бек ака, – деди салмоқланиб Сайдулло. – Миробид акага ўттиз тонна картошка сотувдим. Пулини эса ҳалигача ололганим йўқ. Тўғрими?

– Тўғри, – дея тасдиқлади Миробид кўзларини жавдиратиб. – Бироқ орадан энди бир ой ўтди, холос-ку!

– Ўшанда нима девдингиз?

– Бирор ойда пулини қилиб бераман, деганман...

– Айтган гапнинг устидан чиқиш керак-да, ўғил бола! – асабийлашди Ўткирбек. – Лафз борми ўзи?

– Тўғри, лекин ҳали картошканинг ярми турибди, сотилгани йўқ...

– Қанча бўларди ўзи? – сўради Ўткирбек.

– Ҳисоблаганмиз. Роппа-роса 231 минг сўм бўлар экан.

– Бўлмаса гап бундай, – деди гапни кесиб-кесиб Ўткирбек. – Демак, сан бу пулларни уч кун ичида топасан. Бўлмаса, ўзингдан кўр. Ўзингни ҳам бола-чақангни ҳам омон қўймаймиз!.. Тушунарлими?

Миробид бу гапларни эшитиб, ичига муз киргандек аъзойи бадани дир-дир титрай бошлади...

«СЎМУ ДОЛЛАР ҚАНИ, АҲМЕД?»

– Ассалому алайкум, Бек ака!..

– Келинг, йигит, келинг...

– Исми Нодир... «Айна» фирмасининг раҳбариман.

– Ҳа, яхши-яхши.

– Шу... бир кишидан пулимни ундиролмай сарсон бўлиб юрибман... Шунга... ҳузурингизга ёрдам сўраб...

– Кимакан у?

– Москвадаги «Анжелика» фирмаси директори Аҳмед Муротов.

– Хўп, Шуҳрат акангизнинг олдига чиқиб, келишинглар. Эртага қарздорни топиб, уни тўғри шу ерга... Йўқ, эртага число ўтгизми? Яхшиси, Чилонзордаги «Алломиш» қаҳвахонасига олиб келинглар, гаплашамиз.

* * *

– Исминг?

– Аҳмед.

– Фамилиянг?

– Муротов.

– Нодир нима деяпти?

– Гапи тўғри, Бек ака.

– Аниқроқ гапир.

– Ундан 12 тонна қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган плёнка олган эдим. Лекин у ҳали сотувда турибди. Плёнкасини қайтиб берайми?

– Ҳа, унда аввал ўзларинг келишиб, кейин бу ёққа келмайсанларми? Қанча қарзсан ўзи?

– 750 минг сўм.

– Э, бу 75 минг доллар дегани-ку! Анави чойхоначи йигит нима деяпти?

– Ундан ҳам икки минг доллар олганим рост.

– Хўш, нима қиламиз энди?

– Тўлайман, Бек ака. Муддат беринг, деновлик Рус-там акам ёрдам берадилар.

Ман ҳозирбўқ чиқиб, уйларига қўнғироқ қиламан.

– Телефонни йигитлар қилишади. Сен унгача гаровдасан, тутқундасан, уқдингми?!

* * *

- «Кўктерак» чойхонаси – Ўткирбекнинг қароргоҳи.
– Исм-шарифинг?
– Рустам Абдураззоқовман.
– Нима иш қиласан?
– Деновдаги «Ўзбекистон» савдо фирмасида бошлиқман.
– Нимага келганингни билдингми?
– Ҳа, аэропортдаёқ йигитларингиз тушунтириб беришди.
– Аҳмеднинг қарзи нима бўлади?
– Узамиз, ака, узамиз.
– Қачон ва қандай қилиб?
– Деновда тўртта трактор турибди. Шуни бераман.
– Сенга бир ҳафта муҳлат. Ўша тракторни етказиб кел.
– Иби, бир ҳафтада Деновдан етказиб келиш туянинг думини ерга теккизиш билан баб-баровар.
– Униси билан ишим йўқ. Бўлмаса, Аҳмед оғайнингдан умидингни уз.

* * *

- Аҳмед, сўму доллар қани?
– Тўлайман, Бек ака, тўлайман.
– Қанақа қилиб?
– Москвага хат ёзаман. Ё фир этиб бориб келаман.
– Сан Московга кетсанг, думингни кўрсатармидинг? Нега ёлғон гапирасан? Нима, мени лақиллатмоқчимисан? Санга икки кун муҳлат. Хоҳлаган жойингга, одамингга телефон қил. Пулни топсин. Акс ҳолда... йигитлар ўзлари билишади нима қилишни... тушундингми?

* * *

- Орадан роса икки кун ўтгач, Шуҳрат билан Мурод Аҳмедни Захариқ канали бўйига олиб боришди.
– Сўму доллар қани, Аҳмед?
Мурод унинг афтига қулочкашлаб туширди. Аҳмеднинг юзи қонга беланди.

– Тўлайман, йигитлар, тўлайман, – дея зорланди Аҳмед.
 – Бекор гап. Шу вақтгача ҳеч натижа чиқмади. Бек акага иши тушган одам шу вақтгача ноумид бўлмаган эди. Сан ноумид қилдинг! – Шухрат Аҳмеднинг томоғига чанг солиб, бўға бошлади.

– Раҳм қилинг, раҳм...

Бу Аҳмеднинг сўнгги сўзлари эди. Мурод уни аллақачон бўғизлаб бўлган эди.

Захарик соҳили қонга бўялди.

Ўлжасининг қалтираб-қалтираб жон таслим қилишидан завқланган жаллод мамнун илжаярди:

– Мана сенга раҳм, Аҳмед, мана сенга доллар, Аҳмед.

МОҲИР АКА

Жиноят қидирув Бош бошқармаси бошлиғи, полковник Моҳир Дадажонов умрининг салкам ўттиз йилини шу соҳада ўтказган. Туман, шаҳар, вилоят ички ишлар идораларида ишлаб, касб сир-синоатларини мукаммал ўрганган. Ҳозирда ўз тажрибасини ёшлар билан баҳам кўряпти. Бош бошқармага унинг саъй-ҳаракатлари билан тажрибали изқуварлар таклиф этилди.

Келес дарёси соҳилидаги мудҳиш воқеалар полковник Моҳир Дадажоновни анча ўйлантириб қўйган эди. У кўп йиллик иш тажрибаси мобайнида кўп ваҳшийликларни кўрган, фош этган. Аммо бунақа даҳшатли воқеанинг гувоҳи бўлмаганди. Тезкор суриштирув-қидирув ишлари ҳозирча бир натижа бергани йўқ. Аммо бу вақтинчалик ҳол. Ўтказиладиган навбатдаги тезкор тадбир режаси устида астойдил ишланмоқда.

Эшик очилиб, Моҳир аканинг хаёли бўлинди.

– Рухсат этинг, ўртоқ бошлиқ?!

– Келинг, Шокаримжон.

– Чақиртирган экансиз.

– Ҳа, Келесдаги ишлар нима бўляпти? Яна бирор янгилик борми?

- Бор, ўртоқ бошлиқ!
- Хўш, қанақа янгилик?
- Дастлабки олти мурданинг шахси деярли аниқланди, ҳисоби.
- Деярли деганингиз, нимаси? Улар кимлар экан?
- Дарёдан топилганларнинг айримлари пойтахтга картошка сотгани келган деҳқонлар бўлиб чиқишди. Уларни қариндошлари ҳам қидириб юришган экан.
- Демак, ишни деҳқон бозорларидан бошлаш керак. Шундайми?!
- Худди шундай.
- Бу иш билан ўзингиз шуғулланинг.
- Хўп бўлади, ўртоқ бошлиқ!
- Дарвоқе, қолган мурдаларнинг шахслари қачон маълум бўлади?
- Узоғи билан бир-икки соатда маълумот тайёр бўлади.
- Демак, қариндошлари томонидан топиб, аниқлашда мурдаларнинг суратлари жуда зарур бўлади. Айтгандай, кечқурунги тезкор йиғилишга бу ҳақда батафсил ахборот тайёрланг.
- Тушунарли, ўртоқ бошлиқ. Кетишга рухсат этинг?!
- Рухсат.
- «Дуруст, – деб ўйлади Моҳир Дадажонов. – Ниҳоят калаванинг учи топилганга ўхшайди. Шу бирор ҳафтада қотиллар аниқланиб, қўлга олинса, нур устига аъло нур бўлардида. Бу ниҳоятда катта жиноят иши. Демак, жуда катта уюшган жиний гуруҳ ишляпти. Шунинг учун режалаштириладиган операцияни муваффақиятли амалга ошириш ҳам осон кечмайди. Ҳар бир ишни пухта ўйлаш керак. Бугунги тезкор йиғилишда яна бир неча жўяли маслаҳат ва тахминларни илғари суриш керакка ўхшайди. Гап бу жиноят иши шахсан вазир назорати остида турганида эмас, ахир. Илдиз отиб кетган жаллодлар тўдасини таг-томири билан йўқ қилиб, бизга ишонган халқ олдида юзимизни ёруғ қилиб олиш-да».

КАЛАВАНИНГ УЧИ...

Подполковник Шокарим Усмонов бу жиноят ишини фош этишга жалб этилгач, ишда анча олға силжиш бўлди. Сабаби, Шокарим фақат тор кабинетда ўтириб, кўл остидаги кишиларга иш буюришни унча ёқтирмасди. Иложи борича ўзи ҳаётга, жараёнга аралашса. Иш билан ўзи шуғулланиб, жиноятчини ўзи тутса... Ҳозир ҳам бошлиқнинг хонасидан чиқиб, шахси аниқланган марҳумлар фотосуратларини олиб, бозорлар оралаб кетди. Тошкент катта шаҳар. Нима кўп, бозор кўп. Куннинг иккинчи ярмига қадар бешта бозорда бўлди.

Юнусобод пойтахтнинг энг гавжум бозорларидан бири. Шокарим мева-сабзавот растасини айланиб юрганди, жағи-жағига тегмай шанғиллаётган оқ халатли паттачи йигит унинг эътиборини тортди:

– Бугундан бошлаб патта беш сўм дедимми, беш сўм. Мана, ёнимда буйруқ ҳам бор. Ахир, ўн қоп пиёз сотиб, беш сўмгина жой ҳақи тўлагани ҳам оғринасизми?

Чакмонини ерга ташлаб ўтирган деҳқон ўрнидан кўзгалиб, паттачига алланарсани тушунтирган бўлди.

Шокарим бир оз кутиб турди. Паттачи нариги раста сари йўналганда унинг билагидан тутиб, сўз қотди:

– Оғайни, бир дақиқага мумкинми?

– Хўп, хўп. Ассалому алайкум, ака!

– Юринг, бир четга ўтайлик, бир маслаҳатли иш чиқиб қолди.

Улар одамлар сийракроқ жойга борганда Шокарим ёнидан гувоҳномасини олиб, ўзини таништирди:

– Вазирликдан подполковник Усмонов бўламан.

– Ака, мени кечиринг-у. Мана, ростдан ҳам патта пули уч сўмга тушиб қоляпти...

– Йўқ, ман бу ҳақда гаплашмоқчи эмасман. Биласиз, биз халқ билан ҳамжиҳат ишлаймиз.

– Жуда яхши айтдингиз-да, акахон! Ҳамжиҳатликда гап кўп, «милиция халқнинг фарзанди», деган ажойиб бир шеър ўқиганман.

– Жуда яхши. Шеърни кейин ўқиймиз. Сиз бозорга келган деярли ҳамма деҳқонларни танийсиз-а?

– Ҳаммасимас-у, лекин кўпчилигини.

– Унда манави суратдагиларни кўринг. Бирортасини танирсиз.

Патгачи фотосуратларга тикилиб, анча ўйланиб қолди:

– Ҳозир... ҳозир... Адашмасам, булар картошка сотгани келишган эди, шекилли.

– Ана бу раста ҳам сизга қарайдими?

– Ҳа.

– Унда ўша ёққа юринг-чи.

Улар растага яқинлашганда, Шокарим сўради:

– Дарвоқе, исмингиз?

– Сувонқулжон.

– Жуда яхши. Сувонқулжон, шу растанинг энг фаол деҳқонларидан бирортасини топиб берсангиз.

– Деҳқонлар жуда унақа фаол бўлишмайди. Молини сотади-ю, кетишади.

– Ҳа, ўша кунда-шунда чайқовчи, э, йўғ-е, ҳозирги тил билан айтганда «бизнесмен»ини назарда тутяпман.

– Э, шунақа демайсизми? Бунақалар кўп.

– Энг зўрини кўрсатинг.

Сувонқул ўнг қўлини қоши устида соябон қилиб, раста томон тикилиб тургач, қичқирди:

– Мирзамат ака!

Тўладан келган бир киши ҳаллослаб келиб, қўшқўллаб кўришди:

– Қалайсиз, Сувонқулжон?

– Гап бундай, Мирзамат ака. Сиз бу ерда деҳқонларнинг старшийсиз-а?

– Ҳа, нимади?

– Мана бу ака картошкафуруш қариндошларини излаб келибдилар. Мана, суратларини кўринг. Балки, танирсиз.

Мирзамат суратларга узоқ тикилиб қолди.

– Бир нарса дейиш қийин... Адашмасам, булар жиззахлик эди, шекилли...

– Ҳа-ҳа, – деди Шокарим умид билан унинг оғзига тикиларкан. – Жуда тўғри айтдингиз. Сувонқул ука, сизга раҳмат. Мирзамат ака, бу ёққа юринг-чи.

Улар икки дўкоё орасидаги холироқ жойга ўтишди.

– Эсланг, ака, қачон кўрувдингиз уларни?

– Бир ҳафтача аввал... Дарвоқе, ўзингиз кими бўласиз?

– Қариндоши... яқин қариндоши. Бир ҳафтача аввал Жиззахдан телефон қилишганди... Келиб, тўғри манга учрашмаганини қаранг. Балки, картошкани пуллаб, чўнтаклари қаппайгач, Тошкентда ўйнаб юришгандир-а? – деди кулимсираб Шокарим.

– Тирикчиликнинг айби йўқ-да, ука.

– Тўғри.

– Мен ҳам шу бозорда эртаю-кеч тирикчилик қилиб, бола-чақа боқаман.

– Яхши-да, ахир... Қозонингиз қайнаб турса, оилангизда камчилик бўлмаса, бундан ортиқ нима керак, яна!

– Энди эсимга тушди. Адашмасам, бир ҳафтача аввал картошкаларини сотиб бўлишган, охирида 4-5 тонна қолганди. Ёмғир ёғаётган пайт эди. Ман айтдим: «килосига 120 сўмдан бераман, ташлаб кетинглар», деб. Унашмади. Шунда учта барваста олифта йигитлар пайдо бўлиб қолишди. Уларнинг мўйловдори – каттаси ўша бўлса керак, деҳқонларга шундай деганини эшитиб қолдим: «Ман шўтта тураман. Чойхона, ошхона, фирмам бор. Кўтарасига оламан. Бозорда беш-олти кун сарғайиб, сасиб ётиб нима қиласиз?» Уларни узоқдан кузатиб турдим. Узоқ баҳслашишди. Сўнг бир қарорга келишди, шекилли, картошкани «КамАЗ» русумли машинага ортиб, бирга кетишувди.

– Ўша... барваста, олифта йигитларни кўрсангиз танийсизми?

– Балки... Дарвоқе, биттаси, оқ-сарикдан келгани сариқ «Жигули»дан тушиб, калитини ўйнатиб турувди...

- Мирзамат ака, бир илтимос бор... Хўп дейсизми?
- Қани, айтаверинг-чи...
- Шу айтганларингизни ёзиб бера оласизми?
- Нималар деяпсиз, ука?
- Албатта, тирикчилик ҳақидаги гапларингиз керакмас, – деди Шокарим ва ёнидан гувоҳномасини олиб кўрсатди. – Илтимос, ака...

Мирзамат ака пешонасида пайдо бўлган терни даст-рўмолчаси билан артди:

- Майли, нимаям дердим...
- Унда милиция таянч пунктига кирайлик.
- Кейин манга бирор ғалва, бошоғриқ бўлмайдами?
- Йўғ-е, нималар деяпсиз? Ваъда бераман...

* * *

Улар бозор ҳудудидаги милиция таянч пунктида ғалати бир ҳодисанинг устидан чиқишди. Усмонов ҳали ичкарига кириб улгурмасдан сержант йигит каттагина тўрхалта кўтарган бир аёлни олдиға солиб келди:

- Мана, яна битта олибсотар қўлга тушди...

Бу гапни эшитган Мирзамат ака анча довдираб қолди.

– Ҳа, энди бир халта картошка сотган билан олибсотар бўп қолармиди одам? – деб ҳазиллашди Шокарим ва зиятни юмшатиш учун.

– Ахир, бу киши шаҳарнинг қоқ ўртасида, яна бунинг устига, «дом»да яшасалар, қанақасига деҳқончилик қилсинлар?!

- Сиз ёшсиз, ука, – деб шанғиллай кетди «деҳқон» аёл.

– Нима қилай, бешта болам бор. Эрим касал. Қўшнимдан шу картошкани олиб, нонпулиға чиқувдим. Бир килоям сотмасимдан ғиппа бўғдингиз.

- Ие, ҳали «дом»даги қўшнингиз ҳам «деҳқон»ми?

– Ҳа, уч хонали секцияси тўла картошка, пиёз, сабзи, хурмо... ҳатто қовун-тарвуз ҳам уюлиб ётибди!..

Аёл шу гапни айтишга айтди-ю, ўринсиз гапириб қўйганини тушуниб, бирдан жимиб қолди.

Хонага жимлик чўкди. Демак, номаъқулроқ гап айтилди. Бу осудалик таъсири Шокаримга ҳам юқди. «Шошма, нималар бўляпти ўзи?!».

– Бари бир протокол тузамиз, – деб тўнгиллади сержант.

– Жим, – деди унга қараб Шокарим, сўнг яна ўйлар гирдобига шўнғиди: «Уч хонали домда картошка, пиёз, сабзи, хурмо, қовун, тарвуз... Нима бўпти, балки тирикчилигидир... Унда бу нарсаларни ўзи бозорда сотса бўлмайдими?.. Каталакдай «дом»да сақлаши шартми? Яна бировларга сотгани ҳам берса»...

– Бу ерда нима қилиб ўтирибсиз? – дея сўради Шокаримдан сержант. – Кечирасиз, ким бўласиз, ўзи?!

– Ҳозир... ҳозир... – деди ўйланиб Шокарим. – Аввал ўзингизни таништиринг.

– Сержант Икром Неъматов.

– Неъматов, ҳозироқ манави синглимизни қўйиб юборинг.

– Вой, раҳмат, ўртоқ бошлиқ! Умрингиздан барака топинг. Бу сержант укамлар ҳали ёш-да. Аввал уйланиб-нетишсин, олахуржун елкасига илинсин. Ўшанда кўрамиз, деҳқон бўлмаганларини...

– Сержант Неъматов, синглимизни кузатиб қўйинг, – деди Шокарим. – Уйларигача обориб қўйинг.

– Раҳмат, омон бўлинг, начальник. Бола-чақангизнинг орзу-ҳавасини кўринг! – Аёл юзига фотиҳа тортиб тўрхалтасини орқалади.

Сержант Шокаримга яқин келиб, сўради:

– Кимлигингизни айтинг, нега менга буйруқ беряпсиз?

– Чунки, сержант Неъматов, мен вазирликдан – подполковник Усмонов бўламан, – деди Шокарим ҳужжатини кўрсатиб. – Энди бориб, буйруқни бажаринг.

– Эшитаман, ўртоқ бошлиқ!

– Опангизни уйигача кузатиб боринг. Яхши гапиринг. Ундан уйда картошка сақлаётган қўшнисининг хонадонини билиб, зудлик билан етиб келинг...

ҚОПҚОН

Кеч соат саккизларда бошланган тезкор йиғилиш ярим тунга қадар давом этди. Унда асосан Бош бошқарма бошлиғи, полковник Моҳир Дадажонов ва бўлим бошлиғи Шокарим Усмоновлар ахборот бердилар. Аниқроғи, Усмонов қотилларни аниқлаб, ушлаш бўйича Тошкент бозорларида олиб борган қидирув ишлари хусусида тўхталди, таклифларини айтди. Далилларини мантиқ чиғиригидан ўтказиб, таҳлил этди. Йиғилганлар пойтахт бозорларида кузатувни кучайтириш, қотилларни ушлаш бўйича режаларни белгилаб олдилар.

– Ниҳоят, калаванинг учи топилди, десак ҳам бўлади, – деди мамнунлик билан Усмонов.

Йиғилиш аҳли иш олдинга босганидан анча енгил нафас олди.

– Ҳозирги ҳолатни ҳаммамиз ҳам чуқур ҳис этиб турибмиз, – деди Дадажонов. – Ахир, Келес дарёсидан топилган жасадлар сони йигирмадан ошди. Балки, бу охиргиси эмасдир. Эҳтимол, уюшган жиноий тўда ҳозир ҳам бирон бир кишининг жонига қасд қилаётгандир. Балки, ўша мурдаларни яна дарё қаърига ташлаётгандир. Тўғри, дарё соҳиллари тўлиқ назоратга олинган. Лекин бари бир ҳар қадамга милиционер қўйиб бўлмайди-ку?! Давом этинг, Усмонов!

– Сўнгги маълумотларга кўра, шахси аниқланган мурдалар Жиззах вилоятилик Баҳром Ўсаров, Яхшибой Ҳамроев, Фулом Холжигитовлар эканлиги аниқланди. Уларнинг жасадини қариндошлари ҳам танишди. Буни суд-тиббий экспертизаси ҳам тасдиқлади. Шу ўринда уларнинг қандай ўлдирилганлигини яна такрорлаб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. Муҳими, уларнинг барчаси бир жиноий гуруҳ томонидан ўлдирилган, бизнингча.

– Энди асосий гап: жиззахликлар Юнусобод бозорида картошка сотишган. Уларнинг картошкаларини улгуржи нарҳда сотиб олиш баҳонасида алдаб, машиналари билан олиб кетишган. Кимлар бўлиши мумкин? Ҳозирча уларнинг

шахслари аниқланяпти. Операция олдидан дастлабки тахминларни айтишимиз мумкинми, Моҳир Аброрович?!

– Албатта. Бу дастлабки тахмин, холос. Қолганини вақт кўрсатади.

– Ҳозирча бозорларнинг иккитасида қуйидаги шахслар шу жиноятга алоқадор ёки қўл урган дея тахмин қилинмоқда. Биринчиси Ўткирбек Омонов... У олти марта қамалган, – деди Усмонов гумон қилинувчининг фотосуратларини йиғилиш аъзоларига тарқатар экан. – Тошкент туманида яшайди. Шу йил май ойида қамоқдан чиққан. Ҳеч қаерда ишламайди. Унинг бозорда улгуржи савдо билан шуғулланиб юрганини кўрган кишилар бор. Ҳозир у «Кўктерак» чойхонасига уя қуриб олган.

– Демак, дастлабки операцияни чойхонадан бошлашимиз керак, – деди Моҳир Дадажонов. – Яна ўйлаб кўрайлик.

– Ўткирбек Омоновнинг бу ишга алоқадорлигини яна бир факт тасдиқлайди. Хонадонлардан бирида кўп миқдорда полиз ва сабзавот маҳсулотлари сақланиб, сотиларкан. Қаранг, «дом»да-я! Дастлабки текширувлар натижасида ушбу хонадон Ўткирбек Омоновнинг синглисига тегишли эканлигини аниқланди. Кузатувлар пайтида ҳозирча бу хоҳадонга Ўткирбек келганича йўқ. Лекин бозор кезганида уни олиб юрган давлат рақами ТН 30-90 бўлган «Доган» русумли сариқ автомашина бир марта келиб кетган. Бу автомашина «Ўзавтотранссервис» ташкилотига тегишли. Бу ерда Ўткирбекнинг акаси Ўлмас ишлайди. Машинани Шухрат Хўжаев бошқаради.

– Қизиғи шундаки, – деб гапини давом этди Усмонов. – Ўткирбекнинг яна битта севган гўшаси бор. Бу мана харитада кўриниб турганидек, дарёнинг юқори қисмидан 50 чақиримча нарида турган вагон-уй. Унинг атрофи дарахтлар билан ўралган хилват гўша. Бу ерга нима сабабдан вагон-уй келтирилган? Бу ҳозирча аниқлангани йўқ. Балки, асосий жиноятлар шу ерда амалга оширилгандир, деган тахмин ҳам йўқ эмас. Бу ер ҳозирча

кузатувда. Дарвоқе, дарё соҳилида яшовчилар сариқ «Доган» автомашинасини шу ўртада тез-тез кўриб туришларини айтишган.

– Демак, қандай хулосалар қиламиз? – деб тезкор ходимларга юзланди Моҳирбек Дадажонов. – Менимча, Ўткирбек ва Ўлмас Омоновларни, Шухрат Хўжаевни ҳибсга олиш учун прокурордан санкция олиш зарур. Кейин «Кўктерак» чойхонаси ва ўша вагон-уй мунтазам назоратда бўлиши, гумондорлар иложи борича жиноят устида қўлга олинислари зарур...

Бош бошқарма бошлиғи вазиятни чуқур таҳлил этар экан, бажарилиши лозим бўлган ишлар бўйича қатор йўл-йўриқлар берди...

БЎРИ БЎРИНИ ЕЙДИМИ?

Она табиатнинг ўзгармас, темир қонун-қоидалари бор. Уларга кўра ҳар бир жонзотнинг ўз ризқи, насибаси ва... кушандаси бор. Лекин табиат қонунларига кўра, аксарият ҳолларда бир турдаги жонивор ўз қондошига қасд қилмайди.

...Келес дарёси соҳилидаги кенг адирликлар, бутазорлар қўйнида дастлаб унчалик кўзга ташланмайдиган уя бор. Бу – ўша чиябўри уяси.

...Бўри ўз табиатига кўра ўта йиртқич ва қонхўр жонзот. Аммо у ҳеч қачон тўдасидаги шерикларига ҳужум қилмайди. Чиябўри-чи?! У айёр ва маккор. Оч қолди дегунча қондошларига ҳам ҳужум қилишдан қайтмайди...

...Тезкор тергов-қидирув гуруҳининг иши тобора фаоллашиб, калаванинг чигали ечила бошлади. Лекин баъзи жиноятчилар ҳам чиябўридек айёр ва маккор бўларкан.

Келес дарёси атрофида бегона одамларнинг пайдо бўлгани ҳақидаги маълумот аллақачон Ўткирбекнинг қулоғига етиб келган эди. Шу боис, у вагон-уй томонларга ўтмай қўйди. Чойхонада зиёфат устига зиёфат уюштириб, кўнгли тусаган ишини қилиб юрди. Ўзаро «разбор»-

ларга ҳам аралашмай қўйди. Пайт пойлаб чегарадан ўтиб кетишни режалаштира бошлади. Бундан хабар топган Усмонов Бош бошқарма бошлигининг олдига кирди:

– Ўртоқ полковник, Ўткирбекни қўлга олиш фурсати етди, шекилли.

– Нега ундай деяпсиз?

– Чунки Ўткирбекнинг одамлари чегарадан ўтиб жуфт-такни ростлашмоқчи. Эртага кеч бўлмасмикан?

– Зудлик билан тезкор гуруҳни ҳозирланг.

* * *

Қўлга олиш гуруҳи келганида Ўткирбек чойхонадаги хос хонасида айш-ишрат қилиб ўтирган эди.

– Бек ака, мумкинми? – нотаниш овоз эшитилди.

– Кимсиз? Разбор билан шуғулланмай қўйганман, – деди Ўткирбек сергакланиб. Кейин ёстиқдан қаддини кўтариб, панжаси билан пешонасига ёпишган сочини таради

– Энди биз разбор қилгани келдик, – кесатди Усмонов.

– Қайси айбимни разбор қилмоқчисиз?

– Қайси айбимни дейсизми, қай бирини айтай?.. Сиз беғуноҳ одамларни тунаб, ўлдиришда, молини талон-то-рож қилишда гумон қилиняпсиз. Ё тонасизми?

– Тухмат, тухмат! - чинқириб юборди Ўткирбек.

Усмоновнинг бу қаҳрли сўzlари, юракка етиб бориб санчиладиган ғазабли қарашлари Ўткирбекни довдира-тиб қўйди. У Шокаримга тикилганича тирик-мурдага айланиб қотиб қолганди. Бир лаҳза мияси ғувуллади. Икки чеккасидаги йўғон қон томирларига қон текилиб, ёрилиб кетгудай таранглашди. Аъзойи баданига худди бигиз санчилгандай оғриқ кирди.

– Хўш, Ўткирбек, айбингизни тан оласизми?

Ўткирбек худди тўрға тушган чўртон балиқдай қаршилиқ қилиш бефойдалигини сезса-да, қочишга умид қилди. Чора излади, тополмади. Шунда жаллодлари қўлида жон берган марҳумлар кўз олдидан ўта бошлади.

Бўғизланган, пичоқ урилган, турли қийноқларга солинган ўлими олдидан жон талвасасида тўлғонган деҳқонлар, аёл, бола... Улар хун талаб қилишаётган каби атрофини ўраб ола бошлашди...

* * *

Келес дарёси соҳилларига қалин қор ёққан. Шамол қор учқунларини у ердан – бу ерга учириб юрибди, Совуқда, очликдан озиб-тўзиб кетган жониворлар қор остини титкилаб емиш излашади. Улар орасида озгин, кўзлари очликдан ёниб турган чиябўри ҳам бор эди. У қалин қор остидан мазали бир егулик ҳиди келаётганини сезди. Қадамларини тезлатди. У дўнглик орқасига ўтиб, ўзи излагани – ўша суяк устидаги қорни титкилашга тушиши билан «шилқ» этган товущдан бутун танасига зирқироқ оғриқ кирди. У зийрак овчининг тузоғига тушган эди.

Усмонов Ўткирбекнинг қўлига кишан солар экан:

– Сен одам қиёфасидаги ҳайвонсан, оғзи қон, қўли қон чиябўрисан, – деди нафрат ва жирканиш билан.

Ўткирбек осонгина қўлга тушганидан жаҳли чиқиб, қизариб-бўзариб турса-да, тунд башарасидан кўнглидан нималар ўтаётганини билиш қийин эди. Нафс ўпқонига тушган, раҳмсиз бу банданинг гуноҳларини ювишга дарё суви ҳам камлик қилади. Бугундир, эртадир у қилмишлари учун жавоб бериши кераклигини ўйламади. Ёвузлик, қурол ва ўзига ўхшаган шерикларига ишонди. Вақтинчалик, осонгина қўлга киритилган «ўлжа» – бировларнинг хуни, моли эвазига эришилган пул, буюмлар кўзларини кўр қилди.

Ўткирбек қўлга тушганини узоқ бир манзилдан кузатиб турган бегонадек бошини эгди. Уни олдинда нималар кутаётганини тасаввур қилди-ю, кўзлари катта-катта очилди. Жазодан-да оғир бир юк – гуноҳ остида қолди. Маънисиз кечган умри албатта ёқасидан олади, барчаси учун жавоб беради энди...

Хотима ўрнида

Тергов ҳибсхонаси. Тун. Бек хирагина чироқ нури тушиб турган камеради қафасга қамалган айиқдай ўзини у ёқдан-буёққа уриб юрибди. «Тамом! – ҳирқиради у. – Отиламам! Шу билан умрим тугайди!» – Бек иккинчи – гўзал хотинини ўйлади. Унинг ким биландир кўл ушлашиб кетаётганини тасаввур қилдию пешонасини деворга ура бошлади. Бошини ёрилиб кетар даражада урди. Кейин сочларини чангаллаб, мук тушганча ҳолдан тойиб ўтириб қолди. Мудрадами, ё ҳушидан кетдим, номаълум. Бир пайт ғалати ёруғлик пайдо бўлганга ўхшади. Бек хиралашган кўзларини хиёл очди. Эшик ёнида оппоқ рангда Шоҳиданинг мурдаси унга тикилиб турарди. Унинг атрофида қандайдир цуъла тараларди. Мурданинг ғазаб тўла кўрқинчли кўзларида «Нима учун?» деган маъно муҳасам.

У секин букилди-да, қаҳрли овозда ҳайқириб юборди: «Одамхўр! Одамхўр!».

Даҳшатдан Бекнинг тишлари такирлаб кетди. Одати бўйича ўрнидан сакраб туриб арвоҳга ташланмоқчи бўлди, аммо негадир таққа қотиб қолди. Арвоҳ эса камерани кесиб ўтиб, бамайлихотир ва тантанавор ўнг бурчакка борди. У чироқ нуридан ўтаётганда худди тирик одамдай полга сояси тушди. Арвоҳ бурчакда туриб олиб қаҳрли овозда бақирди, кўзларидан учқун чақнади, бармоқлари ўлжасига ҳамла қилаётган ҳайвонникидай чангакка айланди. Оғзидан кўпик аралаш ўкиришга ўхшаш овоз чиқди: «Бўғаман!».

Арвоҳ учиб келиб, Бекнинг устига миниб олиб, унинг бўйнига ёпишди. Бек нафас ололмай, типирчилаб, ҳириллади, тили осилиб қолди, кўзлари косасидан чиқиб кетаёзди. Ҳар томондан эркак, аёл ва болаларнинг аянчли фарёди – қий-чуви эшитилди. Атрофини турли-туман ўта кўрқинчли маҳлуқлар ўраб кела бошлади.

Безовта

ТУН



БЕЗОВТА ТУН

Қурувчилар бригадасининг бошлиғи Мустафо Солиҳов каллайи саҳарлаб турди. Сабаби, кеча қурувчилар билан қурилиши бошланган иморатни қишли-қировли кунларга қолдирмасдан қуриб битиришга келишиб олишганди. Совуқ тушганда эса ичкарида пардозлаш ишлари билан шуғулланишади. Тўғри-да, жонлари савил қолган эмас-ку.

У ширингина бўлиб ухлаб ётган хотинини уйғотишга кўзи қиймади. Ювинишга кираётиб човгумда чой қўйди. Соқолини қиртишлаб, ювиниб чиққанида чой қайнаб улгурганди. Қуюлтирилган сут аралаштириб қаҳва тайёрлади. Нонга сариёғ суркаб паққос туширди. Икки паррак дудланган колбаса еган бўлди. Сўнг қалинроқ кийиниб йўлга чиқди.

Уйдан бекатгача пиёда 15 дақиқали йўл. Азбаройи шошганидан ариқча ичида ётган кишини пайқаман ҳам бўларди. Аммо рўпарадан шитоб билан келаётган машинадан четланай, деб ариқчадан ҳатлаётиб унга кўзи тушиб қолди. Эгилиб, яхшироқ қараса, қўшни йўлакда турадиган чилангар Бахтиёр.

«Чилангарлар, пайвандчилар, яна сантехниклар қўлига пул тушиши билан ичадими дейман-да», ўзича ғўлдиради Мустафо, сўнг қўшнисини турғазмоқчи бўлиб ёқасидан тортди. Аммо чилангар қимир этмасди.

«Оббо, занғар-э! Мени кўриб ўзини уйқуга соляптими дейман», хаёлидан ўтказди у ва Бахтиёрни силтаб даст кўтарди. Аммо чилангарнинг танасида жон йўқдек эди. Мустафонинг юраги алланарсани сезгандек уюшди. У Бахтиёрнинг кўйлаги ичига қўлини тиқиб, кўкси устига

қўйди. Чилангарнинг бадани муздек эди. Мустафо қўрқиб кетиб, шартта қўлини тортиб олди. Қараса – кафти қипқизил қонга бўялибди.

Мустафо қўрқувдан қалт-қалт титраб, мурдани яна ариққа ётқизиб, орқага тисарилди. Бир хаёл қўшнисини шу ҳолича қолдириб ишга югурмоқчи ҳам бўлди. Аммо ўзини қўлга олиб, Бахтиёрни ётқизиб, унинг танасини яхшилаб кўздан кечира бошлади. Шунда бўйнидаги жароҳатдан ҳалиям қон сизиб турганини кўрди. Бригадир яна қочиб қолмоқчи бўлди. Шунда таниш овоз уни тўхта-тиб қолди:

– Ҳа, Мустафо, нима гап?

Мустафо бошини кўтариб, заводда механик бўлиб ишлайдиган қўшнисига кўзи тушиб, ваҳимали овозда деди:

– Назир ака, фалокат, Бахтиёрни ўлдириб кетишибди.

– Ҳой бола, эрталабдан бунақа совуқ ҳазил қилма. Яхши гапга ҳам, ёмон гапга ҳам фаришта омин дейди. Кайфи ошиб қолгандир-да. Йигитчиликда бўлади, – жеркиб берди Назир ака.

– Ишонмасангиз, мана, ўзингиз кўринг, жони узилган, танаси муздай. Юраги уряптими деб кўрмоқчи эдим, қўлим қонга беланди.

Назар ака Бахтиёрнинг томирини ушлаб кўрмоқчи бўлди-ю, қўли муздайлигини кўриб, гап нимадалигини тушунди. Ёши анчага бориб, кўп нарсани бошидан ўтказган бўлса ҳам шу топда саросимага тушиб қолди. Ҳалиям Мустафо тузукроқ экан.

– Назар ака, сиз вақтни ўтказмасдан бирор жойдан қўнғироқ қилиб, милицияга хабар беринг. Мен шу ерда қолиб, ўтган-кетганларни воқеа жойига қўймай тураман. Киноларда шунақа қилишади-ку. Бўлмаса излар босилиб кетади.

Мустафо ёлғиз қолгач, чўнқайганча сигарет тутата бошлади. Ўтган-қайтганлар у билан сўрашишар, айримлари сувсиз ариқча ичида ётган Бахтиёрга қараб:

– Ҳа, кўшнинг яна отволибдими? – дейишарди. Мустафо уларга жавобан беҳол бош лиқиллатиб кўярди. Баъзилари эса азбаройи шошганиданми ёки чўчибми, сўраб ҳаёттиришмасди. Бир-иккитаси кўнгли алламбалони сезганими, салом-аликни ҳам насия қилиб, жимгина ўтиб кетди.

Мустафога бўлса бир ўй тинчлик бермасди. «Қизини – ўйларди у. – Бу ишни ким қилди экан? Тўғри, Бахтияр ичарди. Лекин унинг маст бўлиб жанжал кўтарганини безорилик қилганини, биров билан сену менга борганини эслай олмайман. Кўпинча кайфи ошса ухлаб қоларди ёки ким нима деса эшитиб, кулиб ўтираверарди. Шунда беозор йигитнинг ўлими кимга керак бўлиб қолди?...»

Жавобсиз саволлар исканжасида Мустафо учинчи сигаретни чекиб тугатаётганида ички ишлар бошқармасининг навбатчилик қисми машинасида тезкор тергов гуруҳи аъзолари етиб келишди. Ўзини гуруҳ раҳбари, прокуратура терговчиси деб таништирган киши Мустафонинг сўзларини диққат билан эшитди. Аниқроғи, унинг гапларига ҳамма, ҳатто машинанинг очиқ ойнасидан бошини чиқариб, тилини осилтириб турган овчарка ит ҳам жимгина қулоқ солиб турди. Бригадир гапини тугатар тугатмас воқеа жойига бир оқ «Нексия» келиб тўхтади. Ундан фуқаролик кийимидаги киши тушди. Терговчининг олдига бориб, иккиси нима ҳақдадир пичирлашиб гаплашишди.

Мустафо навбатчи машинанинг ҳайдовчисидан сўради:

– Ким у?

– Уми, жиноят қидирув бўлими бошлиғи, полковник.

* * *

Эрталаб соат олтиларда шаҳар ички ишлар бошқармаси тезкор навбатчиси жиноят қидирув бўлими бошлиғига кўнғироқ қилди.

– Ўртоқ полковник, мен тезкор навбатчи майор Маматовман. Тўқимачилар мавзесида қотиллик юз берди.

Катта йўл ёқасидаги ариқчадан чилангар Бахтиёр Темировнинг мурдаси топилди. Марҳумнинг бўйнида жаҳолати бор экан. Бошқа тафсилотларни билмайман. Воқеа жойига тезкор гуруҳни юбордим.

– Дарҳол менга ҳам машина жўнатиб, – полковник Саидов гап тамом дегандай гўшакни жойига қўйди.

Жиноят қидирув бўлими бошлиғи юз-қўлини ювиб, кийиниб пастга тушганида навбатчилик қисмига қарашли оқ «Нексия» дарвоза олдида турарди. Ҳайдовчи эшикни очиб, салом бериб, дарҳол машинани жилдирди.

– Ҳа, кайфиятинг йўқдай, қовоқ-тумшугинг осилиб кетибди? – сўради полковник.

– Ҳа, асти сўраманг, ўртоқ бошлиқ, – деди ҳайдовчининг ҳасратидан чанг чиқиб. – Кечаси билан тиним билганим йўқ. Бир у ёққа борамиз, бир бу ёққа.

– Ҳа, энди хизматчилик-да.

– Шундай дейсиз-у, кошки шунча овора бўлганга арзиса эди. Бир жойга борсак, улфатлар чойхонада ўтириб, кайфлари ошиб гап таллашиб қолишган экан. Бошқа жойда рашкчи эр шаддод хотинини бир шапалоқ урибди. Уни аввал койиб, кейин тинчлангирдик. Сўнг кўчама-кўча изғиб постларни текширдик. Кундузи пича ором олармиз деб ўйлагандим, мана сенга деб қотиллик бўлиб турибди-да. Энди тушгача тўқимачиликда овораи сарсон бўлиб юрсак керак.

– Ҳим, шунақа дегин? – полковник мийиғида кулиб сигарет тутатди.

– Ўртоқ бошлиқ, мумкин бўлса, менга ҳам битта сигарет беринг. Кечаси билан ўзимникини чекиб тугатдим.

Полковник ҳайдовчига уч-тўрт дона сигарет узатар экан, сўради:

– Воситжон, воқеа жойига кимлар чиқди?

– Сизнинг ходимингиз Избосаров, прокуратуранинг катта терговчиси Қорабоев, кейин Одилов деган суд-тиббиёт эксперти.

– Ў-ҳў, нечук шаҳарнинг етакчи суд-тиббиёт эксперти воқеа жойига чиқишни хоҳлаб қолибди?

– У кечаси билан навбатчилик қисмида ўтириб чиқди. Терговчи билан роса шахмат ўйнашди. Айтишича, тез-тез навбатчилик қилса, кўпроқ қўшимча дам олиш кунлари йиғиларкан. Кейин ҳамма қўшимча дам олиш кунларини бирйўла олиб, овга кетаркан.

Полковник Қодиров Обид Одиловнинг бу одатини яхши биларди. Илгари иккови бирга овга ҳам чиқишган. тезкор тергов гуруҳи таркибини кўз олдига келтириб, кўнгли тинчиди. Катта тезкор ходим Мурод Избосаров – тажрибали изқувар, терговчи Қорабоев – ақлтой. Энг чигал, мураккаб тугунларни ҳам усталик билан еча олади. Эксперт ҳам ўз касбининг пири:

«Нексия» воқеа жойига яқинлашганда, Қодиров гуруҳ аъзоларидан ҳар бири ўз иши билан шуғулланаётганини кўриб, кўнгли янаям хотиржам тортди. Терговчи Қорабоев қандайдир эркак билан гаплашиб турарди. Избосаров кинолог билан ерда ётган аллақандай буюмни кўздан кечиришарди. Одилов эса мурданинг устига энгашган ҳолда турарди.

Полковник аввал терговчи билан кўришиб, унинг гапларини эшитди. Сўнг изқуварнинг олдига борди.

– Қаранг, кўкариб турган, қуриган ўт-ўланларнинг ҳаммаси қиров билан қопланган. Фақат мана бу йўналишда қиров кўринмайди. Ўт-ўланлар ҳам босиб янчилган.

– Ҳа, мурдани шу ёқдан судраб келишган бўлса керак... – тахмин қилди Қодиров.

– Балки, ўзи эмаклаб келгандир?... – шубҳа билдирди Избосаров.

– Итга из олдириб кўринглар. Фақат аввал эксперт-криминалист суратга олсин. Йўқса, ҳадемай қуёш чиқса, қиров кўтарилиб кетади. Манови сўқмоқни синчиклаб кўздан кечиринглар. Балки, бирор пойафзал изи, қон доғи қолгандир.

Собир Қодиров бригадир билан гаплашиб кўрди. Унинг айтишича, марҳум билан битта кўп қаватли уйда туришаркан. Улар сўнг ҳайдовчи кўмагида мурдани ариқчадан чиқариб олаётган суд-тиббиёт экспертнинг олдида боришди.

– Ўзингиз келганингиз яхши бўлди-да, – деди Одилов жиноят қидирув бўлими бошлиғига юзланаркан, ишга қаттиқ берилиб кетганидан саломлашишни ҳам унутиб. – Буни қаранг, бўйнидаги кичкинагина жароҳат унинг ҳаётига зомин бўлган. Иш тажрибамда бунақа ҳолатга биринчи марта дуч келяпман.

Одилов сўзини исботлаш учун марҳумнинг бўйнидаги жароҳатга чизғич қўйиб ўлчади:

– Узунасига бор-йўғи беш миллиметр, энига тўрт миллиметр бўлган жароҳат кишининг ҳаётига зомин бўлса-я... Ёки қотил унинг бўйнига узун, йўғон бигиз, яъни жуводиз тикқанмикин?.. Унақада марҳум узоқ вақт қийналган, бу ергача эмаклаб келган, охири кўп қон йўқотишдан ўлган. Нима бўлганда ҳам мурдани ўликхонага олиб боришгач, уни ўзим текшираман. Шундан сўнг ҳаммасини аниқ айтаман.

– Марҳумнинг ҳамёни ёнида экан. Ичидан эллик минг сўм пул чиқди. Демак, қотилнинг мақсади талончилик бўлмаган, – гапга аралашди терговчи.

Шу пайт тезкор вакил Избосаров ҳам кинолог билан келиб қолишди. Барс лақабли ит орқада думини қисиб бошини эгиб келар, кўринишидан ис ололмагани шундоқ билиниб турарди. У машинанинг очиқ турган эшигидан бир сакраб ичкарига кирди-да, бурчакка бориб қунишиб ўтираверди.

– Сўқмоқдан яқинда қўйлар ўтган экан. Ҳаммаёқда қўй қумалоғи. Барс болалигида қўзичоқни тишлагани учун эгасидан роса калтак еган. Шунинг учун қўйнинг ҳиди келган жойда ҳид олмайди, – изоҳ берди кинолог.

– Мен ҳам, ўртоқ бошлиқ, пичоққа илинадиган ҳеч нарса тополмадим. Қон доғи ҳам, пойафзал изи ҳам йўқ.

Ер қаттиқ, ёз бўйи юрилавериб тошдай қотиб кетган. Бунинг устига тонгга яқин қиров тушган.

Терговчи баённома тузишни тугатиб, холисларга раҳмат айтиб, кетишларига рухсат берди. Одилов мурдани махсус машинага ортиб, ўликхонага олиб кетди. Қодиров бригадирдан кетмай туришни илтимос қилди. Қорабоев иш кўплигини ҳисобга олиб шундай таклиф қилди:

– Биз Избосаров билан марҳум турадиган уйнинг бир чеккасидан, сизлар иккинчи чеккасидан суриштиришни бошласак. Ўртадаги йўлакда учрашиб қоламиз.

* * *

Полковник Қодиров бригадир Мустафо Солиҳов билан бирга кўп қаватли уйнинг кунчиқар томониغا қараб йўл олишди. Йўл-йўлакай гаплашиб кетишди.

– Бахтиёр ўзи ёмон одам эмасди. Қўли гул чилангар эди. Илгари гоҳи-гоҳида – байрамларда, маош олганда, туғилган кунларда ичарди. Меъёрини биларди. Кайфи ошгач ё ухлаб қоларди, ё кулгани-кулган эди. Яқинда хотини бошқа биров билан Чирчиққа кетиб қолди. Шундан кейин аламдан ичишга берилиб кетди, дейишганди. Аммо унинг кўп ичганини ўз кўзим билан кўрганим йўқ.

Биринчи йўлакдаги хонадонлардан бирининг қўнғироғини чалишди. То эшик очилгунча Мустафо бу ерда тўқимачилик комбинати автобусининг ҳайдовчиси туришини айтишга улгурди. Тезда эшик очилиб, остонада қизил жемпер кийган жувон кўринди. У берилган саволларга «Уй атрофида ҳеч қандай бегона кишини кўрмадик», «Кеча ҳеч қандай шовқин эшитмадик», «Эрим билан ухлагани эрта ётдик» деб жавоб қайтарди.

– Хўжайинингизнинг ўзи қани? – сўради бригадир.

– Бугун навбатчилик кунлари. Шунинг учун саҳарлаб ишга кетгандилар, – деди аёл.

Кейинги эшик ҳадеганда очилавермагач, Мустафо пешонасига шапатилади:

– Э, эсим қурсин. Улар шаҳар чеккасида ҳовли қуриб, кўчиб кетишган. Бу уйни сотишмоқчи.

Бу йўлакдаги бошқа хонадон эгаларидан ҳам тайинли гап чиқмади.

Иккинчи йўлакнинг биринчи қаватидаги хонадон бекаси негадир безовта эди.

– Ҳа, Саломат она, кўринишингиздан безовтага ўхшайсиз, тинчликми? – сўради Мустафо.

– Кечаси билан кўрқиб чиқдик, – ҳасрат қила бошлади аёл. – Шунга ҳалиям ўзимга келолмаяпман.

– Ким сизларни кўрқитди? – қизиқиб сўради полковник Қодиров.

– Қандайдир бир маст киши эшикни тақиллатиб, қўнғироғини жиринглатиб безор қилиб юборди. Очмаганимиздан кейин деразани тақиллатишга тушди. Бечора болаларим юраклари така-пука бўлиб, мижжа қоқмай чиқишди. Аксига олиб уларнинг отаси хизмат сафариди эди. Йўқса, пияниста безорига кунини кўрсатарди. «Ёрдам беринглар!» деб қанча бақирдик. Қани биров эшитса. Ё эшитишса ҳам эшитмасликка олишдимми...

Собир Қодиров билан Мустафо хонадон бекасидан рухсат сўраб ичкарига киришди. Катта зал, яъни меҳмонхонанинг деворига гилам осиб қўйилган, полига эса палос тўшалган эди. Эскигина диван, бир оз уринган стол, стул – бор-йўқ жиҳози шу. Ошхонадаги газ плита устида човгум бир маромда қайнарди. Полковник чекишга изн сўради.

– Бемалол чекаверинг. Эрим чеккани учун ўрганиб кетганман, – деди аёл, кейин кулиб давом этди. – Тўғриси, тамаки ҳидини ёқтираман.

Қодиров ошхона столи устида турган гугурт қутисини очиб, гугурт доналарининг олтингугурт қопламалари қириб олинганини кўриб ҳайрон бўлди. Кейин сигаретини газ алангасидан тутатиб олди. Аёл эса ҳикоясида давом этди:

– Кеча кечқурун болаларим билан ошхонада ўтириб овқатландик. Кейин қизим Зулфия идишларни ювди. Пича телевизор кўрдик. Кечаси соат ўнларда ухлагани ётдик Ярим кечаси эшикнинг тақиллашидан уйғониб кетдик Эшик олдига келиб: «Ким?» деб сўрасам, биров: «Оч!» деб бақирди. «Сизга нима керак?» деб сўрасам, нуқул «Оч! Оч!» деб бақирди, эшикни дўмбира қилиб юборди Кейин кўча томонга ўтиб, деразани тақиллатишга тушди. «Ҳозир деразани синдириб, ичкарига кирса, бошига ураман» деб болтани олволдим. Болалар кўрқувдан қалтираб, уввос солишиб, уйни бошларига кўтаришди. Қаники, кўшнилар эшитишса. Бу ҳоҳ ярим соатлар давом этди. Кейин ҳаммаёқ тинчиб қолди. Деразадан мўраласам, ҳеч ким кўринмади.

– Тақиллатган кишининг юзи қанақалиги эсингизда қолдими?

– Қаёқда дейсиз. Атроф қоронғу эди. Курткаси кулранг эди, шекилли. Алламбало шапка кийиб олганди.

– Ҳалиги маст ҳеч бўлмаса эрингизни сўрадимиз? – ўсмоқчилаб сўради полковник.

– Йўқ, «Оч! Оч!»дан нарига ўтмади.

– Балки, у илгари эрингизнинг олдига келгандир?

– Қайдам, Усмон акамнинг олдиларига кўп киши келиб-кетиб туради.

– Қаёққа кетганини кўрмадингизми?

– Йўқ, кўрмадим. Болаларни тинчлантириш билан овора эдим. Эрталаб уларни мактабга жўнатдим. Ўғлим Арслонбек бешинчи, қизим Зулфия еттинчи синфда ўқийди.

Қодиров яна бир масалани аниқлаштирамоқчи бўлиб бир неча марта тарадудланди-ю ҳар гал ниятидан қайтаверди. Охири барибир сўради:

– Катта йўл ёқасидаги ўликни кўрдингизми?

– Қанақа ўлик? Қанақа катта йўл? Ҳеч қаёққа борганим йўқ. Эндигина дўконга бормоқчи бўлиб тургандим, сизлар келиб қолдингизлар.

– Бзовта қилганимиз учун узр! Кейинроқ сизни терговчи сўроқ қилади, – деб полковник бригадир билан кўчага чиқди. Ташқари томондан ҳозирги хонадоннинг деразаси ёнига келиб, атрофни кўздан кечиришди. Ҳаммаёқни кушларнинг, қўйларнинг изи босиб кетганди...

* * *

Эрталаб соат саккизларда Қодиров терговчини прокуратурага олиб бориб қўйди-да, Избосаров билан ички ишлар бошқармасига қайтишди. Тезкор навбатчининг хонасига кириб, унга воқеа жойида юз берган жиноят юзасидан аниқланган тафсилотларни айтиб беришди. Чунки у ҳодиса бўйича бошқарма бошлиғига ахборот бериши лозим эди. Навбатчи телефоннинг гўшагини кўтариб қулоғига тутди-ю, Қодировга юзланди:

– Ўртоқ полковник, сизни суд-тиббиёт эксперти сўраяпти.

– Собиржон! – гўшакдан Одиловнинг таниш овози эшитилди. – Менга машина юборинг. Борганимда сизга бир нарса кўрсатаман.

– Нима кўрсатасиз?

– Кўришганимизда биласиз, – Одилов бошқа гапирмай гўшакни жойига қўйди.

* * *

Полковник суд-тиббиёт экспертани олиб келгани Избосаровни жўнатиб, ўзи иккинчи қаватдаги хонасига кўтарилди. Жойига қулайроқ ўрнашиб, бир даста қоғоз олиб, қотилни қидириб топиш режасини туза бошлади. Сўнг чуқур ўйга толди: «Дейлик, Бахтиёр Темиров тунги алламаҳалда маст ҳолатда Усмон Юнусовнинг эшигини тақиллатиб, уй ичидагиларни бзовта қилган, ваҳимага солган. Кейин битта-ярим ўткинчига хирапашшалик қилиб жонига теккан. Безорининг қилиқларидан асабийлашган ҳалиги киши унинг бўйнига бигиз санчган. Авваламбор, ким ҳам ёнида бигиз олиб юрарди.

Пичоқ бўлса бошқа гап эди. Ҳа, майли, борингки, чўнтагида тасодифан бигизи бор эди ҳам дейлик. Лекин шу жуволдизни маст одамга санчиши учун киши қанчалик газабланиши ёки ваҳший бўлиши керак...»

Қодиров ўрнидан туриб, хонада у ёқдан-бу ёққа бориб-кела бошлади. «Ҳар эҳтимолга қарши ўтган кеча ўша яқин атрофда кимнинг уйида зиёфат ёки улфатчилик бўлганини аниқлаш керак». Шу ўйлар гирдобиди соатига кўз ташлади. Соат миллари тўққизга яқинлашаётганини кўрсатарди. Ҳадемай ҳамма раҳбарлар – ИИБ бошлиғи, шаҳар прокурори, ҳокими юз берган қотилликдан хабар топади. Кейин нима бўлди, нима қўйди деб қисталанг қилишлар бошланади. Ана ундан кейин Қодировнинг кети ер искамай қолади. Бош қашишга вақти бўлмайди, бўл тез, қотилни топ, деб кўз очиришмайди.

* * *

Жиноят қидирув бўлими бошлиғининг безовта ўйларини хонасига кириб келган изқувар Избосаров ва судтиббийет эксперти Одилов бўлиб юборишди. Эксперт плашини ечиб, оромкурсига ўтириб, нимчасининг чўнтагидан халтача чиқарди. Уни очишдан аввал тагдор қилиб деди:

– Э биродари азизлар, воқеа жойида сизлар хато қилдингизлар. Эсларингизда бўлса, Бахтиёр Темировни қотил бўйнига бигиз санчиб ўлдирган, деб айтгандингизлар. Янглишасизлар, азизларим.

Полковник ходимига ялт этиб қаради. Избосаров ҳайрон бўлиб елка қисиб қўйди. Чунки иккаласи ҳам бигиз ҳақида экспертнинг ўзи гапирганини яхши эслашарди. Шундай бўлса ҳам лом-мим демай ўтираверишди – воқеанинг давомини кутишди. Одилов жиндак сукут сақлаб, сўзида давом этди:

– Майли, кўпам хафа бўлманглар. Ҳаётида ким ҳам хато қилмайди. Яхшиси, мана бунга қаранглар, – у хал-

тачани очиб кўрсатди, – бу марҳумнинг жароҳати ичидан чиқди.

Халтачанинг ичида бир куб сантиметрча келадиган металл парчаси бор эди.

– Марҳумнинг жароҳати анча чуқур экан. Ўқ тегишидан шунақа яра ҳосил бўлади. Мана бу қўрғошин бўлаги эса ўқ вазифасини бажарган. Энг муҳимини энди айтаман, – Одилов яна сукут сақлади. Қодировнинг столи устидаги варақча нариддан-бери одам суратини солди. Унинг бўйнига тепадан ўткир бурчак остида чизиқ тортди.

– Кўриб турганларингиздек, ўткир предмет Темировнинг бўйнига пастга қаратиб санчилган. Демак, санчган ёки отган киши ундан баландроқда турган.

– Сизнингча, қанақа қуролдан отишган бўлиши мумкин? Мен овчи бўлмаганим учун бу борада бир нарса дея олмайман. Баллистикадан ҳам хабарим йўқ, – ўсмоқчилаб сўради Избосаров.

– Ўзим ҳам ҳайронман. Гарчи ёшлигимдан овчилик қилсам-да, бошим қотиб қолди.

Полковник стол устидаги қоғозларни йиғиштириб, пальтосини кийиб деди:

– Бу ҳолат масалани анча ойдинлаштирди. Обид ака, сиз бу топилмангизни йўқотиб қўйманг, тагин. Мурдани текширув натижалари ҳақидаги баённома билан терговчи Қорабоевга топширасиз.

– Избосаров, сен Обид акани ишхоналарига олиб бориб қўй. Кейин 15-мактабга бориб, 5-синфда ўқийдиган Арслонбек Юнусовни ва 7-синфда ўқийдиган Зулфия Юнусовани топ. Улар ўқитувчилари гувоҳлигида сенга шу кечаси хонадонларида юз берган воқеани ипидан-игнасигача айтиб беришсин.

Избосаров бошлиғига ҳайрон бўлгандек бир пас қараб турди.

* * *

Жиноят қидирув бўлими ходимларининг одатдагидек «беш дақиқалик» йиғилишидан сўнг Қодиров икки ёш лейтенантни олиб, йўлга отланди: Жиноят қидирув бўлими хизмат машинасининг ҳайдовчиси элдан бурун «Матиз»га чиқиб ўтириб олган ёш ходимларга жавради:

– Хўжайиндан олдин қаёққа тиқилипсизлар? Машинани ичида чекишням бас қилинглар. Ҳаммаёқни тутун қилиб юборасизлар, нафас олиб бўлмайти.

Ҳайдовчи полковникка кўзи тушиши билан моторни ўт олдирди.

– Фақат тезроқ ҳайда, – Қодиров унинг елкасига оҳиста қоқиб қўйди.

– Шошишга не ҳожат, хўжайин? Барибир, Тўқимачилар мавзесида камида бир ой сарсон бўлиб юрамиз. Навбатчидан ҳаммасини билиб олдим.

– Бунинг галларига парво қилманглар, – Қодиров орқа ўриндиқда ўтирган ёш ходимларга қараб қўйди. – У ҳаммаша шунақа ҳар нарсага шубҳа, умидсизлик билан қарайди. Аммо ибрат олса арзийдиган фазилатлари ҳам йўқ эмас. Яхшиси, кузатувчанлик хусусиятларингизни ривожлантиринглар, ҳаммаша синчков бўлинглар. Бу хизмат жараёнида жуда-жуда асқотади. Баъзан айрим майда-чуйда нарсалар бир қарашда аҳамиятсиздек туюлади. Кейинроқ ўйлаб кўрсангиз, айнан ўша «майда-чуйда»лар жиноятни очувчи калит бўлади. Агар Избосаров манзилга тезроқ етиб борса ва бизга керакли хонадонда ҳали тушлик тайёрлашни бошлашмаган бўлишса, бу сўзларим тўғрилигини амалда исботлайман.

* * *

...Эшикни уй бекасининг ўзи очди.

– Яна келишларингизни билардим, – деди у ранг оқариб. – Ўзим олдиларингизга бормоқчи эдим. Бошим оғригани учун тинчлантирувчи дори ичиб, ухлаб қолиман. Киринглар.

Полковник тўғри ошхонага ўтди. Стол устида турган гугурт қутисини очиб, икки дона чўпини олиб, ёш изқуварларга узатди. Улар олтингугурт қопламаси қиртишлаб олинган гугурт чўпларига ҳайрон бўлиб қараб туришди, аммо ҳеч нима дейишмади.

– Майли, кейин тушунтираман, – полковник мийиғида кулиб, уларнинг қўлидаги чўпларни олиб, гугурт қутисига солиб қўйди. – Ҳозир икки-уч холисни бошлаб келинглар.

– Холисларни чақирмай қўя қолинг, – ялинишга тушди Саломат. – Ҳаммасини ўзим айтиб бераман. Эрталаб айтиб бермоқчийдим, фақат қўрқдим.

Кечаси алламаҳал аллақандай маст киши эшигимизни тақиллатганини айтгандим. Қизим қўрқиб, уйғониб кетди. Арслонбекни уйғотди. Бирга қўни-қўшнилари ёрдамга чақира бошладик. Безори бўлса кетай демасди. У дераза томонга ўтди. Ромга суяниб турди. Арслонбек ошхона томонга ўтганини пайқамай қолибман. Бир пайт тақиллаган овоз эшитилди. Ҳалиги маст деразани синдирди, шекилли, деб югуриб борсам, Арслонбек токча ёнида турибди – қўлида мис қувурчадан ўзи ясаган ўйинчоқ тўппонча, учидан тутун чиқаяпти. Дарча очиқ.

«Ойи, маст амакини қўрқитиб қўйдим», деди у мақтаниб. Қарасам безори кўринмади. «Баракалла, илгарироқ шундай қилсанг бўларкан», деб ўғлимнинг бошини силаб қўйдим.

Ҳаммамиз ухлагани ётдик. Аммо қани кўзимга уйқу келса. Ичимда аллақандай безовталиқ. Негадир дераза олдига боргим келаверади. Ниҳоят бориб қарайдим – ҳеч зоғ йўқ. Бирор соатлар ётдим. Барибир, ухлолмадим. Эшикнинг олдига бориб, қулоқ солиб кўрдим – тиқ этган овоз эшитилмайди. Секин ташқарига чиқдим. Қарасам, дераза тагида қора кўланка чўзилиб ётибди. Яқинроқ борсам, не кўз билан кўрайки, бояги маст киши. Ўғлимни қўл фанарини олиб чиқиб, ёқиб қарасам, унинг бўйни шундоқ қон. Аввалига кўзларимга ишонмадим.

«Наҳотки, ўйинчоқ тўппончадан одам ўлдириб бўлса?» деб ўйладим.

Ичкарига кириб ошхонада бирпас ўтирдим. Аъзойи баданим кўрқувдан титрарди. Аксига олиб уйда эрим ҳам йўқ эди. Соатга қарасам иккидан ўтяпти. Яна қўл фонарни олиб ташқарига чиқдим. Ҳалиги кишининг қўлини ушласам – муздай. Оёқ-қўлим қалтираб, ерга ўтириб қолдим. Нима қилишни билмайман.

«Наҳотки эсли-ҳушли, раҳмдил Арслонбегим одам ўлдирган бўлса? Энди унинг тақдири нима бўлади?» дейман. Ҳали вояга етмаганлиги, атайлаб қотиллик қилмаганлиги учун қамалмаслигини биламан. Ахир, у шунчаки кўрқитмоқчи бўлувди-қу. Лекин шундай бўлса ҳам одамларнинг гап-сўзини ўйлайман. Эл оғзига элак тутиб бўлмайди-ку!..

Аёл тўсатдан жим бўлиб қолди. Таскин, тасалли излагандек полковникнинг юзига тикилди. «Балки, ҳолимга раҳми келар», деган ўй хаёлидан ўтди. Кейин тезроқ юрак-бағрини эзиб ётган сирдан қутилиш учун тез-тез гапира бошлади:

– Уйимиз олдида сув тўлдирилган бочка бор. Амаллаб унинг олдида бориб, муздай сувга юз-қўлимни чайдим. Шунда енгил тортгандай бўлдим. Ичкарига кириб, устимга қалинроқ халатимни кийиб чиқдим. Аввалига мурдани шу атрофга кўймоқчи бўлдим. Белкурак билан бир-икки уриндим. Лекин ер тошдай қотиб ётарди. Бунақада эрталабгача ҳам чуқур қазиёлмасдим. Қолаверса, эрталаб туриб буни кўрган одамлар нима деб ўйлайди?

Хуллас, жасадни амаллаб, минг машаққатда катта йўл ёқасидаги ариқчагача судраб бордим. Бошқа кучим қолмагач, ўша ариқча ичига ташладим. Ўпкам оғзимга тикилгудай ҳарсиллардим. Пича ўтириб нафасимни ростладим. Кейин ортимга қайтдим.

Қон изларини йўқотиш учун дераза тагига тупроқ сепдим. Теварак атрофни хаскашлаб чиқдим. Халатимни эски-туски кийимлар турадиган жавонга тиқиб қўйдим. Ҳеч қаеримда қон юқи қолмасин, деб обдон ювиндим. Қарасам, соат олти яримлар бўлибди. Болаларни уйғотиб, наридан-бери нонушта қилдириб, мактабга жўнатдим. Сабаби, милиция сўраб-суриштириб келса, оғзиларидан гуллаб қўйишмасин дедим-да.

Аёл жимиб қолди. Сўнг пиқ-пиқ йиғлашга тушди. Шу пайт деразадан Қодировга таниш машина овози эшитилди. Бу Избосаровнинг эскигина «Жигули»си эди. Полковник машинанинг ичида болалар кўринмаганига қувонди.

Ичкарига кирган Избосаровнинг бир қўлида мис қувурчадан ясалган ўйинчоқ тўппонча, иккинчи қўлида эксперт Одилов кўрсатганга ўхшаган квадрат шаклидаги қўрғошин бўлакчалари бор эди.

Қодиров ёш изқуварларни ёнига чақириб, тушунтира кетди:

– Гугурт чўпларининг олтингугурт қопламалари, яъни «қалпоқчалари» қиртишлаб олинганлигини эрталаб биринчи келишимдаёқ пайқагандим. Аммо аввалига Бахтиёр тигли нарса санчиб ўлдирилган бўлса керак деб ўйладим. Бош суд-тиббиёт эксперти марҳумнинг жароҳати ичидан олинган қўрғошин бўлакчаларини кўрсатиб, унга кучсиз ўқотар қуролдан жароҳат етказилган дегач, «қалпоқча»сиз гугурт чўпларини эслаб қолдим. Демак, кимдир қиртишланган олтингугуртдан порох ўрнида фойдаланган, деган тўхтамга келдим.

Сўнг Избосаровга юзланди:

– Болалар қани?

– Ҳали мактабда. Дарсдан кейин узайтирилган гуруҳда қолишаркан. Кечга томон уйга қайтишади.

– Унда гап бундай: ҳозир Саломат опангнинг кўргазмаларини ёзиб ол, ашёвий далиллар олингани ҳақида да-

лолатнома расмийлаштир. Мен Қорабоевнинг олдига кетдим.

Қодиров ташқарига чиқиб, машинага ўтирди-да, ҳайдовчига:

– Ҳайда тез! Прокуратурага кетдик, – деди. Хаёлида: «Терговчини топиб, бечора аёлга қандай амалий ёрдам бериш мумкинлигини маслаҳатлашиб, сўнг бирга прокурор билан учрашиш керак», деб кейинги ишларни режалаштириб борарди.

Курмизи

олмалар

ҚИРМИЗИ ОЛМАЛАР

Собир Турдиев шаҳарнинг одамлар ҳамиша гавжум бўладиган қисмидаги савдо марказининг маиший техника моллари бўлимида сотувчи бўлиб ишларди. Баланд бўйли, озгин, қорачадан келган, ёқимтой бу йигит савдо марказида ишлайдиган ҳамма қиз-жувонларни яхши танирди. Ширин муомаласи, сўзамоллиги, беғараз ҳазилларию ичакузди ҳангомалари билан ҳамманинг кўнглига йўл топа биларди.

Ўзига эса атир-упа маҳсулотлари бўлимида ишлайдиган Азиза исмли офатижон қиз ёқарди. Аммо қанчалик уринмасин ҳамон бу қизнинг кўнглига йўл тополмасди.

Собир ишга жойлашишдан олдин педагогика институтининг ўзбек филологияси факультетини битирган, лекин қишлоққа қайтиб, мактабда ўқитувчилик қилгиси келмаганди. Биринчидан, амалиёт ўташ даврида ҳозирги болаларга дарс беришнинг ўзи бўлмаслигини англаб етди. Қолаверса, талабалик йиллари шаҳардаги қулайликларга ўрганиб қолди. Шунинг учун мана шу дўконга ишга жойлашди.

Бунга унинг ота-онаси ҳам қарши бўлишмади. Қайтанга: «Ўзинг биласан, болам. Қаерда ўз йўлингни топсанг, ўша ерда яшайвер», деб, шаҳардан унга икки хоналик уй олиб беришди. Аммо Собир уйда кам бўларди. Сабаби, кўп вақти дўконда ўтарди. Кундузи савдо, кечаси эса кунора шу ернинг ўзида қоровуллик қиларди.

Собир бўйдоқ бўлгани, ёлғиз яшагани учун уни биров, нега кеча кечаси келмадинг, бугун нега келдинг, деб тергаб ўтирмасди. Қолаверса, дўконда ҳамма шароит му-

хайё эди. Хоҳласа ўзига овқат пиширади, хоҳласа телевизор, видео кўради. Ҳатто чўмилишнинг ҳам имкони бор.

Хуллас, дўкон Собирнинг иккинчи уйига айланганди. Бўш пайтлари бошқа бўлимларнинг сотувчи қизларига товарларни саралашга, у ёқ-бу ёқни йиғиштиришга кўмаклашарди. Умуман, жамоа аъзолари аҳил-иноқ яшашарди. Баъзан ишдан сўнг ҳамкасбларининг туғилган кунларини савдо марказининг кафесида нишонлашарди. Бошлиқлар бунга қаршилиқ қилишмасди.

Ҳа, савдо маркази ходимлари аҳил оиладек яшашарди. Аммо ҳар қандай оилада бўлганидек, бу жамоада ҳам бир-бирларини ўтқазिशга жой тополмайдиганлар ҳам, унча ёқтирмайдиганлар ҳам бор эди. Баъзиларни ҳамма яхши кўрарди. Айримларга эса ноилоҳ тоқат қилиб юришарди. Собир ҳамманинг меҳри тушган одамлар тоифасига кирарди.

* * *

Навбатдаги дам олиш кунларидан бирида Собир Азизани Анвар Санаевнинг концертига таклиф қилмоқчи бўлди. Савдо маркази ҳар куни ишлагани учун ходимларга дам олиш жадвал асосида галма-гал берилар эди. Шу куни Азизанинг иш смени эди. Собир атир-упалар растасига бориб, Азизага гап отди:

- Яхши қиз, «Фиджи» атиридан бериб юборинг.
- Сир бўлмаса, кимга совға қилмоқчисиз?
- Сизга.
- Қўйсангиз-чи, Собир ака. Тўғри, менга бу атир ёқади. Лекин сиздан бундай қиммат совға қабул қила олмайман.
- Унда бошқа бир саволга жавоб берсангиз. Кечқурун бўшмисиз?
- Эрталабдан бу саволга жавоб бера олмайман. Кечгача худо пошпо. Нима, бирор ёққа таклиф қилмоқчимидингиз? – нозланиб сўради қиз.

– Анвар Санаевнинг концертига иккита чипта олгандим. Бирга тушсак девдим...

Тўғриси айтганда, Азиза бу хонанданинг қўшиқларини яхши кўрарди. Собирни ҳам оз-моз ёқтирарди. Фақат бугун кечқурун автосалонлардан бирининг хўжайини бўлган Адҳам деган таниши уни боулингга таклиф қилганди. Қиз унга ваъда бериб қўйганди. Шунинг учун сиз ҳам, кабоб ҳам куймайдиган йўл тутди.

– Жон деб тушардим, ҳадемай имтиҳон, сессия бошланади. Тайёрланишим керак. Биласиз-ку, университетнинг ҳуқуқшунослик факультетида сиртдан ўқийман.

– Биринчи имтиҳонингиз қайси фандан?

– «Жиноят ҳуқуқи»дан.

Ҳақиқатан ҳам қиз шу фандан имтиҳон топшириши лозим эди. Фақат у имтиҳонга саноқли кунлар қолди, деб алдаганди. Қолаверса, Собир қизга бу фандан тайёрланишга ёрдам беришга ожиз эди. Шунинг учун ноилоҳ хайрлашиб, нонушта қилгани учинчи қаватга кўтарилди.

У бўш жойлардан бирига ўтириб, қаҳва, қуймоқ олиб келишларини буюрди. Шу пайт емакхонага овқатланиш масканлари бўйича менежер бўлиб ишлайдиган Омина кириб келди. У вазифасини аъло даражада уддаларди – ҳали мижозлардан ҳеч ким овқат сифати ёки хизмат кўрсатиш савияси устидан шикоят қилмаганди. Бундан ташқари, ҳамма билан яхши муносабатда бўлар, қўл остидаги ходимларга нисбатан талабчанликни ҳам, ғам-хўрликни ҳам ўрнига қўярди.

Шунча фазилатлари билан Омина узоққа бориши мумкин эди. Фақат битта камчилиги – хушрўй эмасди. Жудаям хунук деб ҳам бўлмасди-ю, ҳар ҳолда йигитларни ўзига тортмасди-да...

Қадди хиёл букилган, ғалатиноқ қадам ташлар, юзи озгин, пича ажин тушган эди. Шу сабабдан бўлса керак, марказда ишлайдиган қизлар уни ўзларига рақиб деб

ҳисоблашмасди. Ақлли, инсофли йигитлар эса унга ачи-нишар эди.

– Ассалому алайкум, Собиржон, – дея Омина йигит-нинг ёнидаги бўш стулга ўтирди. – Ёқимли иштаҳа. Қорин оч қолибди-да?

– Ҳа, бирор жойда тамадди қилиб олиш керак-ку.

– Нега бирор жойда дейсиз, – қиз ёлғондакам хафа бўлгандай кўрсатди ўзини. – Бу ерлар туппа-тузук жой-лар. Овқатлари мазали, нархиям арзон.

– Нима, менга емакхоналарингизни реклама қиляпсиз-ми? – кулди Собир. – Яхшиси, айтинг, нима буюрай?

– Ҳеч нарса егим йўқ. Ошхонага фойда келтириш учун сизни харажатга тушириш ниятим йўқ. Гарчи бу хизмат вазифамга кирса ҳам, – қиз шўх жилмайиб қўйди.

– Нима гаплар? Қандай янгиликлар бор?

– Бугун дам олиш куним. Шундай бўлса ҳам эрталаб бир ишхонадан хабар олиб қўяй, дедим. Бўлмаса кўнглим тинчимайди.

– Хоҳласангиз, кечқурун концертга тушардик, – бу гап Собирнинг оғзидан «лоп» этиб чиқиб кетди.

Қиз қулоқларига ишониб-ишонмай ёки ўйланибми, бир зум жим қолди. Сўнг Собирнинг юзига дадил тикилиб сўради:

– Ростданми?

– Рости. Ишонмасангиз, мана – иккита чипта.

Собир сал бўлмаса «Бекорга биттаси увол бўлиб қоляпти» деб юборарди. Хайриятки, вақтида ўзини тўхта-тиб қолди.

– Раҳмат, майли, – секин жавоб берди қиз. – Қаерда учрашамиз?

– Уйингиз ёнидаги бекатда, кеч соат бешда. Бирор соат шаҳар айланамиз.

– Келишдик.

* * *

Собир кечгача ўзини роса койиди. «Негаям уни концертга таклиф қилдим? Омина энди буни бошқача тушуниши мумкин. Бировни бекорга умидвор қилиб қўйиш ёмон-да». Ростдан ҳам у чипта куйиб кетмасин, деганди, оғос. Бошқа ҳеч қанақа нияти йўқ эди.

Улар кечки соат бешда аҳдлашилган жойда учрашишди. Қиз чиройли, узун кўйлак кийган, сочини бошқача гурмаклатган, ўзига оро бериб олганди. Улар истироҳат ўғида бир оз айланишди. Музқаймоқхўрлик қилишди. Собир ичакузди ҳангомалардан гапириб берди. Қиз азбаройи қаттиқ кулганидан кўзларидан ёш чиқиб кетди. Талабалик йилларини хотирлашди. Маълум бўлишича, Омина номзодлик диссертацияси устида ишлаётган экан.

Омина билан суҳбатлашиш қизиқ эди. Азизани эса фақат пул топишу латта-путталар қизиқтирарди. Омина бўлса ҳамсуҳбатини диққат билан тинглар, унга ҳамдард бўла олар эди. Аммо кўнгил қўйиш учун булар етарли эмас, шекилли.

Шунга қарамай, Собир концертга Омина билан бирга тушганидан хурсанд бўлди. Қиз қўшиқни, мусиқани нозик ҳис қилар экан. Айниқса, муҳаббат ҳақидаги қўшиқларни жуда берилиб эшитди.

Концерт тугагач, хиёбон бўйлаб қайтишаётганда қиз тўсатдан сўраб қолди:

– Кўпинча нимани хоҳлайсиз?

– Кундузлари гўзал қиз билан гулга бурканган олчазорда сайр этишни. Кечалари эса ҳозиргидек концертга тушишни.

– Тўғрисими? – ҳаяжон аралаш сўради қиз.

– Йўғ-э, шунчаки ҳазиллашдим. Тўғриси айтсам, билмадим. Болалигимда бир машина қирмизи олмам бўлишни хоҳлардим. Сабаби, қишлоғимизда фақат бир кишиникида шунақа олма бор эди. Баъзан пайт пойлаб битта-иккита ўғирлаб ердик. Мазаси оғзимизда қолган.

– Ҳозир ҳам қирмизи олмани яхши кўрасизми?

– Ҳа.

– Мен бўлсам ёқтирган одамимга бирор яхшилик қилишни жуда-жуда хоҳлардим, – қиз шундай деб енгил хўрсиниб қўйди.

Шундан сўнг то Оминанинг уйига етгунларича ҳар иккиси ўз хаёлига берилганча жим кетишди.

* * *

Орадан бир неча кун ўтиб, уйига келган Собир йўлакка кириши билан димоғига таниш қирмизи олма ҳиди урилди. Иккинчи қаватга кўтарилиб, хонадонининг эшиги ёнида тўхтаганида олма ҳиди янаям гуркираб кетди. Эшикни очиши билан даҳлизга тахлаб қўйилган олма тўла қутиларга кўзи тушди. Ичкарига кирди, ошхонада ҳам қирмизи олма тўлдирилган қутилар турарди.

Собир аввалига бошқа хонадонга келиб қолдимми, деб ҳам ўйлади. Аммо у ёқ-бу ёққа қараб ўзининг квартираси эканлигига амин бўлди. «Бу кимнинг иши экан?» деб ҳайрон бўлди. Уйнинг калити ўзида ва ота-онасида бор. Улар шаҳарга келишса, одатда аввал унинг олдига – дўконга боришади. Қолаверса, бунча олмани нима қилишади?

Собир ҳаммаёқни айланиб чиқди. Ҳеч нарса йўқолмаганиди. Аслида уйда қўлга илингулик нарса ҳам йўқ эди. У каравотига ўтириб қанча ўйламасин, ўйининг охирига етолмади. Ниҳоят, «Бўларича бўлди» деб ранглари тарам-тарам катта-катта олмани чайиб, қарсиллатиб ейишга тушди...

* * *

Эртаси куни Собир ишга чиқмади. Савдо марказининг бош менежери бунга унча ҳайрон бўлмади. «У ҳеч қачон бесабаб ишга чиқмай қолмайди, мазаси қочгандир-да», деб ўйлади. Тушга яқин савдо марказида шаҳар проку-

ратурасининг қотилликларни фош этиш билан шуғулланувчи терговчиси Одилов пайдо бўлиб, Собир Турдиев ҳақида суриштира бошлагач, уни билганлар хавотирга тушиб қолишди. «Демак, Собир бировни ўлдирган ё уни биров ўлдирган», деб ўйларди ҳамма. Қақажон сотувчи қизлар тез орада терговчидан нима гаплигини билиб олишди. Одиловнинг айтишича, Турдиевни кимдир уйининг йўлагида пичоқлаб, ўлдириб кетибди.

Қўни-қўшнилар Собир уйда кам бўлишини, асосий вақтини ишхонасида ўтказишини айтишгач, терговчи тўғри савдо марказига келаверди. Йўл-йўлакай «Турдиевнинг ўлдирилиши бошлиқларининг ёки ҳамкасбларидан бирининг иши бўлса керак», деган тахминга ҳам борди. Унинг ҳамкасблари ҳам, раҳбарлари ҳам иш бўйича Собирга ҳеч қандай эътироз бўлмаганини тасдиқлашгач, жамоа ҳақидаги дастлабки тахмин пучга чиқди.

Ойни этак билан ёпиб бўлмайти. Терговчи суриштириш жараёнида Собир Азизани яхши кўрганини аниқлади. Бу қизни ундан Собирдан бошқа яна кўп йигитларнинг ёқтириши ҳам маълум бўлди. Сўнгги пайтларда Азизани автосервислардан бирининг хўжайини – Адҳам билан кўришган экан. Одилов икки кўчқорнинг боши бир қозонда қайнамаслигини, рашқ нималарга олиб келиши мумкинлигини иш тажрибасидан яхши биларди. Шунинг учун Азизани сўроқ қилиш чоғида кутилмаган савол билан қизни довдиратиб қўймоқчи бўлди.

– Хўш, Азизахон, юз берган воқеа бўйича қандай тахминингиз бор?

– Нега менинг тахминим бўлиши керак? – саволга савол билан жавоб берди Азиза. – Нима, Собирнинг ўлимига менинг алоқам бор, деб гумон қиляпсизми?

– Бошқаларнинг айтишича, Турдиевнинг сизда кўнгли бўлган экан? – ўсмоқчилаб сўради терговчи.

– Бўлса нима қипти? – кинояли кулимсиради Азиза. – Ўша бошқалар мен унга бефарқ бўлганимни айтишма-

дими? Мени яхши кўрадиганлар кўп, нима, уларнинг ҳаммаси ҳақида ҳамма нарсани билишим керакми?

– Эътирозингиз ўринли, – хижолатомуз илжайди терговчи. – Шундай бўлса ҳам унинг ўлимида ҳеч кимдан гумонсирамайсизми?

– Йўқ, ишхонада Собир ҳеч кимни ранжитмаган. Аммо ишдан бўш пайти нима билан шуғулланганидан хабарим йўқ.

– Дейлик, Турдиев сизнинг хушторларингиздан бирортаси билан ғижиллашиб қолган бўлиши мумкинми? Ахир, улар жиддий, бообрў одамлар-ку.

– Айнан жиддий, бообрў одамлар бўлишгани учун ҳам улар Собир билан ғижиллашиб, ўз обрўларини ерга уриб ўтиришмасди. Айниқса, қотилликка қўл уришмасди. Ахир, одамнинг ақлини киритиб қўйишнинг бундан бошқа ҳам йўллари кўп-ку. Гапим тўғрими?

Одилов қизнинг мантиқан ҳақлигини ич-ичидан тан олди. Шундай бўлса ҳам Азизадан бирор янгиликдан хабар топса, қўнғироқ қилишни илтимос қилди.

* * *

Қотиллик содир бўлган куннинг эртасига Одилов қирмизи олмалар билан жиддий шуғулланишга қарор қилди. Уларнинг уч-тўрттасини портфелига солиб, бозорга бормоқчи бўлди. Негаки, шу бозорда савдо қилувчи, вилоятдан келган, аммо юкини қўйишга жойи бўлмаган савдогарлардан кимдир ўз олмаларини Собирнинг хонадонидан сақлаётган бўлиши мумкин, деб ўйлади.

У Собир яшаган хонадон эшигини қулфлар экан, орқадан кимнингдир ўзига қаттиқ тикилиб турганини ҳис қилди. Ҳақиқатан ҳам янглишмаган экан. Рўпарадаги эшик ланг очиқ, уй остонасида жиккаккина чол терговчини зимдан кузатиб турарди.

– Ассалому алайкум, отахон! – деди терговчи қўлини кўксига қўйиб.

– Ваалайкум салом. Собир сени ҳам ижарага қўйди-ми? – сўради чол.

– Йўқ, нимаиди?

– Унда бировнинг уйида нима қиляпсан? Ҳозир милиция чақираман, – дағдаға қилди чол.

– Мен прокуратураданман, отахон, терговчиман, – кулди Одилов. – Мана ҳужжатим. Нима, Собир бировни ижарага қўйди, деб эшитганмидингиз?

– Эшитишга эшитганим йўғу, ўтган куни қорачадан қелган, баланд бўйли икки киши унинг уйига аллақанча қути қирмизи олма олиб кирганини кўргандим. Сўраганимда, энди шу ерда ижарада турамиз, дейишганди.

– Кейин уларни яна кўрдингизми?

– Йўқ, эртаси куни Собирнинг ўзини кўрдим. Сўрасам, ҳеч қанақа одамни ижарага қўймаганини, олмаларни ким олиб келганига ўзи ҳам ҳайронлигини айтди. Кейин уни йўлакдан чиқаётганида личоқлаб кетишибди деб эшитдим.

– Қизиқ, – бош чайқаб қўйди Одилов – Жуда қизиқ. Раҳмат сизга, амаки. Мабодо, ўша одамларни кўрсангиз танирмидингиз?

– Танийман, болам, танийман. Нима, Собирни ўшалар ўлдириб кетган эканми?

– Қайдам. Аввал уларни топиш, кейин сўроқ қилиш керак.

Одилов отахонга яна бир марта раҳмат айтиб, бозор томон кетди. Мева-чевалар растасига ўтиб, биринчи сотувчидан сўрашдаёқ отахон тасвирлаганга ўхшаган олмафурушлар Собирнинг ўлиmidан бир кун бурун ароқдан заҳарланиб ўлганини эшитди. Суриштириб кўрса, улар ҳақиқатан ҳам қирмизи олма сотишган экан, улардан бирининг акаси шу бозорда қассоб бўлиб ишларкан.

Терговчи вақтни ўтказмай ўша қассобхона томонга ўтди. Бироқ иши бароридан келмади. Қассоблар у суриштирган қассоб укасининг дафн маросимини ўтказга-

ни қишлоғига кетганини айтишди. Одилов гумон қилин-увчининг яшаш манзилини аниқлагач, нима қилишни билмай боши қотиб қолди. Азалик хонадонга бориб мар-ҳумнинг акасини сўроқ қилса қандай бўларкан? Балки, эрта-индин унинг ўзи келиб қолар? Мободо, қочиб кет-са-чи?

Одилов ошхонага кириб, тамадди қилаётганида, уяли телефони жиринглаб қолди. Бўлим бошлиғи қўнғироқ қилаётган экан.

– Акрамжон, савдо марказининг яна бир ходими, аниқ-роғи, Омина исмли менежери ҳаётдан кўз юмибди. У уйда ўлиб ётган экан. Ҳар икки ўлим ўртасида боғлиқлик бўлса керак. Шунинг учун бу иш билан ҳам ўзингиз шу-фулланинг, – деди у.

Бу хабарни эшитиб Одилов негадир енгил тортди. На-зарида сўнгги воқеа ҳаммасига ойдинлик киритадиган-дай туюлди.

* * *

Ўлим юз берган хонадон саранжом-саришта, дид би-лан жиҳозланган эди. Қиз оромкурсида ўтирар, гўёки бир пас нафасини ростламоқчи бўлган-у, сўнг кўзини очол-маган. Олдидаги мўъжазгина шиша столча устида бўш стакан ва бир хатжилд турарди.

– Хат сизнинг номингизга ёзилган экан, – деди тезкор ходим.

– Менинг номимга? – ҳайрон бўлиб сўради Одилов.

– Ҳа, сизга. Шунинг учун очиб ўтирмадик.

Хатжилд устига ҳуснихат билан «Терговчи Одиловга Оминадан» деб ёзилганди. Одилов шошиб уни очиб, хат-ни ўқий бошлади:

«Ҳурматли терговчи Одилов!

Мен содир этган жиноятни деб яна кўплаб одамлар-нинг жабр чекишини истамайман. Шусиз ҳам икки ки-шининг ҳаётига зомин бўлдим.

Ҳа, олмафурушларни (уларнинг исмларини ҳам билмайман) мен ўлдирганман. Бунинг учун кечирим сўраб ўтирмайман. Нега қотилликка қўл урганим сизни қизиқтириши табиий.

Сизга ушбу хатни ёзаётганимнинг сабаби, Собирнинг қотилларини излаётганингизни биламан. Савдо марказида тергов-суриштирув ишлари ўтказиш чоғида марҳумнинг бошқа танишлари ва яқинлари қатори мен билан ҳам суҳбатлашгандингиз. Балки, буни эсламасиз. Қаяқдан ҳам эслардингиз. Азиза бўлганимда бошқа гап эди. Аммо Азиза чиройли бўлгани билан ҳаётда бирор кишига яхшилик қилганмикин?!

Сешанба куни мен бозорга бордим. Ниятим севган йигитим – Собирга бир қути қирмизи олма сотиб олиш эди. Олманинг шунақа навини Собир яхши кўрар экан. Кутилмаган совға қилмоқчи эдим. Олма сотиб турган икки йигит менга эшиттириб: «Вой, мана бу қизнинг тасқаралигини», деб ҳиринглашди. Қиз болага «Аҳмоқсан» дейишса бунчалик оғир ботмас, аммо «хунуксан» десангиз, иззат-нафсига теккан бўласиз. Бу сўз юрак-бағримни ўйиб юборди. Шунинг учун улардан бошлаб ўч олишга қарор қилдим. Яхши гапирдим, бир қути олмани кўтарасига олишимни айтиб, нархини пича туширдим.

Гап орасида улар «Яхши қиз, шу яқин орада олмаларимизни қўйиб туришга жой топилмайдими?» деб сўраб қолишди. Шунда хаёлимга бир фикр келди. «Бир хонадон бор. Бугун эгаси билан гаплашиб, эртага сизларга жавобини айтаман. Олмани ҳам ўшанда пулини бериб, олиб кетаман», дедим. Шу куниёқ Собирни гап билан чалғитиб, чўнтагидан уйининг калитини олиб, нусхасини ясаиб, яна жойига солиб қўйдим. Эртаси куни Собир ишга келганига, кечаси қоровулликда қолишига ишонч ҳосил қилиб, бозорга йўл олдим. Олмафурушларга хонадон эгаси рози бўлиб, уйининг калитини менга берганини айтиб, уларни ишонтирдим. Шундан сўнг олмафу-

рушлардан бири ҳамқишлоғига қўнғироқ қилиб, шу куниёқ олма жўнатиб юборишини айтди. Кечқурунги рейсда келтирилган ўн қутича олмани улар машинага ортиб, Собирнинг уйига олиб келишди. Холис хизматим эвазига бир қути олмани келишилганидан ҳам арзонроққа олиб, ошхонага киритиб қўйдим. Ижара ҳақини ҳафтанинг охирларида беришларига рози бўлдим. Сўнг савдоимиз пишгани учун уларга сумкамдан олдиндан заҳар аралаштирилиб қўйилган арақни чиқариб бердим. Мутахассислигим кимёгар-технолог бўлгани учун бу иш менга ҳеч қандай қийинчилик туғдиргани йўқ.

Улар «Ўғил бола қиз экансиз», деб мен билан қўл бериб хайрлашишди.

«Қачон олма олиш керак бўлса, менга қўнғироқ қиласизлар, келиб эшикни очаман», деб уларга уяли телефон рақамимни бердим. Ичимда эса «Бугуноқ тарракдек қотиб ўлиб қоласизлар, қарабсизларки, ҳамма олма Собирга қолади», деб ўйлардим.

Аmmo калта ўйлаган эканман. Уларнинг ўша бозорда ишлайдиган қассоб акаси ҳам бор экан. Олмафурушлар ароқни ичишдан аввал унинг олдига бориб, олмаларни қаерга қўйишганини айтиб улгуришган экан. Хуллас, укалари ароқдан заҳарланиб ўлиб қолганини кўрган қассоб бу уй эгасининг иши деб ўйлабди. Буни суриштириб кўринг.

Яна нима ҳам дердим. Анави олмафурушларни заҳарлаганимдан заррача ҳам афсусланмайман, уларга ачинмайман ҳам. Фақат бу қилмишим бир софқўнгил, меҳрибон йигитнинг бевақт ўлимига сабаб бўлганидан пушаймонман.

Ўлимим олдидан ягона ўтинчим – тезроқ Собирнинг қотилини топиб, жазосини беринг. Бошқа яшашга кучим ҳам, хоҳишим ҳам йўқ. Алвидо...»

Одилов хатни гўёки бир нафасда ўқиб чиқди. Сўнг аъзойи баданига титроқ кирди. Дераза ёнидаги ойнаванд

жавонга териб қўйилган, турли суюқликлар тўлдирилган шиша идишларни кўриб, қўрқуви баттар ошди. Кейин ўзини қўлга олиб, суд – тиббиёт экспертизасига топшириш учун уларни елим халтачага сола бошлади. Хаёлидан эса «Бугун кечгача кутаман, қассоб қайтиб келмаса, қассобхона билан у ижарада турадиган уй атрофига пистирма қўйиб, ўзим қишлоқдаги уйига бориб келаман», деган ўй ўтди.

КЛАСОС

ЎТИ

ҚАСОС ЎТИ

Иш куни тугаб, аллақачон осмонда юлдузлар жилва қилаётган бўлса-да, ҳамон жамоат транспорти – автобусларда одамлар тирбанд. Шу боис, кўпчилик йўналишли такси тутиш ҳаракатида.

Матлуба билан Нигора йўналишли таксидан тушишганида вақт анча кеч бўлиб қолганди. Бекатда баланд бўйли икки нафар йигит турарди. Атрофни синчковлик билан кузатиб туришларига қараганда, улар кимнидир кутишарди. Улар таксидан тушган қизларни кўриб, ўрниларидан қимирлаб қолдилар. Қизларнинг ортидан бир оқ кузатиб тургач, шошилмай, уларнинг изидан кетишди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, қизлар кирган кўчадан ўқ овози эшитилди. Буни эшитган одамлар тўпланишганида, Матлубанинг мурдаси тепасида сочлари тўзғиган Нигора дағ-дағ титраб, уввос солиб йиғлаб ўтирарди.

Воқеа жойига зудлик билан етиб келган ички ишлар ва прокуратура идоралари ходимлари суриштирув-қидирув ишларини бошлаб юбордилар. Оломон ичидан отилиб чиққан спорт кийимидаги малласоч киши ўзини таништириб, изқуварларга кўрган-билганларини шошилмай, ипидан-игнасигача айтиб берди. Унинг сўзларига қараганда, вақт алламаҳал бўлиб қолгани учун у хотинини кутиб олгани катта кўчага чиққан экан. Шунда новчадан келган икки нотаниш йигитнинг ўзларини тутиши унда шубҳа уйғотибди.

Улар бекатда узоқ туришибди. Аҳён-аҳёнда келиб тўхтаган автотранспорт воситаларидан тушган ҳар бир қиз-жувонларга еб қўйгудек тикилиб, улар кўздан ғойиб бўлгунча, ортларидан қараб қолишаркан. Ниҳоят, Матлуба билан Нигорага кўзлари тушиб, оёғи куйган товукдек типирчилаб қолишибди. Зум ўтмай, қизларнинг ортидан қоронғи кўчага кириб, кўздан йўқолишибди...

* * *

Туманда ушбу жиноятни очиш бўйича шошилинч равишда тезкор гуруҳ тузилди. Унга туман прокуратураси терговчиси Содиқ Раҳимов ва туман ИИБ бошлиғи ўринбосари Мирсовур Мирсоатовлар раҳбар этиб тайинланди.

Прокуратура терговчиси Содиқ Раҳимов воқеа тафсилотлари билан танишиб чиққач, чуқур ўйга толиб қолди. Чунки гумон қилинувчилар сони ҳам, шунга қараб тергов тахмини ҳам тобора ортиб борарди. Аммо бир тўхтама келишга ҳали эрта эди. Суриштирув-қидирув ҳаракатлари давомида мурданинг шахси, яшаш жойи аниқланди. Энди тергов гуруҳи аъзоларининг фикру зикри иккинчи масалага қаратилган: қотил ким? Матлубанинг ўлими нима сабабдан унга керак бўлиб қолди?

Матлуба асли қишлоқда туғилиб ўсган, Асака шаҳрига эса бундан бир йилча олдин кўчиб келиб, автомобилсозлик заводига ишга кирган экан. Аввалига, у заводда оддий фаррош бўлиб фаолият юритган. Ишдан бўш вақтларида йиғув цехидаги устага шогирд тушиб, техника сирларини мукамал эгаллаган. Махсус қабул ҳайъати синовидан муваффақиятли ўтгач, йиғув цехига ишга таклиф қилинган. Ана ўша кезлари заводнинг Тошкентдаги диллерлик дўконидан вакил бўлиб келган Акбар исмли йигит билан танишиб қолади. Бу шўх-шаддод, қувноқ қиз Акбарнинг юрагидан «уриб» қўйди. Шунинг учун Тошкентга қайтгач, у қизга худонинг берган куни кўнғироқ қилиб, ҳол-аҳвол сўраб турадиган бўлди. Ҳатто бир гал ота-онам бўлажак келинларини кўришсин, деб уларни ҳам ўзи билан Асакага олиб борди. Қўҳликкина, очиқ чехрали Матлуба уларга ҳам маъқул келди.

– Дидинг баланд экан, бахтли бўл, ўғлим, – деб отаси елкасига қоқиб қўйди.

Йигитнинг қийнов-қистовига қиз: «Ҳали танишганимизга ҳеч қанча вақт бўлмади, турмуш қуришга бир оз шошилмайлик, бир-биримизни яхшироқ ўрганайлик», деб жавоб қайтарди. Бундан, албатта, йигитнинг кўнгли чўкди.

– Ёки кўнглингизда... – йигитнинг гапи оғзида қолди.
 – Акбар ака, одатда қизлар бирон йигитга « Сиз севаман», деёлмайди. Шарм-ҳаё, ибo бунга йўл қўймади. Лекин, сиз мени гапиришга мажбур қилиясиз... Итимос, бошқа унақа деманг... Хўпми?

– Сиз нима десангиз шу бўлади, – кўнгли тинчланди йигитнинг.

«Балки ота-онаси олдида юзи шувут бўлган Акбар жазустида жиноятга қўл урдимикан?» хаёлидан ўтказди терговчи. Қўни-қўшнилари айтишича, Матлубани қиз ижарада турадиган хонадон яқинида яшайдиган Ботир исми бир йигит ҳам ёқтириб қолган. У ҳарбий хизматга кетгунча қизга соядай эргашиб юраркан, ижарага қўйган уй боқасининг айтишича, унга мактуб йўллаб тураркан.

«Қиз бошқа йигит билан учрашиб юргани Ботирнинг кулогига етиб борган бўлса-чи?! Унда бир йўлини қилиб, Аскага бориб, рашк устида Матлубани ўлдирдимикан? Уни ҳановчадан келган эди, дейишяпти», ўйлаб қолди Раҳимов.

Заводдаги ҳамкасблари Матлубани қўшни цехда чиқанларга бўлиб ишловчи Баҳриддин ҳам севарди, дейишди. Уни икки-уч марта қиз ишлайдиган цехга келганини билмади. Иккови қўш мусичадай, «ку-ку»лашиб турганини кўриб қолган экан, эҳтимол, қотилликни шу йигит содир қилганмикан? Чунки тошкентлик рақиб пайдо бўлганидан у ҳақ хабар топган бўлиши керак-ку!

Терговчи бу тахминларнинг тўғри-нотўғрилигини аниқлашроқ текшириб чиқа бошлади. Акбар ва унинг ота-онаси Матлубанинг ўлимини эшитиб, ҳангу манг бўлиб, ўзларини қўярга жой тополмай қолишди.

– Ўша машъум воқеа содир бўлган кун у менга кўнглироқ қилганди. Ҳатто қаёқдан қуёш чиқди, деб ҳазиллагандим ҳам. Гап орасида ота-онаси турадиган манзилни айтганди. Бу совчи юбораверишимга розилигига шаъма эди, – деди Акбар оғир хўрсиниб, кейин синиқ овозда қўшиб қўйди: – Мабодо, гапимга ишонмасангиз, уяли те

лефон тармоғи орқали текшириб кўришингиз мумкин. Ҳойнаҳой, уларда сўзлашувлар тасмага ёзилиб қолса керак...

Ўзини тутишидан, уяли телефон рақамини беришидан, гапириш оҳангидан, юз-кўзидан Акбарнинг ёлғон гапирмаётганлиги кўриниб турарди...

Ҳарбий қисм командири Ботирни ҳар томонлама ижобий тавсифлади. Штаб бошлиғидан терговга оид маълумотларини суриштиргач, қотиллик юз берган куни Ботир «наряд»да бўлиб, постда турганини аниқлади. Демак, у қотил эмаслиги аниқ эди. Шундай бўлса-да, терговчи йигитнинг ўзи билан юзма-юз гаплашишни лозим топди. Ботир алпқоматли, келишган йигит эди. У гап нимадалигини эшитиб, аввалига ғамгин тортиб қолди. Бир муддат шу алфозда тургач, негадир қулогигача қизариб, чиндан ҳам қизда кўнгли бўлганини, аммо кейинроқ бу ҳолат ўтиб кетганини тан олди.

Баҳридиннинг ҳам ишончли далили бор экан. У ўша оқшом бир танишининг тўйида бўлганлигини айтди. Буни нафақат тўй эгаси, балки яна кўплаб гувоҳлар тасдиқлади. Ҳар ҳолда, бунча киши билан аввалдан келишиб олиш қийин, албатта. Ҳатто ёлғон гувоҳлик бериш жиноий жавобгарликка сабаб бўлиши ҳақида қайта-қайта огоҳлантирилишига қарамай, улар ўз кўргазмаларидан қайтмадилар.

Терговчининг топшириғига кўра, изқуварлар муқаддам қотиллик содир этган, бошқаларга оғир тан жароҳати етказган шахслар билан ҳам қизиқиб кўришди. Теварақ-атрофда бундайлардан уч нафари яшагани маълум бўлди. Улардан икки нафари ҳамон қамоқда жазо муддатини ўтаётган экан. Яна бири эса узоқ туманлардан бирига кўчиб кетгани аниқланди.

Бу орада, Матлубанинг ўлимидан икки ойлар ўтгач, айнан шу заводда ишлайдиган Маҳкамнинг ҳаётига суиқасд қилинди. Воқеа қуйидагича содир этилганди.

Маҳкам тунги сменага бораётганида, атрофга шом чўкиб бўлганди. Аксига олиб, кўчасидаги чироқларнинг бири ёнса, бошқаси ёнмасди. Шу пайт орқадан кимдир югуриб келаёт-

гандай туюлди. Маҳкам ортига ўгиришига улгурмади – биқинига ўткир тиғ санчилди, кейин ўқ овози эшитилди. Кўчанинг нариги тарафида кетаётганлар ўқ овозини эшитиб, югуриб ортларига қайтиб келишди. Кимдир «тез ёрдам» чақирди. Бошқа биров жабрланувчига биринчи ёрдам кўрсатишга ҳаракат қилди. Маҳкамни замбилга ётқизиб, машинага ортаётганларида, у эшитилар-эшитилмас овозда пичирлади: «Бу Тошпўлатнинг иши бўлиши керак».

Терговчи бу жинойт иши билан ҳам қизиқиб қолди. Гап шундаки, Маҳкамни ҳам, Матлубани ҳам битта қўлбола тўппончадан отишганди. Ҳар икковининг ўткир тиғдан олган жароҳатларида ҳам ўхшашлик бор. Шунинг учун Раҳимов Маҳкамни топиб, сўроқ қилди.

«Мени заводимизда чилангар бўлиб ишлайдиган Тошпўлат отган бўлиши керак. Фақат буни терговда исботлашнинг иложи бўлмайди. У терговда ўша оқшом бошқа ерда улфатчиликда бўлганини исботлаб беради. У дастгоҳда ҳар бало яшашни билади. Менга қасд қилишининг сабаби эса, бир пайтлари акаси Мирпўлат билан иккимиз бир қизни – Нигорани севиб қолгандик. Нигора мени танлади. Мирпўлат бунга чидай олмай, бир кечаси Нигоранинг хонасига дераза орқали бостириб кирмоқчи бўлади. Бироқ буни сезиб қолган Нигора кўрққанидан қийқириб юборади. Синглисининг дод-войидан уйғониб кетган акаси – Нейматжон ов милтигини кўтариб, нариги хонадан югуриб келади. Нигора чўчиб кетганидан тили айланмай, дераза томонга ишора қилади. Нейматжон деразадан бошини чиқариб, баланд девор ёнида одам шарпасини кўради. Милтиқни тўғрилаб, ўша томонга қараб ўқ узади. Гарчи, у эҳтиётсизлик орқасидан, мудофаа чегарасидан чиқиб, одам ўлдирганлиги учун қамалган бўлса ҳам, Тошпўлат ҳамон аламзада», деди Маҳкам. Унинг бу гапларини Нигора ҳам тасдиқлади: «Тошпўлатга кўча-кўйда рўбарў келиб қолсам, у менга еб кўйгудек қарайди. Мени кўрарга қўзи, отарга тоши йўқ. Яқинда ярим тунда деразамни аллақим тақиллатгандай бўлди. «Ким у?» деб сўра-

сам, «Деразангни оч, гап бор», деди кимдир. Қўрқиб кетганимдан чоғиб бориб, отамни ётган жойидан уйғотиб чиқдим. «Гапинг бўлса эртага кундузи одамга ўхшаб эшикдан кел», дедилар отам. Шундан сўнг дераза ёнидаги шарпа: «Ҳали кўрасанлар, бир кунмас-бир кун уйларингга ўт қўяман!» деб, дағдаға қилиб девор томонга ўтиб кетди. Отам деразани очиб, дўқ-пўниса қилиб кетган одамнинг орқасидан узоқ қараб турди ва «чақирилмаган меҳмон»ни орқасидан Тошпўлатга ўхшатдилар, яна ким билсин...»

Тошпўлат тергов чоғида Маҳкам билан Нигорага бўлган нафратини яширмади:

– Акамнинг ўлимига иккови ҳам бирдай айбдор, – деди у ғазаб билан. – Аммо мен уларнинг ҳеч бирига суиқасд қилганим йўқ. Маҳкамнинг жонига қасд қилинган кечада мен бир дўстимнинг уйида туғилган кунини нишонлаб ўтирган эдим. Сўзимга ишонмасангиз, ўша ҳолат бўйича қўзғатилган жиноят иши материаллари билан танишиб чиқинг. Яқинда Нигоранинг уйига бостириб кирмоқчи бўлган кимса ҳам мен эмасман. Ўша кеча «Санъат саройи»да бўлган янги фильм премьерасига тушгандим. Хайрият, чиптани ташлаб юбормаган эканман. Адашмасам, ўша чипта ҳам жиноят ишига тиркалган.

* * *

Орадан олти ой ўтган бўлса-да, Матлубанинг қотили ҳамон топилмасди. Ҳамма гувоҳлар жабрланувчилар билан яккама-якка суҳбатлашилди, тахминлар ўрганиб чиқилди, гумондорлар сўроқ қилинди. Аммо натижа чиқмади.

Бу орада – 20 ноябрь куни тунги сменада ишлаётган Нигорани кимдир пичоқлаб кетди. Терговчи Раҳимов мазкур жиноят ишини ҳам ўзига топширилишини прокурордан илтимос қилди. Сабабини ҳар икки қотиллик ўртасида қандайдир боғлиқлик борлиги билан изоҳлади. Прокурор терговчи билан ортиқча савол-жавоб қилиб ўтирмади. Тажрибали терговчининг ички туйғусига негадир

ишонди. Терговчини кузатиб қўяётиб: «Фақат бу жиноят иши ҳам аввалгидай чўзилиб кетмасин-да», деб тайинлаб қўйди, холос.

Раҳимов ишни воқеа тафсилотларини жойига чиқиб синчиклаб ўрганишдан бошлади. Қотиллик юз берган пайтда цехда Нигорадан бошқа ҳеч ким бўлмаган. Шу туфайли, қотилни ҳеч ким кўрмаган. У пайт пойлаб Нигоранинг кўкрагига бир неча марта пичоқ санчган. Дастгоҳларнинг кучли шовқини туфайли қўшни цехда ишлайдиган ишчилар ҳеч қанақа бақир-чақирни эшитишмаган. Фақат ишчи аёллардан бири Нигора ўлдирилган цехдан эгнига кулранг пальто, бошига папоқ кийган киши тез-тез юриб чиқиб кетаётганини орқасидан кўриб қолган, холос. У нотаниш одамнинг бўй-баста, юриштириши ҳақида бошқа ҳеч қандай маълумот беролмади.

Нигоранинг отаси кўзига ёш олиб, ҳеч иккиланмасдан бу қотилликда Тошпўлатни айблади. «Қизимни шу ўлдирилган. Унда алами бор эди. Илгари ҳам у бир неча марта уйга бостириб киришга уринган, куракда турмайдиган сўзлар билан ҳақоратлаб, дўқ-пўписалар қилганди», деди.

Тошпўлатнинг ўзи бўлса, ўша қотиллик содир бўлган куни ишдан кейин улфатлари билан чойхонага бориб, алламаҳалгача чақчақлашиб ўтиришганини айтди. Унинг бу гапини ўша куни у билан бирга бўлган ошналари ҳам, чойхоначи ҳам тасдиқлашди. Хотини билан онаси ҳам ўша куни Тошпўлат уйга кеч соат ўнларда келганини айтишди. «Келиб бир пиёла совуқ чой симирди-ю, ётоққа кириб ухлаб қолди», дея қўшиб қўйди Тошпўлатнинг умр йўлдоши.

Бундан ташқари, Тошпўлат унда ҳеч қачон кулранг кийим бўлмаганини таъкидлади. Ўртоқлари, ҳамкасблари ҳам у одатда қора пальто кийиб юришини тасдиқладилар. Улар фақат ўша куни у ишга айнан қайси уст кийимда келганини аниқ эслашолмади. Тошпўлатнинг оила аъзолари ҳам унинг ҳеч қачон кулранг пальтоси бўлмагани ҳақида кўргазма беришди.

Лекин шунга қарамай, терговчини бошқа бир нарса ҳушёр торттирди. Тошпўлат ҳар бир саволга жавоб беришдан аввал узоқ ўйлар, мулоҳаза юритар, кейин азбаройи ҳаяжонланганидан қалин лабларини тишларди. Раҳимов ҳар эҳтимолга қарши унинг собиқ хотини Гулчеҳрани ҳам сўроқ қилишга қарор қилди. «Балки, ундан масалани оидинлаштирадиган бирор гап чиқиб қолар», дея бир таваккал қилди.

– Биз Тошпўлат ака билан бирга кўп йиллар мобайнида бинойидай яшаб юргандик. У киши менга меҳрибон, ғамхўр эди. Байрамларда, туғилган кунимда менга совға олиб беришни унутмасди. Бир гап рўзғордан ортириб пул йиғиб, қимматбаҳо мўйнали пальто совға қилган эди. Тўғриси айтганда, онамнинг «ғиди-биди»лари туфайли Тошпўлат ака билан ажрашиб кетдик. Онам уйга ҳар келганларида тирноқ остидан кир қидиранди. Жуда гап тополмаса, эримнинг институтда ўқимаганини юзига соларди. «Сиз қизимнинг тенги эмассиз», дерди. Тошпўлат ака онамнинг бу илмоқли гаплардан тоқати тоқ бўлиб, «Унда қизингизни тенгига узатинг!» деб мени уйдан ҳайдаб юборди. Аммо ўзи жуда иродали инсон. Эшитишимча, ҳозир политехника институтида сиртдан таҳсил олаётган экан, – деди у гапига якун ясаб.

– Боя эрингиз пальто совға қилгани ҳақида гапирдингиз. Эрингизнинг кулранг пальтоси бормиди? – деб сўради терговчи.

– Бор эди. Аниқроғи, туғилган куниди ўша кулранг пальтони мен совға қилгандим. Ўша пайтда бундай пальтолар унча қиммат турмаса-да, ёшлар орасида роса русум бўлганди.

Терговчи калаванинг учини топгандай бўлганди. Гулчеҳрадан бошқа ҳеч нимани сўраб ўтирмади, унга кетишга рухсат берди.

Бироқ эртаси куни терговчи Тошпўлатга биринчи хотинининг гапини айтганда, у тўнқадай чўнқайиб, тан олмади: «Бўлмаган гап, янглишяпти, у менга эгнимдаги мана шу пальтони совға қилган», деб гапида қатъий туриб олди.

Содиқ Раҳимовнинг ягона умиди – ўша куни Тошпўлат билан бир сменада, битта цехда ишлаган, ҳозир хизмат сафарида бўлган устадан эди. Ниҳоят, орадан икки кун ўтиб, у хизмат сафаридан келди. Терговчининг саволига у ҳеч иккиланмасдан:

– Ўша куни Тошпўлат эгнига худди меникига ўхшаган, бир пайтлари ёшлар орасида русум бўлган кулранг пальто кийган эди, – деб жавоб қайтарди.

– Шу аниқ эсингиздами? – ўсмоқчилаб сўради терговчи.

– Ҳа, худди кечагидек ёдимда. Ҳатто унга кийиниш хонасида ёнма-ён жойлашган кийим жавонига пальтолари илаётиб, ҳазиллашиб: «Нима бало, менинг пальтомни ўғирлаб олдингми?» деганим ҳам ёдимда.

Ана шу савол-жавобдан сўнг Содиқжон Раҳимов Тошпўлатнинг ҳозирги умр йўлдошини яна сўроққа чақиртирди. Аёл хонага кириб келиши билан терговчи унга руҳий ҳужум қилди:

– Бу қанақаси?! Нега мени алдаяпсиз? Эрингизнинг кулранг пальтоси бўлган экан-ку!

Аёл терговчидан бундай муомалани кутмаган эди, додираб қолди:

– Йўқ, ҳа... бор эди. Фақат... мен уни ҳеч кўрмагандим...

– Эрингиз кийиб юрган кулранг пальтони ҳамкасблари кўришибди-ю, лекин сиз кўрмабсиз-да! Ёлғонни эпласангиз, гапиринг-да!

– Илгарй кўргандим... Ўша оқшом кўрмагандим, демоқчийдим, холос...

– Хўш, саволни такрорлайман! Ўша оқшом эрингиз қанақа кийим-бошда эди?

– Тунда келганида, эгнида умуман пальто, шапка йўқ эди... Менга ишонинг... – аёл бошини аста эгди, йиғлаб юборди. – Ўша куни эрим... тунги соат ўнда эмас, ярим кечаси кириб келди. Бошида на телпак, эгнида на пальто бор эди... Мен қўрқиб кетдим. Нима гаплигини эримдан сўраганимда, йўлтўсарлар пальто билан телпагини тортиб олишганини айтди. Мен: «Жонингиз омон қолгани»

га шуқр. Ұша матоқлар бош-кўзингиздан садақа», дедим. Эрим ўрнига ётаётиб: «Эсингда бўлсин, мабодо, бирор киши сендан сўраб қолса, менинг ҳеч қачон кулранг пальтоим бўлмаган. Тушундингми? Мен бу кеча соат ўнларда келганман», деб тайинлади. Нега бундай деяётганининг сабабини қанча сўрамай, айтмади.

Буларнинг ҳаммаси Содиқнинг гумонини тасдиқлаб турарди. Бироқ бировни айблаш осон эмас. Айбни исботлаш учун инкор этиб бўлмайдиган далил керак. Далил эса тахминларга эмас, ҳақиқатга асосланган бўлади. Тахминлар минг эҳтимолдан бири холос, чунки у тўғри чиқмай қолиши, баъзан алдаши, терговчини сохта йўлга солиб юбориши мумкин. Шунинг учун тахминлар нечоғлик ишончлига ўхшамасин, далиллаштирилмаса, бировни айблашга асос бўлолмайди. Демак, гувоҳлар кўргазмаларини ўрганиш жараёнида ҳар бир деталга алоҳида эътибор бериш лозим. Гумондорни эса қайта сўроққа чақиртириш керак.

Терговчи фурсатни қўлдан бой бермай шу куниёқ Тошпўлат ишлайдиган заводга борди. Баъзи бир муҳим нарсаларни аниқлашни баҳона қилиб, уни машинасига ўтқизиб, прокуратурага олиб келди.

Содиқжон хонасига шиддат билан кирди-ю, гумондорни ўтиришга ҳам таклиф этмай, дабдурустдан сўроқ қила бошлади. Бироқ Тошпўлат анойилардан эмасди, терговчининг саволларига ўргатилган тўтиқушдек нуқул бир гапни такрорларди.

– Билмайман. Танимайман. Мен эмасман. Туҳмат қилиясиз...

Ниҳоят Содиқжон асосий ҳужумга ўтди:

– Хўш, Нигорани ўлдирганингиздан кейин кулранг пальтоингизни қаерга яширдингиз? Пичоқни-чи?

Тошпўлатнинг юраги шув этиб, тиззаларига титроқ кирди. Пойгакдаги стулга беҳол ўтирди. Бирдан кўз олдига Нигоранинг ўша кундаги қиёфаси гавдаланди, қулоғи остида унинг аянчли ингроғи қайта жаранлагандай бўлди.

– Хўш, эсладингизми?

– Нималар деяпсиз... Ҳеч қандай кулранг пальтоим йўқ, – деди Тошпўлат терговчининг ханжардек қадалиб турган кўзларидан яширинишга қудрати етмай, сўнг бошини аста эгди. – Ишонинг...

Терговчи Тошпўлатнинг ёлғон гапираётганидан қанчалик асабийлашмасин, ўзини босди.

– Сизга гувоҳ керакми? – деди қатъият билан. – Қанча гувоҳ керак ўзи?! Агар менинг саволимга жавоб беролмасангиз, унга жавоб берадиган гувоҳлар бор.

Тошпўлат «гувоҳ» сўзини эшитиб, ялт этиб терговчига қаради. Терговчи сўроқни давом эттирди. Кейин ўша ондаёқ тортмасидан гувоҳларнинг сўроқ қайдномаларини олиб, жаҳл билан Тошпўлатнинг олдига ташлади:

– Мана сизга гувоҳларнинг берган кўрғазмалари! Сизга яна қанча гувоҳнинг кўрғазмаси керак?!

Бу гап худди кутилганидек нишонга тегди. Терговчининг мақсади ҳам бир ўқ билан уни даф этишдан иборат эди. У кўпинча шу усулдан фойдаланар, ҳужжатларни тахлаб олиб, гумондорни бир чўқишда доводиратиб қўярди.

Тошпўлат энди бир нарса дейишга ожиз эди. У энди айбини бўйнига олишдан бошқа иложи қолмаганини сезди, шекилли, оғир «уҳ» тортиб, қилган оғир жиноятига иқрор бўлди. Энди унинг овози эзилган, маҳзун чиқарди.

– Аслида уни ўлдирмоқчи эмасдим. Дилимдаги гапларни айтиб, алаимдан чиқмоқчи эдим. Аммо Нигора: «Акангиз қилмишига яраша жазосини олди», деганида асло бунга чидай олмадим. Кўксига пичоқ санчдим. Қиз бир зумда жон берди. Миқ этишга улгурмади. Кийимларимни алмаштириб, тезда заводдан чиқиб кетдим. Уйга қайтаётиб латтага ўраб қўйган пичоқни анҳор соҳилидаги ажриқзорга ташлаб юбордим. Истасангиз, ўша жойни кўрсатаман.

– Гапингизга қараганда, Нигорани ўлдириш ниятингиз бўлмаган, шундайми?

– Ҳа, худди шундай...

– Унда нега ўзингиз билан пичоқ олиб бордингиз?

– Уни рўзгорда ишлатиш учун ишхона дастгоҳида ясагандим. Ўша куни уни уйга олиб кетаётувдим... Шайтон мени йўлдан урди. Қилмишимдан пушаймонман.

Содиқжон шу куни Тошпўлатнинг уйини тинтув қилишга санкция олди. Бундан ички ишлар бўлими ходимларини огоҳлантирди. Сўнгра Тошпўлатни икки қўриқчи билан машинага ўтқазиб, унинг уйига боришди. Йўл-йўлакай анҳор бўйидаги майсазордан латтага ўралган пичоқни, кулранг пальтони топишди. Тезкор ходимлар холислар иштирокида гумондорнинг хонадонида тинтув ўтказдилар. Ертўладаги темир сандиққа яшириб қўйилган қўлбола тўппонча ҳам ашёвий далил сифатида олиниб, экспертизага юборилди.

– Маҳкамни шу тўппончадан ўқ узиб ўлдирмоқчи бўлганмидингиз? – сўради терговчи. Тошпўлат «ҳа» дегандай бош ирғаб қўя қолди. Қурол ва ўқлар борасида сўраганида уларни ўзи ясаганини тан олди.

Содиқжон бу гапларнинг ҳаммасини шошилмай, бирма-бир сўроқ баённомасига киритиб, Тошпўлатга имзо қўйдирди. Кейин уни шаҳар ИИБ ҳибсхона соқчисига топширар экан, Тошпўлатга мурожаат этди:

– Ўзингизни ҳимоя қилиш учун адвокат ёллайсизми ёки давлат ҳисобидан ажратайликми?

Тошпўлат бир зум ўйланиб қолди, сўнг паст овозда:

– Давлат ҳисобидан ўзингиз тавсия этган адвокатни ажратинг, – деди.

* * *

Эртаси куни терговчининг хонасига сўроққа олиб келинган Тошпўлат илтимос билан мурожаат қилди:

– Содиқжон ака, қоғоз билан ручка беринг.

– Нега? – қизиқсинди Содиқжон ҳамма нарсани билиб турса-да, ўзини тийиб:

– Нега Маҳкамнинг жонига қасд қилмоқчи бўлганимни-ю, нега Нигорани ўлдирганимни – ҳамма-ҳаммасини бир бошдан батафсил сизга ёзиб бермоқчиман. Фақат терговни тезроқ тугаллаб, ишни судга оширинг. Сабаби, жуда руҳан эзилиб кетдим, – дея ялинди Тошпўлат.

– Шошилиб қаёққа борасиз? – кесатди терговчи. – У ёқ бориш қочмас... ҳали тугалланмаган бошқа ишлар ҳам бо...

У ўтирган жойида ўнг томонга хиёл эгилиб, деворга қаб қўйилган темир сейфни очди. Ичидан бошқа бир жино ишини олиб, атайин Тошпўлатни кўрсин, деб стол устига унга яқинроқ жойга қўйди. Папканинг устига катта-катта ҳарфлар билан «Матлуба Ҳамроева» деб ёзиб қўйилганди.

Тошпўлат пайт пойлаб стол устига янги қўйилган пап кага кўз қирини ташлади, сўнг уни ҳижжалаб ўқиди. Ни ҳоят, кўзларини катта-катта очиб, терговчига қаттиқ тикилиб қолди. Орадан ўтган икки-уч дақиқа вақт унга би соатдек туюлди. Ниҳоят тилга кирди:

– Бундан ҳам хабарингиз борми?

Содиқжон мийғида кулиб қўйди. Тошпўлат оғир хўрсиниб, деди:

– Бўлди, сиз ютиб чиқдингиз. Ҳаммасини бўйнимга олиб, бир бошдан ёзиб бераман.

– Фақат ёзишдан аввал Матлубани нима сабабдан ўлдирганингизни айтиб беринг. Ўшанда ёнингизда турган одам акангизмиди?

– Ҳа, акам билан бирга эдик... – у ғазаб билан «Бевафо қиз ўлимга лойиқ», – деди. Атрофга шом чўккани учун ҳалиги қизни Нигорага ўхшатибмиз. Янглишганимизни эртаси куни – Нигорани заводда кўргач, билдик. Тез орада шаҳарда Матлуба исмли қизни номаълум кимсалар ўлдириб кетгани ҳақида гап тарқалди.

Содиқжон Матлубанинг жилмайиб тушган суратига тикилди. Ҳақиқатан ҳам унинг юз тузилиши Нигораникига жуда ўхшаб кетарди.

– Демак, бошдаёқ Нигоранинг жонига қасд қилмоқчи бўлгансизлар. Бундан чиқди, ўтган галги учрашувимизда: «У билан гаплашиб олмоқчи эдим» деганингиз ғирт ёлғон экан-да?!

Тошпўлат «ялт» этиб терговчига қаради. Шу топда бу мантиқий саволга нима деб жавоб беришни билмасди. Қолаверса, энди унга барибир эди.

מזל טוב



אמנון

УЧ ТУП АТИРГУЛ

Мастура опа асли тошкентлик. Когонга келин бўлиб тушишнинг тарихи қизиқ. Раҳматли эри Мамат ака абитуриентлик чоғида тақдирнинг тақозоси билан ижарага уй излаб айнан уларнинг хонадонига бош суққан. Учта қизи билан эридан тул қолган Зеби хола тирикчилик ўтказиш, рўзгор тебратиш учун тиним билмас, бозорга хоним, сомса пишириб чиқиб сотар, буюртмага норин тайёрлаб берарди. Кечаси эса кўчанинг нариги бетидаги боғчада қоровуллик қиларди. Лекин, тўғриси, қоровуллик қилгани ижарачи болалардан бирини чиқариб юборарди. Улар Зеби холанинг бу таклифига жон жон деб рози бўлишарди. Албатта, рози бўлишади-да. Бир қоса овқатлари тайёр. Телевизор бор. Дарс қилишга шароит муҳайё. Баъзан, ҳатто ким бугун қоровулликка чиқиши устида йигитлар ўзаро талашиб, баҳслашиб қолишарди.

Ўша кунни Мамат адашиб қолган кўзидек у эшикка-бу эшикка бош суқиб, ниҳоят тақдир эшигини тақиллатди. Зеби хола ҳали гапирмасдан унинг нима учун эшик қоққанини тушуниб етди. Шунча ижарачи сиққан болахонага яна биттаси сиғар, деб дарҳол йигитни ичкарига бошлади.

* * *

Зеби хола ижарада турадиган ҳамма абитуриентлар, талабалардан меҳрини дариг тутмасди. Ўзларига тайёрлаган егуликдан уларга ҳам илинарди. Лекин Маматга меҳри бўлакча эди. Ҳар сафар кириш имтиҳонини топширишга кетаётганда унинг ҳаққига узундан-узоқ дуо қиларди. Яхши баҳо олиб қайтганида лешанасидан ўлиб кўярди. Ким билсин, ана шу дуоларнинг шарофати биланми ёки омади чопибми, билими ўз кучини кўрсатибми, ишқилиб, Мамат тиббиёт институти талабаси бўлди. Ўқишга кирганидан кейин у ерда ижарада яшаб қолди.

Талабалик йиллари ҳам сувдай оқиб ўтди. Бу орада Маматнинг ота-онаси ўғилларининг ҳолидан хабар олгани бир неча марта келиб кетишди. Ҳар сафар Зеби хола уларни қўлидан келганча меҳмон қилди. Бир гал улар Зеби холани қўярда-қўймай Когонга – уйларига олиб кетишди. Бухорони кўрсатишди. Ҳам саёҳат, ҳам зиёрат дегандай, муқаддас қадамжоларни зиёрат қилди. Ким билсин, келиб-кетган пайтлари уларга маъқул бўлиб қолганми, хуллас, ўғиллари ўқишни битиргач, Мастураниям тўй-томоша билан келин қилиб олиб кетишди. Зеби хола кўп томонларини ўйлаб бунга рози бўлди. Биринчидан, Мамат мўмингина йигит эди. Иккинчиси, ота-онаси ҳам оқил, доно, меҳроқибатли одамлар экан. Учинчидан, Мамат оилада ёлғиз ўғил бўлиб, опалари узатилган. Демак, қизи овсинлар савдосидан холи. Уй-жойи ҳам ҳавас қилгудек. Хуллас, тақдир экан-да.

* * *

Мамат билан Мастура қўш кабутардек аҳил-иноқ яшашарди. Қайнота-ю, қайнона ҳам келинларидан рози. Фақат худо уларга фарзанд ато этмади. Маматнинг ўзи шифокор эмасми, кўринмаган шифохоналари қолмади. Армон бўлиб қолмасин деб табибларга, дуохонларга ҳам қаратишди. Лекин фойдаси бўлмади. Ажрашишга эса иккиси ҳам кўнишмади. Шунинг учун ота-онаси Маматга: «Унда опангнинг қизларидан бирини асраб олинглар» деганларида, улар рози бўлишди. Опаларининг ҳар қайсисида ҳам биттадан ўғил бор эди-да.

Фарзайдларнинг ёлғизлиги уларни ҳаётга боғлаб турган эканми, шундан сўнг ота-онаси бирин-кетин бандалиқни бажо этишди. Бу орада Мастуранинг ҳам онаси ҳаётдан кўз юмди. Шундан сўнг эр-хотин бир-бирига қаттиқ суяниб қолдилар. Асраб олган қизлари – Муҳайёга ҳам қаттиқ боғланиб, меҳр қўйишди. У ҳам ҳали тили чиқмасидан асраб олганлари учунми, уларни бинойидай ота, она деб чақирарди.

Мастура вақти-вақти билан Тошкентга – қизлик уйига борганида ҳам тезроқ қайтишга шошарди. Қайнопалариникига меҳмон бўлиб боришса, улар ўтқизгани жой тополмай қолишарди. Хуллас, бухороликка айланди-қолди.

Эрининг топиш-тутиши яхши эди. Ойлик маошидан ташқари ундан шифо топган беморлар кўнглидан чиқариб, рози

қилиб кетишарди. Мастуранинг ўзи ҳам қараб турмасди. Пахта тозалаш заводида ҳисобчи бўлиб ишлар, яна томорқа, мева-чева, мол-ҳол дегандай. Мастуранинг тежамлиги туфайли яп-янги «Матиз» русумли машина сотиб олишди. Турмушлари бир ширин кечаётган эди. Ким билади, кўз тегдими ёки эри дардини яшириб юрар эканми, оила қурганларига 25 йил бўлганда, у ҳам худди онаси каби тул қолди.

Воқеа бундай бўлди. Мамаат бир кун ишдан одатдагидан эртароқ, ранг-рўйи бир аҳволда келди. Муҳайёнинг хавотир аралаш: «Тинчликми?» деган саволига «Чарчабман, шекилли. Пича дам олай» деб ётоққа кириб кетди. Муҳайё ҳаялламай ётоқхонага чой дамлаб кирди. Мастура ишдан келгач, Муҳайёнинг гапини эшитиб, аввалига «Ҳа, бугун касал кўп келган бўлса, чарчагандирлар-да. Пича ухласалар, тиниқиб турадилар, безовта қилмай», деб хотиржам тортди.

Фақат кечки овқат сузиладиган маҳал ҳам эри туравермагач, ичини ит талади. Кириб уйғотса, уйқуси сергак бўлишига қарамай, уйғонавермади. Кўксига қулоқ тутиб кўрса, юраги урмаяпти. Юзини ушласа, тани совиб бўлибди. Шом осудалигини Мастуранинг оҳу-фарёди бузиб юборди.

* * *

Дунёнинг ишлари қизиқ экан-да. Мастура опа ҳозир ўша кунларни худди тушдай ёки кеча кўрган киносидай эслаб ўтирибди. Эри билан иккиси ичкуёв қилиб, уни ўз ўғилларидай кўриб, неваралар даврасида яйраб юришни орзу қилишарди. Афсуски, у кунлар насиб этмади. Раҳматлининг умри қисқа экан. Ҳайҳотдек ҳовлида қизи билан иккиси қолишди. Энди ўзи шундай кунлар келишини кутиб ўтирибди. Муҳайё ҳам йигирма иккига қадам қўйди. Қўшни йигит – Тўймурод билан икковининг бир-бирига кўнгли бордай, шекилли. У тез-тез турли баҳоналар билан ҳовлиларига мўралаб туради, аҳён-аҳёнда томорқаларига қарайди, ўзи Навоийдаги кимё комбинатида ишлайди. Нияти ўша ерда уй-жой қилиш экан. Шуниси Мастура опани ўйлантириб турибди. Эрта-индин қизига оғиз солса, нима деб жавоб беришни билмайди. Муҳайёнинг ўзи ҳам иккиланиб турибди, чоғи. Бир гал уни синаш учун

гап ташлаб кўрганида: «Сизни, бу ҳовли-жойни, қариндош-уруғларни ташлаб қаёққа ҳам кетаман, она. Унингиз уйланса, хотинини Навоийга олиб кетмоқчи-ку! Навоийдан уй олишнинг ўзи бўладими?» деганди.

Мастура меҳнат таътили куни шу хаёллар билан ҳовлида ўтирганида, катта қайнопаси қўнғироқ қилиб қолди. Ҳолаҳвол сўрашишганидан кейин: «Муҳайё бир келиб кетсин, соғинибман» деб қолди. «Хўп бўлади, опагон! Муҳайё ишдан келиши билан иккаламиз борамиз» деди Мастура. Гўшакни қўйиши билан телефон яна жиринглаб қолди.

– Опангизнинг мазаси қочиб қолди, бугун уни касалхонага ётқиздик. Бир келиб кетинг. Кейин армон қилиб юрманг, – деди Тошкентдаги поччаси.

Бу гапни эшитиб, аёлнинг юрак-бағри ўртаниб кетди. Эрта-индин етиб боришини айтди-ю, гўшакни қўйди. Муҳайё ишдан келгач, унга бўлган гапларни айтиб берди.

– Унда сиз бугуноқ йўлга чиқинг. Катта онамларникига ўзим бораман, – деди қизи.

– Қандай бўларкин? Мен ҳам бораман, деб айтиб қўювдим-ку! Хафа бўлмасмикин?!

– Улар бегонамидилар, хафа бўлишса, айтсам, тушунадилар.

– Унда қўшниникига чиқ-чи, Тўймурод уйдамикан. Агар уйда бўлса, мени вокзалга кузатиб қўяр. Тез-тез Навоийга қатнайди. Вокзалда танишлари бўлса, чипта ҳам топиб берар. Мен йўл ҳозирлигини кўрай.

Қолган воқеалар кўз очиб-юмгунча бўлиб ўтди. Тўймурод уйда экан, дарҳол чиқа қолди. Мастура опа сумкасига зарур кийим-кечакларни жойлаб, кийимини алмаштириб олди. Кетиш олдидан узоқ дуо қилди. Кўча эшикдан чиқиш олдидан Муҳайёга:

– Ўзингга эҳтиёт бўл. Мен уч-тўрт кун қолиб кетсам хавотир олма. Ишга кетаётиб чироқларни ўчириш, эшикни қулфлаш эсингдан чиқмасин. Опамларга салом айт. Бу кеча ўшаларникида ётиб қол, – деб тайинлади.

* * *

Орадан бир ҳафта ўтса ҳамки, Мастура опа на қўнғир қилди, на уйга қайтди. Бундан хавотирга тушган Муҳаммад энди Тошкентга сим қоқмоқчи бўлиб турганида, у ёқдан ўзлари қўнғироқ қилиб қолишди. Маълум бўлишича, Мастура опа Тошкентга етиб бормаган эди. Бемор опаси олдидан ўтибди. Шунга хабар бергани қўнғироқ қилишаётган экан. Бу гапни эшитиб, ҳар икки томондагилар ҳам ҳайронга тушдилар. Аксига олиб, Тўймурод Навоийга ишга кирган экан.

Муҳайё қариндошлари билан ўзаро маслаҳатлашувдан кейин шаҳар ички ишлар бўлимига ариза кўтариб борди. Навбатчи ёрдамчиси уни жиноят қидирув бўлими бошлиғининг олдига бошлаб чиқди.

Подполковник Турди Маҳмудов Муҳайёнинг аризасини кўз югуртириб чиққач, унга синчков тикилди:

– Энди ҳаммасини ипидан-игнасигача гапириб беринг-чи.

Муҳайё гапини тугатгач, Турди Исмаатович бир муддат ўйланиб қолди. Сўнг ўсмоқчилаб сўради:

– Тўймурод чипта тополмагани учун Мастура опани провизор билан келишиб, умумий вагонга ўтқазиб юборибдими дег?

– Ҳа, шунақа деган эди.

– Унда гап бундай. Бугун – жума. Тўймурод эртага уйига келса керак. Унгача биз керакли маълумотларни тўплаб тураемиз. Сизлар қўни-қўшниларга лом-мим деманглар. Тўймурод келиши билан менга хабар беринг. Мана телефон рақамларим.

– Нима, сизнингча, Тўймурод ака онамни...

– Мен сизга унақа демадим. Сиз ҳам дарров ёмон фикрга борманг. Лекин ундай эмас ҳам деганим йўқ. Ҳамма гумон, тахминларни бир бошдан текшириб кўрамиз. Тушундингизми? Балки, онангиз йўлда адашиб қолгандирлар. Кексаликда шунақаси ҳам бўлади. Киши хотирасини йўқотиб қўйиши мумкин. Кейин ҳаммасини эслайди. Мастура опа ҳам эртагиндин уйга кириб келиб қолса, ажабмас. Хуллас, ҳамма нарса бўлиши мумкин.

Шундан сўнг подполковник Маҳмудов Муҳайёдан яна аллақанча маълумотларни сўраб-суриштириб, ёзиб олди. Уни кузатиб қўяётиб, яна далда бериб қўйди. Мабодо, бирор қўшимча тафсилот эсига тушса, дарҳол қўнғироқ қилишини тайинлади. Ўзи эса дарҳол вокзал ҳудудини назорат қилувчи ходими – Ҳабибулла Норматовни чақиртирди ва унга вокзалга бориб, ўша куни бошқа вагонларга чипта бўлган-бўлмаганлигини аниқлашни топширди.

* * *

Капитан Ҳабибулла Норматов вокзал маъмуриятидан ўтган ҳафта жума куни Бухоро-Тошкент йўналиши бўйича қатновчи поездга чипта бемалол бўлганини аниқлади. Буни бошқа мутасадди ходимлар ҳам тасдиқлашди. У тегишли расмий маълумотномани ҳам олгач, Муҳайёнинг ишхонасига борди.

Изқувар эзмаланиб сўраб-суриштиравергач, қиз уялганидан қизариб-бўзариб Тўймуроднинг унда кўнгли борлигини айтди.

– Ҳўш, у сизга совчи қўйса, онангиз рози бўлса, унга тегармидингиз? – сўради изқувар.

– Агар Навоийга кетишни шарт қилиб қўймаса, шу ерда яшаб қолса, унда ўйлаб кўрардим.

– Навоийнинг нимаси ёмон? Уйингиздан унча узоқ ҳам эмас.

– Ахир, онамни ёлғиз ташлаб қандай кетаман?

– ~~Ҳмм~~, бу ёғиям бор, – Ҳабибулла Норматов бир зум ўйла-ниб қолди. – Ишингиз қачон тугайди?

– Нима эди?

– Бирга бориб, уйингизни кўздан кечирсак девдим. Агар қарши бўлмасангиз, албатта.

– Бошлиғимиздан сўрасам, жавоб беради.

– Унда шундай қила қолинг.

Муҳайё бошлиғининг олдига кириб чиққач, унинг уйига келишди.

– Ҳовлингиз кенг-мўлгина экан, – деди изқувар кўча эшикдан кириши билан атрофга синчков кўз югуртириб. – Экинларни роса парваришлар экансизлар.

– Бу – Тўймурод аканинг иши. Отам вафот этганидан кейин эркаклар бажарадиган деярли барча иш у кишининг зиммасида.

– Қарши бўлмасангиз, ўзим секин ҳамма ёққа қараб чиқаман. Сиз бемалол ўз юмушларингизни қилаверинг.

– Яхши, унда мен ҳозир чой қўйиб юбораман. Кейин овқатга унайман.

– Мен учун ҳеч нимага овора бўлманг.

– Йўғе, ундай деманг. Кейин анави сигир-бузоқларга ҳам бир нима бермасам, маъраб ҳовлини бошларига кўтаришяпти.

Изқувар дастлаб даҳлиз билан хоналарни қараб чиқди. Шубҳали ҳеч нима топмагач, ошхонага ўтди. Мармар ётқирилган пол чиннидек тоза эди. Кафель ёпиштирилган деворларда ҳам ҳеч қандай шубҳалар доғ кўринмасди. Ҳабибулла идиш-товоқ турадиган жавоннинг тортмаларини очиб кўрди. Негадир стулга чиқиб, жавоннинг устига ҳам қаради. Шунда жавон устида ётган кўзойнакка кўзи тушди. Уни олиб, овқатга уннаётган Муҳайёга кўрсатди:

– Бу онангизникими?

– Муҳайё кўзойнакка қараб аввал ёқасини ушлади, кейин «Вой!» деб ҳолсизланиб ўтириб қолди.

– Онам кўзойнақларини ҳеч қачон ташлаб кетмасдилар. Ўша куни ҳам тақиб олгандилар. Мабодо, эсларидан чиққанда ҳам, жавон тепасига қўймасдилар, – пичирлади Муҳайё.

– Хўп, ўзингизни босинг. Юринг, қоронғи тушмасдан ҳовлини кўздан кечирайлик.

Ҳабибулла ҳовлига чиқиб, бир оз юргач, қиздан сўради:

– Синглим, аввал экин экилган жойларни яхшилаб кўздан кечиринг. – Бирор жойда ўзгариш борми?

Муҳайё аввал помидор эгатларини оралади. Сўнг сабзи жўяқларини кўздан кечирди. Ниҳоят, пиёз экилган жойнинг бир четида тўхтаб:

– Мана бу уч туп атиргул янги ўтқазилган. Ўша куннинг эртасига катта опамларникидан келганимда, кўзим тушувди, Тўймурод акадан сўрасам, бунча пиёзни нима қиласизлар, ҳовлига гул чирой бағишлайди, дегандилар, – деди.

– Яхши, энди ишингизни қилаверинг.

Муҳайё бир нимани сезгандек ортига қараб-қараб ошхона сари йўналди. Ҳабибулла бўлса би-атрофидаги дўшманлардан уч-тўрттасини чақириб чиқиб, атиргул Рўстамов жойни эҳтиёткорлик билан кавлашга тушди. Ҳар гап кетганда рақиблари ерга урганида, у осонгина ботиб кетарди. Бир вақт белкурак юмшоқ нарсага теккандай бўлди. Ҳабибулла чуқури тушиб, тупроқни қўллари билан шошиб четга сура бошлади. Тупроқ остида аёллар сумкаси кўринганида, холислар овоз чиқариб юбордилар. Сумкани олганида, аёл кишининг юзи кўринди. Кимдир бақириб юборди. Буни эшитиб, Муҳайё югуриб келди. Ўрага қараб, нима гаплигини тушунгач: «Опажон!» деб, қўшни аёлни қучоқлаб олди.

* * *

Эртаси куни Навоийдан келган Тўймурод вокзалдаёқ ҳибсга олинди. У дастлабки суриштирув чоғидаёқ айбига иқрор бўлди. Қотилликдан икки мақсадни кўзлаганини яшириб ўтирмади. Биринчидан, шунда Муҳайё Навоийга кетишга кўнади, деб ўйлаган. Иккинчидан, бу ердаги ҳовли-жойни сотишса, Навоийдан уй сотиб олиш осон бўлади, деб мўлжаллаган.

Ўша машғум кун вокзалга боришаётиб, Тўймурод анчадан буён режалаштириб юрган қабиҳ ишини амалга ошириш учун қулай фурсат келганини сизди. Сабаби, Мастура опа бир неча кунга сафарга чиқаётганди. Бунинг устига, Муҳайё ҳам меҳмонга кетяпти. Демак, ҳовлида ҳеч ким бўлмайди. У бир баҳона билан Мастура опани уйга қайтариб олиб келса бас. Уни «тинчитиш» қийин иш эмас. Ҳовли кенг, бир четида мурдани кўмиб юбориш учун жой топилади.

Шу хаёллар билан вокзалга етиб келгач, у Мастура хола-ни кутиш хонасидаги ўриндиққа ўтқизиб, паспорти билан пулини олди-да, чипта харид қилишни баҳонасида нариги залга ўтиб кетди. Ярим соатлардан кейин қайтиб келиб, чипта қолмаганини айтди.

– Йўлда кўп юрасан-ку! Бирорта проводник билан гаплаш. Уч-тўрт сўм кўпроқ берсанг, битта жой топиб берар, – сўради Мастура опа.

– Э-э, хола, буларниям йўлда текшириб қолишлари мумкин. Кейин сизни бирорта бекатда тушириб юборишса, нима қиласиз?

– Бу гапинг ҳам тўғри. Ҳай, майли, бир кеча минг кеча эмас. Эртага кечки поездга чипта ол.

– Кечки поездни нима қиласиз? Эрталаб тезюрар поездга ўтқизиб юбораман. Тушдан кейин Тошкентда бўласиз. Чипта гаплашиб қўйдим. Эрталаб келиб оламиз.

– Э, барака топ, болам. Кўча кўрган йигитсан-да! Шу Навойга кетиш фикрини каллангдан чиқариб ташлаганингиз. сени ўзим куёв қилардим.

Тўймурод бу гапга кулиб қўйди.


– Ҳа, нега куласан? Тагин, кулиб-кулиб Муҳайёдан қуруқ қолма!

– Унақа деманг, хола.

– Тўғрисиям шу-да. Қизимнинг бўйи етиб қолди. Эшигимдан совчиларнинг кети узилмаяпти. Тенгини топсанг текин бер, дейишган экан, бу гапларимни яхшилаб ўйлаб кўр, болам.

Тўймурод бошқа индамади. Фақат бояги қарори янаям қатъийлашди. Уйга қайтишгач, Мастура опа чой қўйиш учун аввал ошхонага кирди. Тўймурод унинг нарсалари жойланган сумкани хонанинг бир четига қўяркан, кўзи девор тагидаги тешага тушди. Уни қандай олиб, қай тарзда Мастура опанинг бошига туширганини ўзи ҳам билмай қолди. Аёл овоз ҳам чиқармасдан полга кулади. Тўймурод югуриб бориб кўча эшикни қулфлади. Сўнг ошхонанинг чирогини ўчириб, пиёз экилган жойнинг бир чеккасидан ўра қазишга тушди...

...Жасадни кўмиб, полни артиш учун ошхонага кирганида, Мастура опанинг ерда ётган кўзойнагини кўриб қолдию, уни беихтиёр идиш-товоқ қўйиладиган жавон тепасига отиб юборди. Сўнг газни ёқиб, унинг ёруғида полни, деворларни артиб чиқди. Латтани ҳожатхона ўрасига ташлаб юборди...



СОХИЛАДГУ
ҚОТИАЛИК

СОҲИЛДАГИ ҚОТИЛЛИК

СИРЛИ КҶК «ЖИГУЛИ»

Кеч куз. Атрофда шамолга мингашган мезонлар кезади. Уфққа туташиб кетган поёнсиз далаларда эртанги бугдойнинг эндигона ниш урган майсалари кўзга ташланади. Аччиқ изғирин чийиллаган овоз чиқариб атрофга ваҳима солади. Бугдойзорга яқин ўрнатилган йўл-патруль хизмати масканида навбатчилик қилаётган Абдурахмон Аҳмаджонов катта тезликда келаётган кўк «Жигули»ни кўриб, ташқарига чиқди. У шамол бошидан юлқалаётган фуражкасини чап қўли билан босганича шлагбаум ёнига борди-да, ҳайдовчига «тўхта!» ишорасини қилди.

Машина секинлаб тўхтади. Аҳмаджонов ҳар эҳтимолга қарши қатновни вақтинча тўхтатиб, кўтарма ғовни пастга тушириб қўйди. Бундан ҳайдовчининг авзойи бузилиб, машинадан тушди-да, инспекторнинг қаршисига юрди.

– Қани, ҳужжатларни кўрсатинг, – деди Аҳмаджонов қоидага кўра қўлини чеккасига қўйиб ўзини таништирар экан.

– Мана, марҳамат, – ҳайдовчи ён чўнтагидан паспортини олиб узатди.

– Ҳм-м... Аброров Рашид, – дея паст овозда шивирлади Аҳмаджонов паспортни синчиклаб кўздан кечираркан.

– Машинанинг ҳужжати, ҳайдовчилик гувоҳномангиз қани?

Рашид икки қўлини чўнтақларига солиб ниманидир қидирган бўлди.

– Уйда қолдирибман, шекилли, – деди бироздан сўнг айбдорона жовдираб. – Буёғини келишайлик, рози қиламан, ака.

– Машина сизникими ўзи?!

– Ҳа.

– Унда нега ҳужжатлари йўқ.

– Айтяпман-ку, уйда қолибди деб, келинг, ака, хизматдан гапиринг. Рози қиламан.

– Ҳужжатларингиз йўқ экан, бунинг устига, нега катта тезликда келяпсиз?

Ҳайдовчи ер чизиб, лом-мим демади.

– Қани, буёққа юринг-чи! – Аҳмаджонов Рашидни хонасига бошлади. Хона кенг ва ёруғ, дераза ёнига битта стол ва иккита стул қўйилган эди. Аҳмаджонов Рашидни стулга ўтқазиб, столга бир варақ тоса қочмас қўлди.

– Қаердан келяпсиз, қаерга кетилдинг, шундан қўлингизни тафсил ёзиб беринг.

– Ўртоқ, командир, расмиятчилар қўлингизни келишиб қўя қолайлик. Хўш, қанча сўрайсангиз...

Аҳмаджонов ҳайдовчининг гапидан қанчалик қўлингизни чиқмасин, сир бой бермай босиқлик билан гапидан давом этди:

– Аввал баъзи нарсаларга ойдинлик киритиб олайлик. Келишиш бўлса қочмас.

Рашид қўлига ручка олиб, бир сония иккиланиб турди-да, ёзишга киришди.

– Сиз ёзиб туринг, ман ҳозир... – дея Абдурахмон шеригини имлаб ташқарига чақирди.

– Сен машинадаги йўловчиларнинг ҳужжатларини текшир.

Фозил чиқиб, машинада ўтирган Миракмал, Олим ва Акбарларни бирин-кетин бошлаб кирди. Уларни кираверишдаги хонада қолдириб, ўзи Абдурахмонни четга олиб чиқди-да, қулоғига пичирлади:

– Ҳайдовчининг шериклари наша чекиб олишганга ўхшайди.

– Буни қаердан билдинг?

– Кўзларига қаранг, худди кечаси ухламаган одамдек қип-қизариб кетган, қиртайган, гапирсангиз, гўё карахт одамдек муомала қилишяпти.

– Менинг гумоним, машинани ўғирлашган, кеча худди шу машинада учта кексароқ одам Сирдарё томонга ўтган эди, назаримда. Ўшалар ҳали қайтганлари йўғ-ов.

Фозил машинадагиларни гап билан чалғитиб турди, Аҳмаджонов эса бу орада бўлимга қўнғироқ қилиб, тафсилотни баён этди. Орадан йигирма дақиқа ҳам ўтмай тезкор гуруҳ етиб келди. Дастлабки суриштирувда Акбар илгари наша билан савдо қилгани учун қўлга тушиб, қамалиб чиққани аён бўлди.

Дарҳол текширув бошланди.

ҲОРИШМАГАН БАЛИҚ ОВИ

...Нафақадорлар Жўра ака, Исоқ ака ва Анатолийларнинг энг яхши кўрган машғулотлари балиқ ови эди. Сирдарё узоқлигига қарамай, улар имкон тоғмилиши билан овга жўнардилар. Навбатдаги шанба куни тўпланишиб, яна йўлга отланишди. Оқ бинолар, сершовқин кўчалар бир зумда ортда қолди. Улар йўл юрса ҳам мўл юриб, бепоён тўқайзор-яйлов бағрини тилиб ўтган дарё бўйига чиқишди.

Мана, ўзларига қадрдон бўлиб қолган дарё бўйи. Икки томони одам бўйи қамишзор. Машина овозидан тўда-тўда қушлар «дув» этиб осмонга кўтарилди. Сарғиш сув буралиб-буралиб, оҳиста солланиб оқяпти. Яқинда ёғиб ўтган биринчи қор аялақачон эриб кетган, ер лой. Соҳилга яқин, очиқ майдонга эски вагон-уй ўрнатилган бўлиб, унда кўпдан буён Рашид исмли йигит яшаб келарди.

Рашид узоқдан машинани кўриб, вагон-уй зинасига чиқди ва эски танишларини қучоқ очиб кутиб олди:

– Э, келинлар!

Машина вагон-уй қаршисига келиб тўхтади, ундан бирин-кетин кекса овчилар пастга тушиб, Рашид билан қуюқ кўришдилар.

– Қалай, болакай! – деб ҳол-аҳвол сўради Анатолий ўзига аллақачон қадрдон бўлиб қолган Рашидни бағрига босиб. – Ишларинг яхшими?

– Ёмонмас, – деди Рашид қувончини ичига сиғдиролмамай, – қани, ичкарига кириңлар, марҳамат! Бир пиёла чойим бор.

• – Кейинроқ, – деди Жўра ака, – озгина тоза ҳаводан нафас олайлик. Кейин бир гап бўлар.

– Шунча жойдан келдик, – уни қувватлади Исоқ ака. – Сал оёқларимизнинг чигалини ёзайлик. Меҳмондорчилик қочмас, Рашиджон!

Уч оғайни ҳамиша тўхтайдиган жойлари – тарвақайлаган тол тагида брезент халталарини очиб, қармоқларини олиб, дарёга ташладилар. Дастурхон ёзиб, топган-тутганларини ўртага қўйгач, Рашидни давраларига таклиф қилдилар.

Рашид тайинли бирор жойда ишламас, топганини еб-ичиб, бамисоли жониворлардек ҳаёт кечирарди. У ҳатто қамоқхона тупроғини ялашга ҳам улгурган ва сўнгги йилларда одамлар кўзидан йироқларда яшар, асосан дарёдан балиқ овлаб, сотиб кун кўрарди.

У «қиттай-қиттай»дан димоғи чоғ бўлиб, вагон-уйга қайтиб кирди. Хона чоғроққина, рўпарада – бурчакда тунука печка ловуллаб турарди. Шифтга осилган чироқ хонани хира ёритар, улфатларнинг базми жамшиди қизигандан-қизиб борарди.

– Рашид қаёқларда юрибсан? – деб сўради печкага яқин қўйилган танчада ястаниб ўтирган Акбар.

– Меҳмонлар келишди, озгина суҳбатларини олдим, – деди Рашид печкага қўлларини тоблаб, бироз исигач, кафтларини бир-бирига ишқай-ишқай гапида давом этди: – Зап отажонларим бор-да, ёшлари етмишни қоралаган бўлса-да, ҳали қирчиллама йигитлардек бақувват! Ичиш-даям йигитларни ортда қолдиришади. Уларнинг машина бошқаришини кўрсанг, ёқа ушлайсан!

Наша кайфидан кўзлари пирпираётган Миракмал лабини ялаб деди:

– Шу чолларда бор машина биздай йигитларда йўғ-а?!

– Бундай ноҳақликка чидаб бўладими? – деди кўзлари ҳамма вақт жавдираб турадиган Олим. – Тақдирнинг бу хатосини тўғрилаш керак. Чолларга ким қўйибди машинани? Э, уйларингда ўтирмайсанларми қисиб...

Кутилмаган гапдан Акбарнинг кайфи учиб, жонланиб қолди: худди осмондан муллажиринг тушадигандек қўлларини бир-бирига ишқади, кейин қизишиб деди:

– Шартга учовини ўлдириб, сувга отамиз, тамом-вассалом, машина бизники!

– Кейин нима бўлади? – сўради Рашид ҳовлиқиб.

– Сотамиз.

– Қанчага олишади?

Акбар ўрнидан сакраб туриб хитоб қилди:

– Бир миллионга!..

Улфатлар ўсмоқчилаб бир-бирларига қарадилар, мияларида «Бир миллион!» ибораси чарх ура бошлади. Бу эса маслаҳат пишди, дегани эди.

– Чолларни қандай қилиб ўлдираамиз? – деб сўради Рашид улфатларига синчков тикилиб. – Улар мушук боласи эмаски, ушлаган жойингда бўғизлаб ташлайверсанг?! Бу ишда пухта ўйланган режа керак...

Уч улфат аллавақтгача тортиша-тортиша чолларни ўлдириб, машинани қўлга киритиш режасини туздилар.

– Мен ҳув анови озгинини тинчитаман, – деди Миракмал Исоқ акани кўрсатиб. – Пичоқ билан, албатта.

– Мен унинг ёнидагисини йўқ қиламан, – деди Акбар Жўра акага ишора қилиб. – Уни қандай тинчитишни ўзимга қўйиб берасизлар.

– Малласочи бизники экан-да, – дея Рашид ўрнидан туриб, кичкина деразадан-қариялар томонга тикилди. Бу пайтда чоллар лаш-лушларини йиғиштираётган эдилар.

– Ие, кетишмоқчи шекилли, у ҳумпар чоллар.

Бошқалар ҳам вагоннинг кичкина деразасига ёпирил-
лишди. Ростдан ҳам чоллар йўлга чиқиш учун тараддуд
кўришаётганди.

– Қандай бўлмасин уларни қайтариш зарур, – деди
Акбар ҳовлиқиб, – Рашид, бор, сенинг танишларинг-ку!
Учовини ҳар томонга олиб кетиб, битта-битта тинчитиш
керак, тушундингми?

Рашид бош қимирлатиб, чолларнинг ёнига кетди.

ФИТНА

– Ҳа, болакай, меҳмонларинг бор экан-да, – деди Ана-
толий бобо сафар халтасига нарсаларни жойлаштираркан.

– Шаҳарлик оғайниларим балиқхўрликка келишган-
ди, – унинг гапини тасдиқлади Рашид. – Бугун бизнинг
ҳам овимиз юришмади. Нима, уйга кетаяпсизларми?

– Ҳа, бекор ўтиришдан нима фойда, – деди Жўра ака.
– Бу ердан балиқ қочибди, шекилли.

Рашид тиржайиб, унинг ўнг елкасига шапатилади:

– Бир марта ов ўнгидан келмаса, шунча аразми? Ўзин-
гиз яхши биласиз, балиқчи сабр-тоқатли бўлиши керак.
Муҳими, жой танлай билиш-да! Ов бароридан келмаса,
қуруқ қўл билан қандай қилиб уйга кириб борасизлар?
Уйдагилар нима дейди? Истасанглар балиқнинг конига
олиб бораман. Қопларингга сиғмай кетади. Фақат бу-
гун кеч бўлди. Ўша жойни эрталаб кўрсатаман.

Рашиднинг гапига чиппа-чин ишонган балиқчи чол-
лар ўзаро маслаҳатлашиб, бу кеча соҳил бўйида қолиш-
га қарор қилдилар.

– Қўймадинг, қўймадинг-да, – деди Жўра ака сафар
халтасини елкасидан оларкан. – Лекин сенинг гапинг ҳам
тўғри. Шунча йўл босиб келиб, балиқ билан қайтмас-
лик, чиндан ҳам уйдагилар нима дейишади?

– Келинойим балиққа деб «налево»га бориб кепсиз-
да, чол, десалар, неча пуллик одам бўласиз, тоға?! – ҳазил-
лашди Рашид.

Ўртада бегубор кулги кўтарилди.

– Бу ёғини ўйламабман! – деди Жўра ака кулгидан ўзини зўрға тўхтатиб. – Бир иш қилганда ҳар томонини ўйлаш керак, деганлари тўғри-да.

Чолларнинг эти жунжикиб, совқота бошладилар. Чакмонларининг ёқаларини кўтариб, бошларини ичига суқиб олдилар.

– Қарилик қурсин, салгина зах, совуқ ҳам суяк-суягимга ўтиб кетади, – деди Жўра ака Анатолийга қараб. Сал ўтмай бир қучоқ ўтин кўтариб келди ва хас-чўпларни бир жойга тўплаб, гугурт чақди. Қинғир-қийшиқ шохшаббалар бир зумда гуриллаб ёниб, учқунлари чирсиллай бошлади. Тўртовлон ҳузурбахш гулхан атрофида чордона қурдилар. Аланга совқотган мушакларни бўшаштирди. Рашид нам тортган этигини ечиб, тагини оловга қаратиб қўйди. Жонга роҳат бахш этувчи иссиқлик танларига югуриб, уйқу элита бошлади.

Кўп ўтмай гулхан атрофига Рашиднинг шаҳарлик оғайнилари ҳам келиб қўшилдилар. Суҳбат айни авжга чиққанда Рашид гулханга ўтин ташлаб боядан бери индамай ўтирган Анатолийга мурожаат этди:

– Юринг, отахон, қайиқда биз қўйган тўрларни текшириб келамиз.

Оқиш сочлари ҳар томонга тўзиб кетган Анатолий ҳеч нарсадан шубҳаланмай аста ўрнидан турди. Чол афтидан собиқ ҳарбий бўлса керак, ёшига номуносиб шаҳдам қадамлар билан Рашиднинг ортидан эргашди. Чол ўтирган қайиқ қирғоқдан узоқлашиши билан Миракмал билан Олим Исоқ аканинг ёнига келишди.

– Амаки, гап бор эди, бу ёққа юринг, – Миракмал Исоқ акани гапга солиб, секин-аста соҳил бўйлаб олиб кета бошлади.

Ёлғиз қолган Жўра ака туман ўралган дарё қирғоғида узоқ сайр қилиб юрди. Қайтаётганида юрагига ғулу, вунга ларза солувчи аянчли таниш овозни эшитган-

дай бўлди. Дарё тўлқинларига қараб чуқур хўрсинди. Бу хўрсиниқ дарё тубидан эшитилгандек бўлди, гўё. Чолнинг кўнгли мудҳиш бир нарсани сезиб, ёнида дафъатан пайдо бўлган Акбардан сўради:

– Менинг шерикларим қани?

Миракбар жавоб бериш ўрнига бепарво қўл силтади. Кейин тузоққа илинган ўлжасини чиқариб юборишдан қўрққан овчидек чолнинг елкасидан маҳкам қучоқлаганича ёнғоқ дарахти томонга бошлаб кетди. Бу пайтда Исоқ ака қандай аҳволга тушганини ҳеч ким билмайди.

Исоқ ака Миракмал билан соҳил бўйлаб ёнма-ён бораркан. Олим пайт пойлаб чолнинг бошига япалоқ тош билан урди. Исоқ ака овоз чиқаришга ҳам улгурмай ёнбошга йиқилди. Улар чолнинг кўкрагига, қорнига, биқинига аёвсиз тепа бошладилар. Охири Исоқ ака жон таслим қилди. Шундан сўнг одамкушлар орқага – Жўра аканинг олдига қайтдилар. Уч улфатнинг ўзи томонга бостириб келаётганидан хавотирга тушган Жўра ака қочмоқчи бўлиб югуриб кетди. Лекин кекса одамга уч барзанги бир пасда етиб олишди. Йўнғичқанинг ёмғирда мулойим тортган калта-калта поялари устига қоқилиб йиқилди. Учовлон қарияни роса калтаклаб тепкилашди. Жўра ака чалқанчасига йиқилгач, Акмал унинг ўлганига ишонч ҳосил қилиш учун кўкрагига зарб билан темир ломни санчди ва уни бураб-бураб олди. Лом қариянинг жонсиз танасини тешиб ўтиб, ерга санчилди.

Шундан кейин қутурган газандалар Анатолийни қидириб кетдилар. Малласоч чолни Рашид «тинчители» керак эди. Рашиднинг ёнига ёрдамчилар вақтида етиб боришди. Бу орада Рашид Анатолийга қараб деди:

– Оқимнинг тезлигини қаранг, қайиқни бошқариш қийин. Хув анави қўшчинорнинг ёнига бориб туринг. Мен қайиқни маҳкамлаб, орқангиздан етиб бораман.

Чол лойга бота-бота Рашид кўрсатган томонга юрди. Атрофни кузатиб уни кута бошлади. Ана шу пайтда

Олим чолнинг орқасида пайдо бўлиб, бошига тўмтоқ нарса билан туширди. Чол ерга ағдарилди.

Яқиндагина балиқлар тўғрисида тўлқинланиб суҳбатлашиб ўтирган уч қариянинг мурдаси уч жойда чўзилиб ётар, эсаётган изғирин шамол уларнинг сийрак сочларини юлқиб, ўйнар эди. Чолларнинг гуноҳи – фақат одамларга ишонувчанликларида эди, холос.

Ваҳшийлар ўйлаган режаларининг иккинчи босқичини амалга оширишга киришдилар, энди жиноят изларини яширишлари керак эди.

Қопга қум солиб, уни Исоқ аканинг мурдасига боғладилар. Буралиб оқаётган сув мурдани ўз бағрига олди. Иккинчи мурдани соҳилга боғлаб қўйилган қайиққа ётқиздилар. Қайиқни эса сув оқимиغا солиб, ўзлари орқага қайтишди.

Учинчи мурда жуда оғир бўлгани учун уни судраш қийин кечди. Мурдани бир амаллаб қияликдаги қалин қамишзорга олиб боришди, юлғунлар орасига ётқизиб, устига қум, хас-хазон ташлашди. Қотилликка «гувоҳ бўлган» вагон-уйчага эса ўт қўйдилар.

Ниҳоят, кўнгиллари сал тинчиб, у ёқ-буёқларини тартибга келтиришди. Кўп ўтмай чолларнинг машинасига ўтириб, йўлга чиқишди. «Ўлжа»ни қўлга киритганларидан уларнинг бошлари осмон эди...

ЙЎҚОЛГАН ҚАЙИҚНИ ИЗЛАБ...

...Ҳамиджон эрта тонгда тўнини елкасига илиб оқшом қўйган тўридан хабар олгани дарё ёқасига борди. Қараса, кеча оқшом соҳилдаги дарахтга боғлаб қўйган қайиғи йўқ. Зир югуриб атрофни кўздан кечириб чиқди. Аммо уни излаб, тополмади. Кейин тепаликка кўтарилиб, ёнбошида беҳи дарахти ўсиб ётган кўк рангли темир дарвозани тақиллатди. Бироздан сўнг ичкаридан Султоқ аканинг «Ки-им?» деган дўриллаган овози эшитилди.

– Бу мен – Ҳамидман!

Эшикни ёноқлари кенг, бети қип-қизил, ёши олтмишлардан ошган, паст бўйли мўйсафид очди. Салом-алиқдан сўнг Ҳамидни ичкарига таклиф этди:

– Кир уйга, чой тайёр!

– Раҳмат, Султон ака, – деди Ҳамид миннатдорчилик билдириб. – Бир юмуш билан олдингизга келгандим. Иложи бўлса, ёрдам берсангиз...

– Бажонидил. Биласан, қўлимдан келса, ҳеч кимдан ёрдамимни аямайман.

– Кеча оқшом қайиғимни қирғоқдаги дарахтга боғлаб қўйгандим. Тунда уни кимдир олиб кетибди. Шунга қайиғингизда қайиқни излаб кўрсам дедим.

– Гап бўлиши мумкин эмас, ука! – деди Султон ака самимий оҳангда. – Энди гап бундай, сен бир оз сабр қилиб тур, мен уйга кириб, кийиниб чиқаман. Кейин бирга излаймиз. Хўпми, ука?

– Раҳмат, умрингиздан барака топинг, – деди Ҳамид қувончини яширолмай, – йўқ демаслигингизни билардим.

Орадан кўп ўтмай Султон ака остонада пайдо бўлди. Икковлон ёнма-ён соҳил томон кетишди.

Қайиқнинг эшкаклари ғирчиллади, тинчи бузилган сув гўё жаҳли чиққандек ғулдиради. Дарё соҳилидаги дарахтларнинг барглари аллақачон тўкилган, уларнинг танази анча букилган бўлса-да, кучли оқимда қимир этмай турарди. Эшкаклар остида кумушсимоғ сув шовқини эшитилади, холос. Соҳил эса аста-секин орқада қолмоқда эди.

– Хўш, излашни қаердан бошлаймиз?

– Оқим бизни ҳув анави орол томонга олиб кетяпти, – деди Ҳамид. – Сиз нима дейсиз?

– Тўғри, ўша томонга борамиз, – деди Султон ака. – Оқим оролни «йўқламай» нариги томонга ўтолмайди. – Балки қайиғинг орол четидаги қаминшзорга кириб, тиқилиб қолгандир. Қайиқни ўша томонга бур!

Дарёнинг бу жойи нафақат кенг, балки чуқур. Соҳилдан узоқлашгач, оқим қайиқни тушовлаб олгандек судраб кетди. Олдинига улар тушган қайиқ ҳеч бир тўсиққа учрамай бир текис сузиб борди, аммо кўп ўтмай харсангтошга бориб урилди. Қопламаси бироз шилинган қайиқ бир томонга «шоҳ» ташлади, кейин оқим бўйлаб ҳаракат қила бошлади.

– Ўнгга бур, нега анқаясан? – дея қичқирди Султон ака. – Тез бўл, тезроқ!

Ҳамид эшкакни зўрга ўзига бўйсундирди. Қайиқнинг силжиши оғирлашди. Бироздан сўнг дарё ёйилиб оқа бошлади. Қайиқнинг ҳаракати ўзгарди, улар энгил нафас олишди.

Мана, ниҳоят амаллаб оролга етиб олдилар. Мунгли қора қоялар тонгги сайёҳларни узун, қаҳрли бурунларини чўзганча кутиб олди.

Ўнг томонда дарёнинг йўғон ирмоғи ястаниб, ётибди, сўл ёқда буталар билан қопланган қўлтиқ элас-элас кўзга ташланади.

Йигит Султон аканинг буйруғи билан қайиқни бутазор томонга бурди. Оқим бўйлаб елиб кетаётган қайиқнинг ости тўсатдан қумлоққа тегиб тўхтаб қолди.

– Мана, манзилга ҳам етиб келдик, – деди Султон аканинг ҳафсаласи пир бўлиб. – Бу ёғига оролни пиёда кезамиз. Қани, кетдик!

Чол билан йигит қайиқдан тушиб, уни оқим олиб кетмаслиги учун харсангтошга арқон билан боғлаб қўйишди. Кейин буталар орасидан ўтиб, оролни бир бошдан кўздан кечира бошладилар.

ТОНГГИ ҚЎНҒИРОҚ

Навбатчи капитан Раҳмонов устма-уст жиринглаган телефон гўшагини кўтарди:

– Тезкор навбатчи, капитан Раҳмонов эшитади!

Гүшакдан бир кимсанинг узоқдан ҳорғин овози келди:

– Чумчуқоролда кекса бир кишининг мурдаси топилди...

– Ўзингиз кимсиз, қаерда яшайсиз?

– Эргашев Султонман, Бешкапа қишлоғида яшайман.

Навбатчи қўнғироқ қилган одамдан керакли маълумотларни олиб, дафтарига қайд қилиб олгач, деди:

– Яхши, ҳозир тезкор гуруҳ етиб боради.

Раҳмонов воқеа тафсилоти ҳақида бўлим раҳбариятига маълумот берди. Зудлик билан тезкор вакил, эксперт-криминалист, терговчи, йўл-ҳаркати хавфсизлиги ходимидан иборат тезкор-тергов гуруҳи воқеа жойига жўнаб кетди. Прокуратурага ҳам хабар қилинди.

КАЛАВАНИНГ УЧИ

Йўл-патрул хизмати масканида қўлга олинган шахсларни тергов қилиш майор Тоҳир Ботировга топширилди.

Майор Ботиров ёш бўлишига қарамай анча тажрибали ходимлардан саналади. Кўп йиллардан буён шу соҳада фаолият юритади. Бир сўзли, қатъиятли, бунинг устига самимий, сўзамолгина йигит. Ҳар қандай суҳбатдошининг бирпасда қулфи дилини оча олади. Ҳамкасблари уни қилни қирқ ёрадиган терговчилардан, деб таърифлашса, бошлиқлари ўзига эшиттирмай «Ботировнинг ўзи ҳам, сўзи ҳам ботир», дейишади. Яқинда бўлиб ўтган бир воқеа бу таъриф тавсифларнинг замирида кўп нарса борлигини исботлади. Гап шундаки, юқори лавозимли мансабдорлардан бири жиноий иш бўйича гумондор деб топилган шахсни қамоққа олиш тўғрисида оғзаки кўрсатма беради. Терговчи «гумондор»ни чақиртириб, тергов ҳаракатларини бошлайди. Бироқ унинг айбдорлиги тасдиқланмайди. Шу боис терговчи бу шахсга нисбатан олиб борилган тергов ҳаракатларини тўхтатади.

Шундан сўнг мансабдор терговчига «Шошмай тур, ҳали совунимга кирювмабсан!» деб кўнглига олади. Дар-

ҳол «кўрсатма бажарилмади», деб ички ишлар бўлими бошлиғидан терговчини жазолашни талаб қилади. Бумасала туман миқёсида катта тортишув, мунозараларга сабаб бўлди. Бу низоли ишга охир-оқибат республика Ички ишлар вазирлиги Тергов бош бошқармаси раҳбарияти аралашгандан кейингина машмашага нуқта қўйилди. Мансабдор шахснинг асоссиз, оғзаки кўрсатмасини бажармаган «қулоқсиз» терговчининг барча саъй-ҳаракатлари тўғри деб топилди ва ўз лавозимида қолдирилди. Бу, албатта, кимдандир ўч олиш ниятида ички ишлар ходимлари фаолиятига билиб-билмай аралашмоқчи бўлган айрим раҳбарларга сабоқ бўлди.

...Майор Ботиров узоқ режа тузди. Гумонланиб ушлаб турилган шахслар ҳақидаги дастлабки маълумотлар билан танишиб чиқди. Хўш, калавнинг учи қаерда? Рашид, Миракмал, Олим, Акбар... Уларнинг қай бири билан бу жумбоқ осонроқ ечилади? Дарвоқе, Акбар дегани аввал ҳам судланган экан. У нима учун қамалганини аниқлаш керак. Умуман, жиноят содир этилган куни улфатлар қаерда бўлишган? Чумчуқоролда ўлдирилган Исоқ акага қарашли «Жигули» қандай қилиб бу улфатларнинг қўлига тушиб қолди экан? Соҳилдаги қотилликда уч улфатнинг қўли йўқмикан? Тахминларни ўрганиш керак. Майор бир тўхтама келгач, дастлабки сўроққа муқаддам судланган Акбарни чақиртирди.

Хонага соч-соқоли ўсган, ўрта бўйли Акбар қўлини орқасига қилиб кириб келди.

– Келинг, марҳамат ўтиринг, – дея Ботиров гумондорни қаршисидаги курсига ўтиришга таклиф этди. – Чека-сизми?

Акбар аста бош ирғаб, олдига сурилган кулдон устидаги «Хон» сигаретидан олди.

– Хўш, аҳволлар қалай?

Акбар аста елка қисди.

– Нега бизни ушлаб турибсизлар?

– Хизматчилик, – деди Ботиров Акбарнинг кўзларига синчковлик билан боқиб. – Билсангиз, бизнинг ишимиз шунақа. Баъзи бир ҳолатлар, тахминларни ўрганиб чиқишимиз зарур. Агар ўша тахминлар исботланмаса, сизларни қўйиб юборамиз. Бунинг қанчалик тез ҳал бўлиши сизларга боғлиқ, албатта.

Терговчининг юмшоқ муомаласидан Акбар сал тетиклашган бўлди-ю, елкасига қулаб тушаётган тоғни улоқтириб ташлаш, нима бўлса ҳам сувдан қуруқ чиқиш пайига тушди. Шу ваддан у терговчининг саволига қарши савол билан жавоб берди:

– Хўш, мен нима қилишим керак?

– Берилган саволларга тўғри жавоб берсангиз бўлгани, келишдикми?

– Келишдик, – деди Акбар сигарет қолдигини кулдонга босиб.

– Унда тўғриси айтинг: кеча қаёқдан келаётган эдиларинг?

– Оғайнилар билан дарё бўйида отамлашиб қайтаётгандик.

– Кўнгилдагидек ҳордиқ чиқардингизларми?

– Озроқ балиқ овладик. Ишимиз ўнгидан келмади...

– Нашани кимдан олдинглар?

– Йўғ-е, ўртоқ начальник, наша чекмадик, – Акбар ёлғон гапирганидан Ботировга тик қаролмай кўзларини четга олди. – Бу йўлдан бошқа юрмасликка қасам ичганман.

Акбар бу билан ароқдан сўнг озроқ наша чекканим билинмай кетади, деган хом хаёлга борганди.

– Акбаржон, ука, – терговчи юмшоқлик билан гапида давом этди. – Сиз ёш бўлсангиз ҳам кўп нарсани кўрган одамсиз, фишт қолипдан кўчгандан кейин жойига қайтиб тушмаслигини биласиз. Шундоқ экан, оқни оқ, қорани қора деб, ҳамма нарсани ўз номи билан айтганингиз маъқул. Гапимга тушунгандирсиз? Ўйлаб кўришга вақт бераман. Тушунарлими?..

– Ҳа..

Рашид билан бўлиб ўтган суҳбат ҳам жуда қисқа бўлди:

– Машина кимники?

– Ўзимники.

– Қачон олгансиз?

– Икки-уч ой бўлди.

– Ўз номингизга ўтказганмисиз?

– Йўқ, у амакимнинг номида.

– Унда ишонч қоғози борми?

– Йўқ.

– Ишонч қоғозисиз ҳайдаб бўлмаслигини билмасми-дингиз?

Рашид елка қисди:

– Қайдам.

– Унда айтинг-чи, Исоқ акани ва унинг ҳамроҳларини нега ўлдирдинглар?

– Тухмат қилманг, ўртоқ начальник. Биз ҳеч кимни ўлдирганимиз йўқ!

– Унда Исоқ аканинг машинаси қандай қилиб сизларнинг қўлларингизга тушиб қолганини тушунтириб беринг.

– Гапнинг пўсткаллеси, шаҳарга бориб қелиш учун машина керак бўлиб қолди. Машинани чоллардан сўраб олганмиз.

Миракмал билан Олим ҳам терговда аввалдан келишиб олган гапларини такрорлашди.

Майор Ботиров терговдан сўнг гумондорларнинг кийим-бошларини экспертизадан ўтказиш ҳақида кўрсатма берди.

Агар улфатлар қотилликка қўл урган бўлишса, уларга жабрдийдаларнинг қон излари бўлиши мумкин, деган тахмин бор эди.

ҚОТИЛЛАР ИЗ ЯШИРМОҚЧИ

Чумчуқоролда юз берган мудҳиш фожа ҳақидаги гап-сўз бир зумда ҳаммаёққа тарқалди. Эл оғзига элак тутиб бўлмас экан. Миш-мишлар, турли хил уйдирмалар, гумон ва шубҳали тахминларни эшитган одамлар саросимага туша бошладилар.

– Чумчуқоролда номаълум кимсалар тўрт кишини ўлдириб кетишибди!

– Каззоблар фақат чолларни ўлдираётганмиш...

– Сиз яхши суриштириб билмабсиз, қўшнижон! Қотиллар ўлдирган одамларнинг қорнини ёриб, ичига тош солиб, дарёга улоқтираётганмиш!

Бошқа бир йўловчи гапга қўшилиб, эътирозини яширмади:

– Ўша чоллар аввал ўлдирилиб, кейин ёқиб юборилганмиш...

– Буни сиз қаердан билдингиз? – ажабланди тугун кўтарган аёл ёқасини ушлаб. – Ўз кўзингиз билан кўрдингизми?

– Ўлик чиққан жойга яқин йўлатишмаяпти, кўрганларнинг гапи бу...

– Нима бўлгандаям ажали етган экан бечора чолларнинг.

– Қотиллар қўлга тушгани ростмикан?

– Рост, эгачи, рост. Энди боплаб таъзирларини беришса керак...

Сирдарё соҳилида рўй берган мудҳиш воқеа тўғрисидаги миш-мишларнинг қай бири тўғрилигини ҳеч ким билмасди. Бироқ қонли фожа содир бўлгани рост. Йигирманчи ноябрга ўтар кечаси Чумчуқоролда қайиқ ичидан топилган қариянинг мурдаси, қишлоқ четидаги вагон-уйнинг сирли равишда ёниб кетиши, Сирдарё тумани чега-расидаги қуйи оқимдан яна бир мурданинг чиқиши, қамишзордан топилган чолнинг ўлиги... Хуллас, бу ҳодисалар ҳамманинг кўнглига ғулу солиб қўйган эди. Фо-

жиадан хабар топган ички ишлар ходимлари аллақачон жинойтчиларнинг изига тушишган. Бироқ қотиллар ҳам анойи эмасдилар. Улар жинойт содир этган жойларида қонли жасадлардан бошқа бирон из қолдиришмаган, қотилликни хаспўшлаш, изқуварларни чалғитиш учун барча чораларни олдиндан кўриб қўйишганга ўхшайди. Тезкор вакиллар анча мушкул аҳволга тушиб қолган эдилар. Агар фурсат қўлдан кетса, қидирув кечикса, тахмин қилинган, топилиши мумкин бўлган излар, жинойт аломатлари йўққа чиқади ва иш яна чигаллашади. Жинойтчи ким ёки кимлар? Қотиллик қандай қурол ёки асбоб билан амалга оширилган? Ана шу жумбоқни ечиш керак эди.

Туман ва вилоят миқёсида тузилган тезкор гуруҳ аъзолари ишни кексаларнинг шахсини аниқлаш, жабрланувчиларнинг таниш-билишларидан суриштиришдан бошлашди. Бу жинойтга алоқадор, деб тахмин қилинган Олим, Миракмал, Рашид, Акбарлар тергов қилинди. Терговчининг сўроқларига улар мужмал жавоб қайтаришди. Исоқ аканинг машинасини сўраб олганларини, чоллар ўлдирилганини терговчи орқали билишганини, бу жинойтдан мутлақо беҳабар эканликларини исбот қилишга уриндилар.

Хўш, терговчи нима ҳам қилсин. Машинани ўғирлагани исбот қилингани билан қотилликни бўйнига қўйиш керак? Бу эса осон иш эмас, албатта.

Қонунлар фақат тахмин ва гумонларга таяна олмайди. Ҳар бир жинойтни атрофлича, аниқ, пухта, адолат билан синчиклаб текшириш зарур.

Ботировда Олим, Миракмал, Акбар, Рашидни қотилликда айблаш учун далиллар етарли эмасди. Уларнинг ёнидан фожиага асос бўладиган бир нишона ёки қурол, бирор восита топилмади. Терговчига қотиллар жинойтчи қандай амалга оширганлари ҳамон қоронғи эди. Энди сўнгги нуқтани экспертлар қўйишади.

Терговчи Ботиров прокурорга ўз мулоҳазасини айтди. Бу таклиф прокурорга маъқул тушди. Шунга кўра, республика Ички ишлар вазирлигидан тажрибали эксперт таклиф этилди.

ВАГОН-УЙ КИМНИКИ?!...

Сирдарёга келган эксперт Саломов терговчи тўплаган материаллар, далилларни атрофлича ўрганиб, чуқур ўйга толди.

Ишга тиркалган материаллардан маълум бўлишича, терговчи, прокуратура ходимлари, вилоят ИИБ эксперти анча изланишган. Улар ҳақиқатни ойдинлаштириш учун жуда кўп далил ва рақамларга мурожаат қилганлар. Ҳатто жабрланувчиларнинг яшаш жойларидаги узоқ-яқин қариндошлари, таниш-билиш, ошна-оғайниларидан турли маълумотлар тўпланганди. Улар орасида Исоқ аканинг ёнидан топилган ҳайдовчилик гувоҳнома-си, машинани бошқариши учун унинг номига расмийлаштирилган ишонч қўғози ҳам бор эди.

Саломов терговчи тақдим қилган йиғмажилддаги тергов материаллари билан бафуржа танишиб чиққач:

– Ишни жиноят содир бўлган жойдан бошласак, – дея таклиф қилди.

– Жуда соз, – деди терговчи ўрнидан туриб, – унда кетдик!

Эксперт мудҳиш воқеа рўй берган жойни терговчи, прокуратура ходимлари иштирокида атрофлича ўрганишга киришди. Вагон-уйнинг атрофи, эшик, деразалар, қўл билан ушланадиган ҳамма нарса қаричма-қарич кўздан кечирилди ва доктоплёнкаларга излари олинди. Эксперт бир неча жойни оқ бўр билан чегаралаб, суратга туширди. Қайиқ, гулхан, соҳил атрофи ҳам унинг зийрак назаридан четда қолмади. Вагон-уй, дарё соҳилидаги қадам излари шох-шаббалар билан супурилиб, йўқ қилиб ташлангани шундоқ кўриниб турарди.

Бундан экспертнинг ҳам, терговчининг ҳам ҳафсала-си пир бўлди.

«Наҳотки, қотилларнинг изига тушиб бўлмаса? Афтидан, бу ерда пихини ёрган кимса ҳаракат қилган кўри-нади. Энди суриштирувнинг бошқа йўналишини топиш керакка ўхшайди».

Эксперт Саломов дилидаги гапни тилига чиқарган эди, терговчи уни қўллаб-қувватлади.

– Мен ҳам худди шу фикрдаман, – деди у. – Ишни шу атрофда яшайдиган, муқаддам судланган, кўпчиликка от-нинг қашқасидек яхши таниш шахсларни сўроқ қилиш-дан бошлаш керак.

Суриштирувни вагон-уй кимга тегишли бўлгани, унда кимлар яшаганини аниқлашдан бошладилар.



ТИЛСИЗ ГУВОҲ

...Эксперт жиноят содир этилган жойдан доктоплёнкага туширилган қўл-бармоқ изларини лабораторияда ишлаб, уларда қотилларнинг қўл-бармоқ излари қолганлигини, бу излар таққослаш учун яроқли эканини аниқлади. Энди терговчи сўроқ қилган шахсларнинг қўл-бармоқ излари билан доктоплёнкадаги изларни солиштириш учун экспертиза тайинлаши керак. Бу иш лабораторияда тез бажарилди. Таҳлиллар қўл-бармоқ излари Рашид, Миракмал, Олимга тааллуқлигини кўрсатди. Ҳаммаси аён бўлди. Фақат баъзи бир манбалар ойдинлаштириб олинса бўлгани.

Эндиги иш бундан-да нозик ва мураккаб. Қотилликда гумон қилинган шахсларнинг айбини исботлаш осон эмас. Далил бўлса ҳам ҳар ҳолда қотилларнинг иқрори муҳим. Бу эса асов туяни тиз чўктириш билан баравар. Лекин терговчининг вазифаси бор тажрибаси ва маҳоратини ишга солиб, айбдорнинг кўнглини оғритмай айбига иқрор қилдиришдан иборатдир. Шу боис, терговчи эксперт хулосасини дарров рўкач қилмай, сўроқни давом эттиришни лозим топди. Лекин тўрт улфат қилган қотилликларига иқрор бўлиш ўрнига терговчига дўқпўписа қилиб, ўзларини бегуноҳ қилиб кўрсатишга уриндилар.

Бундай найранг ва муғамбирликларни иш жараёнида кўравериш кўникиб кетган Ботиров жазавага тушган айбдорларнинг сўзларини сўнгги марта диққат билан тинглади. Кейин эксперт хулосасини баён этди. Жиноятчилар тилсиз далиллар – қўл-бармоқ изларини кўришлари билан бўшашиб, ранглари докадек оқариб кетди. Терговчи уларнинг руҳий ҳолатини зимдан кузатаркан, луқма ташлади:

–Хўш, энди нима дейсизлар?

Қотиллар ноилож бўлган воқеанинг тафсилотини айтиб беришди.

– Биз галварсларни кечиринг, – деди Рашид кўзларига ёш олиб. – Иложи бўлса...

– Аввало сизлар галварс эмас, қотилсизлар, – деди Ботиров ғазабини ичига ютиб. – Кечирим сўраб, қилган қабиҳ ишларингиз учун жавобгарликдан қочмоқчи бўляпсизларми? Сиз қилган ишингиз учун марҳумларнинг жигаргўшалари, қонун олдида жавоб беришингиз шарт!

Терговчи қоғоздан бош кўтарганида тўрт-барзанги ерга тикилганча қотиб туришар, бу билан улар юз-кўзларини бекитишга уринишарди.



Қоңша
инфокор

ҚОТИЛ ШИФОКОР

Нортўхта болалигидан пулга ўч эди. Ота-онасининг музқаймоққа, ширинликларга берган пулларини ҳам йиғиб-йиғиб ўзига кийим оларди. 14 ёшга етганида молпарастлиги шунчалик кучайдики, нафақат синфдошлари, балки ўқитувчилари ҳам ундан юз ўгиришди. Ваҳоланки, ҳамма фанлардан нуқул аъло баҳога ўқирди. Хулқи ҳам намунали эди: жанжал-тўполонларга аралашмасди. Азбаройи худбинлигидан кўпинча ота-онасининг ҳам кўнглини қолдирарди.

Мактабни битириш арафасида бошқаларга ўхшаб хаёлий орзулар қанотида учмасди. Ҳарбийлик, фазогирлик, актёрлик, дипломатлик уни қизиқтирмасди. Кўп пул топиш мақсадида тиш шифокори, яъни стоматолог бўламан деб қатъий қарор қилиб қўйганди. Шу боисдан, аввал тиббиёт коллежини тиш теҳниги ихтисоси бўйича битирди. Сўнг ҳужжатларини тиббиёт институтига топширди. Билими чуқурлиги учун биринчи йилдаёқ тест синовларидан муваффақиятли ўтиб, талабалар сафидан ўрин олди. Институтни имтиёзли диплом билан тугаллади. Бундай иқтидорли мутахассисни ҳар қандай даволаш муассасаси ҳам бажону дил ишга қабул қилади.

У танлаб-танлаб нуфузли хусусий стоматологик клиникалардан бирига ишга кирди. Бу ерда бир йилча ишлаб, ҳафсаласи пир бўлди. Маошини бошқа кўплаб ёш мутахассислар билан солиштирганда кам деб бўлмасди. Еб-ичиш, кийинишдан орттириб, машина харид қилиш учун ҳам анчагина маблағ тўплаганди. Аммо Нортўхтанинг назарида бу кам эди. Унга қолса, бирданига беҳисоб бойликка эга бўлса эди.

Охири ишдан бўшаб, ўзининг хусусий бизнесини очди. Энди суткасига ўн олти соатлаб мижоз қабул қиларди. Даромади сезиларли даражада кўпайди. Лекин бундан ҳам кўнгли тўлмади. Яна қўшимча даромад манбаларини излай бошлади. Излаган имкон топар деганларидек, кунларнинг бирида хаёлига ажойиб фикр келди.

Гап шундаки, унинг мижозлари орасида ёлғиз турадиган бой-бадавлат қариялар ҳам бор эди. Нортўхта хушмуомала, очиқ юз бўлгани учун, улар ўзларининг сирларини, юрак

дардларини унга айтишарди. Шундайлардан бири Надежда Павловна эди.

Бир гал муолажадан сўнг ана шу кампиршо шифокор билан суҳбатлашиб ўтириб, гапдан гап чиқиб, эридан унга нодир картиналар, қимматбаҳо қадимий тақинчоқлар мерос бўлиб қолганини айтиб қолди.

– Шуларни пуллаб юборсам, беғам-беташвиш яшашим мумкин, – деди.

Бу гапни эшитиб Нортўхта бутунлай оромини йўқотди. Чунки шарти кетиб, парти қолган бу онахоннинг ён атрофида қонуний меросхўри ҳам йўқ, қариндошлари Россияга кетиб қолишган, фарзанд кўрмаган эди. Кампирнинг ўзи ҳатто ўлсам чироғимни ёқиб ўтирадиган бирор яқиним йўқ деб ҳасрат қилганди. Ўша пайтда тишларини даволаётган шифокори ўзини меросхўрликка чорлаётгани хаёлига ҳам келмасди, албатта.

Нортўхта ёвуз режасини амалга ошириш учун бир ҳафта давомида пухта тайёргарлик кўрди. Сўнг кейинги ҳафтада мижозига қабул кунини белгилади. Ўша куни онахоннинг сунъий тишларини кўздан кечириб, қоплама тишларидан бири эскирганлигини, уни алмаштириш кераклигини айтди. Мижоз синашта бўлиб қолган шифокорига чиппа-чин ишонди. Стоматолог эски қоплама тишни кўчириб ташлаб, ўрнига олдиндан тайёрлаб қўйган, ичига заҳар жойланган янгисини ўрнатди. Шифокорнинг ҳисоб-китобига кўра, роппа-роса икки кундан кейин заҳар мижознинг организмига таъсир эта бошлаши керак эди.

Кампирнинг ёлғизлигини билгани учун Нортўхта учинчи кун ҳол сўраб унга қўнғироқ қилди. Онахон ҳақиқатан ҳам ўзини ёмон ҳис этаётганидан нолиди. Аммо шифокор: «Унақада уйингизга борайми, бирор ёрдамим тегиб қолар?» деганида қатъиян рад этди. Стоматолог қанча илтимос қилмасин, кампир унинг ёрдамидан бош тортди. Ўша куни кечқурун «Тез ёрдам» машинаси беморни шифохонага олиб кетди. Онахон касалхонада оламдан ўтди.

Тиш шифокорининг режаси қуйидагича эди. Заҳар таъсир этгач, кампир унга қўнғироқ қилиб, ёрдам сўрайди. Мабодо мижоз мурожаат этмаган тақдирда ҳам, стоматологнинг ўзи унга қўнғироқ қилиб, ҳол-аҳвол сўрайди. Онахон маза-

си бўлмаётганидан шикоят қилса, ўзининг ёрдамани таклиф этади. Хуллас, бир амаллаб ажал бошига соя солиб турган кампирнинг хонадонига кириб олади. У ҳаёт билан видолашгач эса, заҳарли қоплама тишни кўчириб олиб, хонадондаги пулларни, қимматбаҳо тақинчоқларни ҳам бирйўла ўтариб кетмоқчи эди. Кўриб турганингиздек, режаси амалга ошмай қолди.

Шунга қарамай қотил шифокор бойишнинг бу усулидан воз кечишни истамади. Фақат бундан буён ёрдамчи ёллашга қарор қилди. Бир ой давомида излаб, маъқул ёрдамчиларни топди. Уларнинг иккаласи ҳам фирибгарлик ва босқинчилик жиноятлари учун муқаддам судланиб, қамалиб чиққан эди. ҳамтовоқларига «иш»нинг моҳиятини тушунтирди, «меҳнат ҳақи» борасида ҳам олдиндан келишиб қўйди.

Кейинги гал стоматолог олтимиш тўрт ёшли аёлга заҳарли пломба қўйди. Бу аёл бой-бадавлат адвокатнинг беваси эди. Энди воқеалар жиноятчиларнинг режаси бўйича ривожланди. Шифокорнинг ҳамтовоқлари олдиндан беванинг телефон тармоғига уланишди. У мазаси қочиб, «Тез ёрдам»га кўнғироқ қилганида, тиш дўхтирнинг «ёрдамчилари» етиб келишди. Оқ халат кийган «шифокорлар»ни кўриб бемор дарҳол уйининг эшигини очди. «Тез ёрдам» «ходимлари» уй бекасига ётишини буюриб, ўзларини шифокорлардай тутишга ҳаракат қилишди. Ичларида эса: «Тезроқ заҳар таъсирида ҳушидан кетсайди», деб туришарди.

Заҳарнинг дозаси кам эканми ёки аёл жисмонан бақувват эканми, ҳар ҳолда у ҳали-бери ҳушини йўқотадиганга ўхшамасди. Орадан бир соат ўтса ҳамки, ҳамма нарсани кўриб, эшитиб, сезиб турарди. Охири тоқати тоқ бўлган «шифокор»лардан бири шартга ёстиқни олиб, диванда ётган аёлни бўғиб ўлдирди.

Шундан сўнг улар хонадоннинг тити-питини чиқаришди. Қўлга илингулик ҳамма нарсани олиб чиқиб кетишди. Стоматологга воқеа тафсилотларини ошкор қилишмади, уй бекаси ўзи заҳар таъсирида ҳушидан кетиб, нариги дунёга равона бўлди деб қўя қолишди. Ўлжани бўлишишганида, Нортўхта хурсанд бўлиб кетди. Чунки бирданига уч йиллик даромадини қўлга киритганди.

Шундан сўнг Нортўхта «иш»га қаттиқ киришди. Қурбон

лар сони ортгани сайин бойликлари ҳам кўпайиб борди. Ҳар гал «операция» силиққина амалга ошарди. Фақат бир марта мижоз «шифокорлар»ни уйига киритмади. Сабаби улар «Тез ёрдам» машинасида эмас, таксида келишганини пайқаб қолди. Жиноятчиларнинг қўлга тушишини ҳам мутлақо тасо-дифга йўйиш мумкин.

Воқеа қуйидагича юз берди. «Тез ёрдам», «шифокорла-ри» чақирув бўйича беморнинг хонадонига келишса, қўш-ниси ҳам унинг ҳолидан хабар олгани чиққан экан. Қўшни аёлга раҳмат айтиб, «Зарур бўлсангиз яна чақириб чиқамиз» деб уни уйига чақириб юборишди. Акс ҳолда у режаларини амалга оширишга халал берарди-да. Охир-оқибат айнан ана ўша қўшни жувон «шифокорлар»нинг кейинги фаолияти-га тўсиқ бўлди. Уй эгаси ўлганлиги маълум бўлгач, воқеа жойини кўздан кечириш учун келган ички ишлар идораси ходимларига у марҳуманинг талайгина қимматли нарсалари йўқолганлигини айтиб қолди. Бу ҳам етмагандек, ўша куни келган шифокорлар кўзига шубҳали кўринганини ҳам қисти-риб ўтди. Айнан унинг сўзлари асосида тузилган фоторобот ёрдамида жиноятчиларнинг шахси аниқланди. Лекин тезкор ходимлар уларни қўлга олишга ёки сўроққа чақиришга шо-шилишмади. Чунки аввал рад этиб бўлмас далилларга эга бўлиш керак эди.

Гумон қилинувчилар ортидан кузатув бошланди. Орадан бир ой ўтиб, улар навбатдаги мижозникига йўл олишди. Уни тинчитиб, хонадонидан қимматли нарсаларини олиб чиқаёт-ганларида эса пистармада турган тезкор вакилларнинг қўли-га тушдилар. Улар суриштирув-тергов ҳаракатлари чоғида барча айбларини бўйниларига олишди. Чунки ашъвий да-лиллар шунга мажбур қилганди. Суд уюшган жиний гуруҳ-нинг барча аъзоларини узоқ муддатга озодликдан маҳрум этди.

МУНДАРИЖА

Қалтис ўйин.....	3
Ажал дарёси.....	25
Безовта тун.....	75
Қирмизи олмалар.....	93
Қасос ўти.....	107
Уч туп атиргул.....	121
Соҳилдаги қотиллик.....	131
Қотил шифокор.....	155

Мурод ТИЛЛАЕВ

ҚАЛТИС ЎЙИН

Муҳаррир: Бобомурод ТОШЕВ

Техник муҳаррир: Абдувосит ҚАМБАРОВ

Компьютерда саҳифаловчи: Нуриддин НУРИДДИНОВ

Босишга рухсат этилди 10.05.2013 84x108 $\frac{1}{32}$

Шартли босма табағи 10. Адади 200 нусха.

Баҳоси келишилган нарҳда.

Буюртма рақами № 25.

Оригинал макет «Detektiv-press» МЧЖ шаклидаги нашриёт уйи
компьютер марказида тайёрланди.

«AL-ALKOM TRADE» МЧЖ

босмаҳонасида чоп этилди.

Тошкент ш., Чилонзор т., Чилонзор кўчаси, 1а уй



Мурод Тиллаев 1952 йилда Қўқон шаҳрида туғилган, Тошкент Давлат университетининг (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) журналистика факультетида таҳсил олган. У кўплаб ҳажвий асарлар, фельетон ва суд очеркларининг муаллифи.

Унинг “Моя Дилор”, “Қопқон”, “Генерал Шуҳрат Ниёзов”, “Учар ликопчалар” номли қатор китоблари чоп этилган.

Қўлингиздаги тўпламга кирган саргузашт-детектив жанрида ёзилган қисса ва ҳикоялар муаллифнинг кейинги йиллардаги ижодий изланишлари самараси.

ISBN-978-9943-381-44-5



9 789943 381445